

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**Бухоро озик-овкат ва енгил саноат технологияси
институти**

Бухоро давлат университети

**И.И.Фатоев
Х.Н.Мавлянов**

САНОАТ ЭКОЛОГИЯСИ

Бухоро – 2006

Фаттоев Исломович, т.ф.н., доцент, Мавлянов Хамдам Назарович, к.ф.н., доцент. **Саноат экологияси.** Услубий кулланма. Бухоро, Зиё-Ризограф, 2006., 172 б.

Ушбу услубий кулланма барча мутхассисликларнинг магистрантлари хамда ишлаб чикириш корхоналарида фаолият курсатиб келаётган мухандистехнологлар учун мулжалланган. Кулланмада табиий бойликлар, Узбекистон минерал хом- ашё ресурслари, улардан окилона фойдаланиш йуллари, кимматбаҳо элементларни ажратиб олиш, чикиндиларни заарсизлантириш ва уларни кайта ишлаш муаммолари хакида батафсил маълумотлар берилган. Бундан ташкири, кулланмада асосан енгил саноат, курилиш, кишлок-хужалиги, нефт ва газ, чарм ва муйна саноати ишлаб чикириш корхоналаридаги экологик муаммолар батафсил баён этилган.

Бухоро давлат университети табииёт факультети илмий кенгашининг 2006 йил 25 январдаги 6- баённома карори билан чоп этишга рухсат этилди.

Такризчилар: т.ф.н., доцент Мусаев С.С (Бухоро озик-овкат ва енгил саноат технологияси «Касб таълим» факультети декани)
б.ф.н. Файзиев А.А (Бухоро давлат университети «Умумий кимё ва экология» кафедраси доценти)

МУНДАРИЖА

Муқаддима.....	5
I-БОБ. ТАБИЙ БОЙЛИКЛАР	7
1. Табиий ресурсларнинг таснифи ва улардан оқилона фойдаланиш йўллари.....	7
2. Ўзбекистон Республикасининг минерал хом-ашё ресурслари.....	12
3. Минерал хом-ашё ресурслардан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза килиш муаммолари.....	17
4. Нефт махсулотлари билан сув захираларининг ифлосланиши ва унинг олдини олиш чоратадбирлари.....	24
5. Полимер композицион материаллардан озик-овкат саноатида куллашнинг экологик муаммолари ва уларнинг ечиш йўллари.....	30
II-БОБ. ЧИКИНДИСИЗ ВА КАМ ЧИКИНДИЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР.....	37
1. Чиқиндисиз технологияларнинг асосий принциплари.....	43
2. Пластмасса чиқиндиларининг атроф-муҳитга таъсири.....	48
3. Пластмасса махсулотларини таниб олиш усувлари.....	54
4. Пластмасса чиқиндилари ва уларга қайта ишлов бериш усувлари.....	58
5. Полимер филтрлари, уларнинг қўлланиш соҳалари ва танлаш шартлари.....	61
6. Пластмасса махсулотларининг энергетика ва хисоблаш техникаси соҳаларида кулланилиши ва танлаш шартлари.....	62
7. Қаттиқ чиқиндилар манбаи ва турлари.....	65
9. Толалар ҳақида умумий маълумот.....	78
10. Кимёвий толалар ишлаб чиқаришнинг афзалликлари.....	82
11. Кимёвий толалар ишлаб чиқариш технологик жараёнлари.....	84
12. Синтетик толалар ишлаб чиқариш технологик жараёнлари.....	94
13. Сунъий толалар ишлаб чиқариш жараёнларидаги технологик ва экологик муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари.....	100
14. Ип йигириш фабрикларнинг технологик ва экологик муаммолари ва уларни ечиш йўллари.....	105
15. Чарм ва мўйна ишлаб чиқариш хом ашёлари.....	115
16. Терига ишлов бериш технологик жараёнлари.....	117
17. Чарм ва мўйна ишлаб чиқариш чиқиндилари ва уларни қайта ишлаш принциплари.....	123
18. Чорвачилик ва паррандачилик комплекслари чиқиндиларини қайта ишлашнинг экологик илмий асослари.....	128
19. Биогаз ва биогумус ишлаб чиқариш технологияси ва унинг истиқболлари.....	138
20. Экологик тоза қишлоқ хўжалик махсулотлари этиширишнинг самарали йўллари.....	142
III-БОБ. СУВДА ЭРУВЧАН ПОЛИМЕРЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШ СОҲАЛАРИ.....	145
1. Сувда эрувчан полимерлар, уларнинг хоссалари ва қўлланиш соҳалари.....	145
2. Сувда эрувчан полимерларнинг рангли металлар ишлаб чиқаришда қўлланилиши.....	154
3. Сувда эрувчан полимерларнинг табиий минерал сорбентлар қувватини оширишда қўлланилиши.....	156
4. Сувда эрувчан полимерларнинг ерни пармалашда қўлланилиши.....	160
Адабиётлар	163

Муқаддима

Фан ва техниканинг ривожланиши ва янги технологияларнинг ишлаб чиқаришда кенг жорий этилиши натижасида инсоннинг табиатга кўрсатилаётган таъсири (антропоген таъсири) жадаллашиб бормоқда. Инсон ва табиат орасидаги ўзаро муносабатлар мураккаблашиб, ушбу таъсири табиий омиллар билан қиёсланадиган даражага етди. Шунинг учун атроф мухитни муҳофаза қилиш ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Биосферада антропоген таъсири қилиш шу даражага бориб етдики, ер юзида ҳам табиий ўзгаришлар рўй бериб, баъзи минтақаларда ҳаёт кечириш амри маҳол бўлиб қолди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан тежамкорона ва оқилона фойдаланиш, чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологияларни ишлаб чиқариш корхоналарида кенг жорий этиш каби масалалар энг муҳим ва ўз ечимини кутаётган умумдавлат вазифаларига киради.

Республикамиз ва хусусан, вилоятимиз миқёсида жиддий ва кескин экологик вазиятларни вужудга келишининг асосий сабаби ишлаб чиқариш ўсиш суръатларининг табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш суръатлардан бир неча маротаба юқорилигидадир. Ушбу мақсадлар учун ажратилаётган маблағлар (у миллий даромаднинг 1,5-2% ни ташкил этади) керакли миқдорига нисбатан бир неча ўнлаб маротаба камдир. Ривожланган мамлакатларда эса, бу кўрсатгич корхона маблағининг 25-30% ни ташкил этмоқда.

Кўп ўн йилликлар давомида вужудга келган экологик муаммоларга сиёsat аралашиб, уларга панжа орқасидан қараб келинди. Уларни назар – писанд қилмаслик шу даражага етдики, келиб чиқиш сабаблари ҳамма томонлама ўрганилмай қолди. Натижада атмосфера ҳавоси, тупроқ ва сув манбалари заҳарланди, атроф – муҳитга мисли кўрилмаган даражада зарар етказилди.

Маълумотларга қараганда, инсон соғлигининг 67 – 74% ташқи муҳит, овқатланиш ва яшаш шароитига, 16 – 18% генетик ва наслий омилларга ва фақатгина 10 – 15% соғлиқни сақлаш хизматига боғлиқ. Демак, ҳаёт кечириш учун атроф – муҳитни заҳарламаслик чора-тадбирларини кўриш ҳар бир ишчи, хизматчи, мутахассис, муҳандис ва раҳбарнинг асосий бурчи бўлиши керак. Сайёрамиз соғломлиги – бизнинг соғлигимиз демақдир!

Ушбу услубий қўлланма янги чоп этилган маълумотлар асосида ёзилди. Унда асосан енгил саноати, нефт ва газ ҳамда қурилиш соҳасида вужудга келган экологик муаммолар ва уларнинг ечиш йўллари батафсил баён этилган.

Қўллётмаларимизни ўқиб чиқиб қимматли маслаҳатлари билан бойитган ҳамкасларимиз т.ф.д., проф. О.М.Эфендиевга, “Касбий таълим” факультети декани т.ф.н., доц. С.С.Мусаевга, “Чарм, мўйна ва тукимачилик саноати технологияси” кафедраси мудири т.ф.н. А.А.Ҳайитовга, ва шу кафедра катта ўқитувчилари Р.С.Саломова ва М.И.Ҳикматоваларга ўз миннатдорчи-лигимизни билдирамиз.

Улуғ бобокалонимиз Мирзо Бедил айтганларидек:

Хатти тақдир аст ҳоли аз ғалат,
Аз ғалат ҳоли набошад ҳеч ҳат.

Мазмуни: пешонамизга битилган тақдир чизиги хатоликдан холидир, барча ёзилган хатларда хатоликлар бўлади. Шу ўринда бизнинг ёзганларимиз ҳам хатоликлар ва камчиликлардан ҳоли эмас. Кўлланманинг келгусида нуқсонсиз нашр этилишига кўмак берувчи хато ва камчиликларимизни кўрсатадиган китобхонларимизга олдиндан минатдорчилигимизни билдириб, ўз фикр ва мулоҳазаларини қўйидаги манзилга ёзиб юборишларини илтимос қиласиз.

Мазилимиз:

Бухоро шахри, Қ.Муртазоев кўчаси 15-й. Бух ОО ва ЕСТИ.“Ҳаёт фаолияти ҳавфислизиги” кафедраси,

Бухоро шахри, М.Икбол кучаси 11 уй. БухДУ «Умумий кимё ва экология кафедраси.

I-БОБ. ТАБИЙ БОЙЛИКЛАР

Табий ресурсларнинг таснифи ва улардан окилона фойдаланиш йуллари

Аслида «ресурс» сузи француз тилидан олинган булиб, «яшаш воситаси» деган маънони англатади. Ресурс деганда табий жисмлар ва фойдаланиладиган энергия турлари тушунилади.

Табий ресурслар инсоннинг яшashi учун зарур булган шундай воситалардирки, улар жамиятга бевосита эмас, балки ишлаб чикариш кучлари ва ишлаб чикариш воситалари оркали таъсир этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «табий ресурслар» тушунчасини купгина олимлар турлича таърифлашади. Масалан, географ олимлар, акад. И.П.Герасимов ва проф. Д.Л.Арманд табий ресурсларга энг тулик таъриф берганлар: «табий ресурслар- кишилар бевосита табиатдан оладиган ва уларнинг яшashi учун зарур булган хилма-хил воситалардир».

Проф. Ю.Г.Саушкин эса «электр энергия олиш, озик-овкат махсулотларини ишлаб чикариш учун фойдаланиш мумкин булган табий компонентларни ва саноат учун хомашёларни табий ресурслар деб таърифлайди. Географ олим А.А.Минц эса , «Табий ресурслардан фойдаланиш шакллари ва йуналишларига караб уларни иктисадий жихатдан синфларга булишни» биринчи уринга куяди. Бу синфларга булишда, яъни таснифларда , табий ресурслар моддий ишлаб чикаришнинг асосий секторларида ва ишлаб чикаришдан ташкири сферада фойдаланишига караб гурухларга ажратилади.

Шундай килиб, табий ресурслар кишиларнинг яшashi учун зарур манбаларга ва меҳнат воситалари манбаларига булинади. Аслида, табий ресурслар иккита асосий гурухга булинади :

А. гурухи – моддий ишлаб чикариш ресурслари. Бу гурухга ёкилги махсулотлари, металлар, сувлар, ёгоч-тахта, балиқ, овланадиган хайвонлар киради.

В гурухи – ишлаб чикаришдан ташкири сфера ресурслари. Бу гурухга ичимлик суви, дарахтзорлар, иклим ресурслари ва хоказолар киради.

Табий ресурсларга озик овкатга ишлатиладиган ёввойи усимликлар ва хайвонлар, ичимлик суви ва бошка максадларда фойдаланадиган сувлар, металлар олинадиган маъданлар, курилишга ишлатиладиган ёгоч тахталар, энергия ва ёкилги манбалари булган кумир, нефт ва табий газлар киради.

Табий ресурслар 2 турга булинади.

1. Тугайдиган табий ресурслар
2. Тугамайдиган табий ресурслар

Тугайдиган табий ресурслар уз навбатида 2 гурухга булинади.

1.

Тикланадиган ресурслар.2 Тикланмайдиган ресурслар.

Табий ресурсларнинг таснифи (синфларга булиниши) куйидаги расмда курсатилган.



1-расм. Табиий бойлик захирларининг таснифи.

Тикланмайдиган табиий ресурсларга ер ости табиий бойликлари ва фойдали казилмалар, яъни маъданли ва маъдансиз казилмалар киради. Улар фойдаланаётган даражадан миллион-миллион марта секин тикланадиган табиий ресурслар хисобланадилар. Бундай ресурсларни тиклаб булмас экан, минерал ресурслардан самарали фойдаланиш, уларни тежаб-тергаб ишлатиш ва уларни казиб олинаётганда ерларга зарап етказилишига йул куймаслик зарур.

Тикланадиган табиий ресурсларга тирик мавжудотлар, усимлик ва хайвонлар, дараҳтлар шунингдек тупрок киради. Тупрок йук булиб кетмайди, балки асосий хоссасини – унумдорлигини йукотиши мумкин. Бундай ресурслардан фойдаланаётганда шуни эсда тутиш керакки, муайян табиий шароитнинг бузилиши уларнинг кайта тикланишига халакит бериши мумкин. Масалан, хозирги вактда бутунлай кириб юборилган купгина усимлик ва хайвонот турлари, шунингдек, эрозия натижасида бутунлай таркиби бузилган тупроклар кайтадан тикланмайди. Бундан ташкари, шуни хам ёдда тутиш керакки, тикланадиган табиий ресурсларнинг пайдо булиш жараёни маълум тезликка эга булиши керак. Масалан, отиб ташланган хайвонларнинг кайтадан пайдо булиши учун бир ёки бир неча йил керак, аммо дараҳтлари кесиб ташланган урмон камидаги 60-йилдан кейин кайта тикланиши мумкин. Ер кобигида тупрокнинг унумли ва хосилдор катламини хосил булиш жараёни ниҳоятда секинлик билан кечади. 100 йилда 0,5 см дан 2 см гача тупрок хосил булади. Таркиби узарган тупрокни яхшиланиши учун эса бир неча минг йил вакт керак. 20 см калинликдаги унумдор тупрок хосил килиш учун табиат 2000 йилдан 7000 йилгача вакт сарфлайди. Шунинг учун табиий ресурсларни ишлатиш тезлиги, уларнинг тикланиш тезлигидан ошиб кетмаслиги керак.

Тикланадиган табиий ресурслар учун заруруй шароит яратиб берилса, улар инсон эҳтиёжларини кондиришга абадий хизмат килиши мумкин.

Тутамайдиган табиий ресурсларга сув, иклим ва космик ресурслар киради.

Сув барча тирик организмлар учун хаёт манбаи булиб З та физик холатда : каттиқ(муз), суюқ ва бугсимон холатларда учрайди. Ер шарида сувнинг умумий микдори битмас-тутамас булиб, хеч качон узгармаса керак, бирок инсоннинг фаолияти натижасида сувнинг захираси ва микдори ер шарининг айрим минтакаларида турли даврларда турлича булиши мумкин.

Дунёдаги сувларнинг 94 % океанлардадир. Бевосита фойдаланишга ярокли булган ичимлик сувининг захиралари 1 % ни хам ташкил этмайди. Бирок битмас-тутамас хисобланган денгиз сувлари хам ута ифлосланиш хавфи остида турибди. Чучук сув эса сифат жихатидан тутамайдиган ресурс хисобланади. Чунки инсонга хар кандай сув эмас, балки истеъмол килиш учун ярокли тоза сув керак . Ер шарининг купгина минтакаларида сувдан самарасиз фойдаланиш, дарёларнинг саёзланиб колиши ва бошка сабаблар окибатида ичимлик суви микдори кескин камаймоқда. Холбуки, сугориш , саноат ва коммунал хужалик

учун чучук сувга булган эхтиёж йилдан йилга ортиб бормокда.

Худи шунга ухшаган микдор жихатдан олганда атмосфера хавоси тугамайдиган табиий ресурсларга киради, аммо сифат жихатдан олганда у тугайдиган ресурсларга киради.

Куёш радиацияси (ёрглиқ, иссиклик), атмосфера хавоси, шамол, сув ва тулкинлар энергияси икlim ва космик ресурсларга киради. Ёгингарчиликлар эса сув ресурслариға хам икlim ресурслариға хам киради.

Сайёрамизга келаётган Куёш нурларининг ярмидан купроги энергиянинг бошка турларига айланади. Уларнинг муайян кисми тупрок, сув ва атмосфера хавосини иситишга сарф булади ва аста-секин фазога таркалади. Уларнинг муайян кисми усимликлар томонидан узлаштирилади. Куёшнинг нурли энергия захиралари миллиард-миллиард йилларга етиши мумкин. Шунинг учун Куёш энергияси битмас- туганмасдир.

Атмосфера хавоси тирик организмлар учун хаёт манбаидир. Хаво битмас-туганмас, лекин унинг таркиби узгариши мумкин. Хаво таркибида карбонат ангидрид, радиоактив моддалар, турли газларнинг механик аралашмалари, кул, чанг ва бошка моддалар мавжуд. Бундай ифлосликларни саноат корхоналари ва хусусан , транспорт воситалари чикаради. Бу эса инсон соглигига катта салбий таъсир курсатади.

Тугамайдиган ресурслардан самарали фойдаланиш учун уларни тоза саклаш ва энг аввало , сувни тежаб-тергаб сарфлаш керак. Сув ресурслари етишмайдиган минтакаларда , айникса Марказий Осиё минтакасида сувни эхтиёт килиш керак.

Назорат саволлари

1. «Ресурс» атамасининг лугавий маъносини тушунтиринг.
2. «Табиий ресурс» тушунчасига таъриф беринг.
3. Табиий ресурслар неча гурухларга булинади?
4. Табиий ресурсларнинг кайси турларини биласиз?
5. Табиий ресурсларнинг таснифи хакида маълумот беринг.
6. Нима учун атмосфера хавоси ва сув хам тугайдиган ва хам тугамайдиган табиий ресурслар гурухига киритилган?

3. Ўзбекистон Республикасининг минерал хом-ашё ресурслари

Фойдали қазилмалар гурухига маъданли ва маъдансиз металлар, нефт, газ, кўумир, торф ва ер ости сувлари киради. Улар инсоният учун ёқилғи ва энергия манбалари ҳисобланади. Улардан фойдаланиш йилдан-йилга ортиб бормокда. Агар сўнгти 25 йил мобайнида дунёда кўумирга бўлган талаб 2 маротаба, калий, марганец ва фосфор тузларига 2-3 маротаба, темирга 3 маротаба, нефт ва газга 6 маротаба ошган бўлса, шу давр мобайнида ахолининг ўсиши 40% ни ташкил этди.

Ҳозирги пайтда дунё миқиёсида йилига 150 млрд тонна минерал хом-ашё қазиб олинмоқда.

Табиий нураш оқибатида денгиз ва океанларга дарёлар орқали йилига 15 млрд тонна тоғ жинслари оқиб кўшилмоқда ва 3-4 млрд тонна тоғ жинслари атмосфера хавосига кўтарилимоқда. Инсон ўз эхтиёжларини қондириш мақсадида йилига 1500-2000 млрд тонна тоғ жинсларини бир жойдан иккинчи жойга кўчиради.

Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) нинг маълумотларига қараганда, йилига дунёда 2,6 млрд тонна нефт, 3,6 млрд тонна хром маъдани, 3-4 млрд тонна қўрғошин маъдани, 6 млрд тонна темир маъдани, 7,3 млрд тонна мис маъдани, 32 млрд тонна кўумир, 1,2 млн тонна уран, симоб, молибден, никел, кумуш, олтин ва платина маъданлари, 120 млн. тонна фосфатлар ва 159 млн тонна туз қазиб олинмоқда. Агар қазилма бойликлардан ҳозирги тезлик билан фойдаланилса, олтин захиралари 35 йилда, рух-36 йилда, калий-40 йилда, уран-47 йилда, мис-66 йилда, сурма ва симоб захиралари 70 йилда нефт, газ ва кўумир захиралари эса 150 йилда тугаб қолиши мумкин. Шунинг учун қўпгина ривожланган мамлакатлар (Япония, Англия, Олмония, Италия, Голландия, Белгия ва бошқа мамлакатлар) да хом-ашё ва ер ости бойликларининг етишмаслиги туфайли иккиласи чиқиндиларни қайта ишлаб, бошқа мамлакатларнинг бойликларидан фойдаланмоқдалар.

Ҳозирги пайтда олимлар янги-янги конларни кашф қилишга мажбур бўлмоқдалар. Япония олимларининг маълумотларига қараганда, океан тубидаги металлар концентрациялари ҳисобига дунё саноатини ҳозирги истеъмол даражаси мис билан 2000 йил,

марганец билан 14000 йил, никел билан эса 70000 йил таъминлаш мумкин. Ҳозирги пайтда ушбу бойликлардан дунё саноати эҳтиёжлари учун 1% дан 20% гача фойдаланмоқдалар, холос. Бундан ташқари, ер ости бойликлари қўпчилик ҳолатларда 1-2 тур металлар ҳисобига қазиб олиниб, қолган қисми эса атроф-муҳитга чиқинди сифатида ташлаб юборилади. Масалан, 100 тонна гранитдан 14 кг ванадий, 17 кг никел, 30 кг хром, 80 кг марганец, 0,5 тонна титан, 5 тонна рух, 8 тонна алюминий ажратиб олиш мумкин.

Исрофгарчилик, айниқса, нефт, газ, қўмир, калий тузлари, курилиш материаллари, қора ва рангли металлар, тоғ кимёвий хом-ашёларини қазиб олишда рўй бермоқда. Дунёдаги нефт конларидан 50-60% нефт қазиб олинмоқда. Ҳар йили 150 млрд тонна маъданлар қазиб олинади ва ундан керакли элементлар ажратиб олиб, қолган 95-98% атроф муҳитга чиқариб ташланади.

Қазилма бойликларни қидириб топиш, уларни ташиш ва қайта ишлаш жараённида ҳосилдор ерлар қўлами қисқаради, ўсимликлар нобуд бўлади, тупроқ эрозияси тезлашади, натижада яроқсиз ерлар майдони ошади. Бундай яроксиз ерлар майдони XXI асрга келиб 5-6 маротаба ошиши мумкин. Бир тонна темир олиш учун 5-6 тонна маъданлар, 1 тонна рух олиш учун 80-100 тонна маъданлар, 1 тонна мис олиш учун эса 100-140 тонна маъданлар ишлатилади. Ҳозир ер юзида миллионлаб тонна металлургия тошқоллари, иссиқлик электр станцияларидан чиққан қўплаб чиқиндилар атроф-муҳитни ифлослантирумоқда. Ҳисобкитобларга қараганда, сўнгти юз йил давомида дунёда 200 млрд тоннадан кўпроқ тошқоллар, 3 млрд тонна куллар, 17 млрд тонна маргимуш, 1 млн тонна никел, 1 млн тонна кобалт ва бошқа фойдали ва нодир элементлар чиқинди сифатида тошқоллар ва куйқумлар билан бирга чиқариб ташланган.

Ўзбекистон азалдан ер усти ва ер ости бойликларининг кўплиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Республикаизда 94 минерал хом-ашё турларининг 850 та конлари топилган. Ёқилғи-энергетика конлари, тоғ маъданлари, кимёвий хом-ашёлар, курилиш материаллари ва ер ости сув конларининг аниқланган захиралари асосида 370 та нефт ва газ конлари, шахталар, карерлар ва 290 тадан ортиқ ер ости чучук сув олувчи иншоотлар ишлаб турибди.

Кўкдумалоқ нефтегаз конденсат конининг табиий газ захираси 143,7 млрд м³, нефт захираси 54,2 млн тонна, конденсат захираси эса 67,4 млн тоннани ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Бухоро ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводлари йилига мос равища 2,5 млн тонна ва 3,5 млн тонна нефтни қайта ишлаш қувватига эга. Муборак газни қайта ишлаш заводининг қуввати 24 млрд м³/йил бўлиб, 8,9 млн тонна нефт (конденсат билан биргаликда) ва 55,5 млрд м³ табиий газ қайта ишланади.

Республикаизда углеводород хом-ашёларининг умумий захиралари:
газ – 1828 млрд м³ (башоратлар бўйича 2970 млрд м³);
конденсат – 136 млн тонна (башоратлар бўйича 175 млн тонна);
нефт – 103 млн тонна (башоратлар бўйича 145 млн тонна) ни ташкил этади.

Республикаизда миқёсида 20 дан ортиқ тошкўмир конлари аниқланган бўлиб, уларнинг умумий захиралари 3499 млн.т деб башорат қилинмоқда. Уларнинг саноат аҳамиятига молик бўлган захиралари Ангрен, Шарғун ва Бойсунда жойлашган. Ангрен тошкўмир конининг захираси 1885 млн. тонна бўлиб, ундан йилига очиқ ҳолда 5 млн тонна тошкўмир қазиб олинмоқда ва келгусида 10 млн тоннага етказиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Шарғун ва Бойсун тошкўмир конларининг захиралари мос равища 50 млн тонна 15,6 млн тоннани ташкил этади.

Фарғона вилоятидаги Гаднауз қўнғир қўмир конининг захираси 30-35 млн тонна деб башорат қилинмоқда.

Ёнувчан сланецларнинг ресурси 47 млрд тонна деб башорат қилинмоқда. Уларнинг таркибида 0,04-0,164% молибден, 0,15-0,38% ваннадий, шунингдек, барий, стронций, кобалт ва бошқа нодир элементлар мавжудлиги аниқланган.

Республикаизда 33 та нодир металлар ва 32 та рангли металлар конларининг хом-ашёлари ҳисобига 16 та тоғ металлургия корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимиз миқёсида 27 та олтин ва кумуш конлари мавжуд бўлиб, шундан 16 та олтин ва 3 та кумуш конлари аниқланган. Ҳозирги пайтда Мурунтов, Маржонбулоқ ва Камокқир каби 7 та олтин конлари ишлатилиб келинмоқда. Собиқ Шўролар даврида ер қаъридан олинадиган жами

олтин микдорининг 25,2% Ўзбекистон хиссасига тўғри келарди. Фақат Мурунтов олтин конидан йилига 50-55 тонна соф олтин олиниади. Нодир металларнинг аниқланган захиралари ишлаб турган корхоналарнинг 20-30 йил ишлашини таъминланиши мумкин. Ҳозирги пайтда Қизилқум ва Тошкент атрофидаги иқтисодий минтақаларда қидирув ишлари олиб борилмоқда.

Олмалиқ төғ металлургия комбинатининг асосий хом-ашё базасини Калмақир, Саричеку, Учқулоч, Кўрғоншикан ва бошқа мис-молибден ва қўрғошин-руҳ конлари ташкил этади. Ушбу конларнинг маъданлари таркибида мисдан ташқари олтин, кумуш, молибден, селен ва бошқа нодир элементлар мавжудлиги аниқланган.

Ҳозирги пайтда 5 та аниқланган волfram конларидан 2 таси (Койтош ва Ингичка конлари) ишлатилмоқда. 2 та волfram конлари (Саритау ва Саутбой конлари) ва 2 та қалай кони (Карнаб ва Зираубулок-Зиёутдин конлари) очилди.

Олимларимизнинг башоратларига қараганда, фосфоритларнинг захираси (асосан фосфор ангидрид) 100 млн тонна деб баҳоланмоқда. Фосфорли ўғитлар ишлаб чиқарувчи заводлар Қозогистоннинг Коратау маъдан конларидан келтираётган хом-ашёлар хисобига ишламоқда.

Республикамиздаги төғ жинсларининг комплекси ва яратилган минерал хом-ашёлари қурилиш материаллари (мармар, гранит, цемент ва бошқалар)ни ишлаб чиқариш имконини беради.

Республикада минерал иссиқ сув ва саноат сувларининг захиралари мавжуд. Ҳозирги пайтда 32 та минерал сув захиралари аниқланган бўлиб, уларнинг 12 тасида дам олиш масканлари ташкил этилган. Халқ хўжалиги эҳтиёжларини қондириш мақсадида 9 та сув қадоқлаш заводлари ишга туширилди. Минерал сув захиралари $8208 \text{ минг м}^3/\text{суткани}$ ташкил этмоқда. Юқори ҳароратли иссиқ сув масканлари Фарғона водийсида Бухоро, Самарқанд ва бошқа вилоятларда топилган.

Республика миқёсида саноат сувларининг йирик захиралари (Устюорт, Жанубий Орол, Бухоро-Қарши, Сурхондарё, Фарғона, артезиан хавзалари) очилган, уларнинг таркибида йод, бром, бор, цезий, рубидий, стронций каби элементлар мавжудлиги аниқланган. Бухоро-Қарши артезиан хавзасининг саноат сувлари энг истиқболли хисобланади.

Назорат саволлари

1. Фойдали қазилмалар гурухига нималар киради?
2. Республика изда нечта минерал хом-ашё турлари ва уларнинг конлари мавжуд?
3. Республика изнинг углеводород хом-ашёлари ва уларнинг умумий захиралари ҳакида маълумот беринг.
4. Республика изда тошқўмир конлари ва уларни захиралари ҳакида маълумот беринг.
5. Республика изда нодир металлар конлари ҳакида маълумот беринг.
6. Республика изнинг минерал иссиқ сув ва саноат сувларининг захиралари ҳакида маълумот беринг.

3. Минерал хом-ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш муаммолари

Охирги йилларда чоп этилган маълумотларга қараганда, ҳозирги пайтда дунёдаги нефт захиралари 10^5 млн тонна деб баҳоланмоқда. Шундан Саудия Арабистони 25,3%, Ироқ 9,9%, Бирлашган Араб Амирилиги 9,6%, Қувайт 9,4%, Венесуэлла 5,8, МДХ 5,8 ва Мексика 5,6% нефт захираларига эга.

Олимларимизнинг фикрича, Республика изнинг 60% ҳудуди нефт ва газ қазиб олиш учун истиқболли хисобланади ва хом-ашё захираларининг қиймати 1 трилион америка долларига тенг деб баҳоланмоқда.

Охирги йилларда Республика изда нефт ва газ қазиб чиқариш, автобензин, авиакеросин, дизел ёқилғилари, мазут ва нефт мойлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсди. Масалан, 1998 йилда 8,1 млн тонна нефт ва конденсат, $54,8 \text{ млрд м}^3$ табиий газ қазиб олиниди, 7,1 млн тонна нефт ва конденсат, $37,4 \text{ млрд м}^3$ газ қайта ишланиб, 270 минг тонна

олтингугурт ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий баҳоси 137,5 млрд сўмни ташкил этди. Аммо республикада яратилган ёқилғи-энергетика ва минерал хом-ашё ресурсларидан имконият ва зарурият даражасида фойдаланилсада, бу жабхада ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Вужудга келган иқтисодий, экологик ва технологик муаммоларга батафсилоқ тўхталиб ўтамиш.

1. Республикаизда мавжуд 65 та нефт ва газ конларидан 35 таси ишлатиласпти. Нефт ва газ конларидан чиқинди сувларнинг таркибидан йод, бром, цезий, рубидий, стронций, бор каби йўлакай нодир элементлар ажратиб олинмаяпти.

2. Полиметаллар, стронций, плавик шпат, табиий тузлар, фосфорит конлари ўзлаштиrmай қоляпти. Кумуш конларидан биронтаси ишга туширилмаган.

Плавик шпат сувсиз ишқорли алюмосимикат бўлиб тоғ жинслари таркибида қўпроқ учрайди. Плавик шпат 2 хил бўлади:

1. Енгил плавик шпат (CaSO_4). Унинг зичлиги 2850-3000 кг/м³ атрофида бўлиши мумкин.

2. Оғир плавик шпат (BaSO_4). Унинг зичлиги 4450-4530 кг/м³ атрофида бўлиши мумкин.

Плавик шпат кимёвий барқарор модда бўлиб, унинг таркибида қўйидаги элементлар мавжуд: кремний күш оксиди (SiO_2 – 67,8%), алюминий оксиди (Al_2O_3 – 19,4%), натрий оксиди (Na_2O – 7%), калий оксиди (K_2O – 3,8%), калций оксиди (CaO – 1,7%), темир оксиди (Fe_2O_3 – 0,08%).

Плавик шпат инсон соғлиги учун хавфли эмас.

3. Фойдали қазилмаларни қазиб олишда юз берадиган исрофгарчиликлар қўлланиладиган технологиялар системасининг унумдорлигига боғлиқдир. Фойдали қазилмалардан тўлароқ фойдаланиш очиқ қазиб олиш йўли билан амалга ошиши мумкин. Аммо Ангрен тошкўмир конидан юқори кулли ва кам қувватли кўминаларни тўлиқ қазиб олиш таъминланмай келинаяпти. Масалан, кам қувватли кўмири ва юқори кулли кўминаларнинг умумий исрофи мос равишда 20,5-23,8% ва 12,5-13,1% ни ташкил этмоқда.

4. Қаттиқ ёқилғиларни газлаштириш - уларни чуқур технологик қайта ишлаб улардан сунъий газсимон ёқилғи ва кимё саноати учун хом - ашё, металлургия саноати учун қайтарувчи газлар олишдан иборат. Газлаштириш жараёнини газ генераторларда 1000 - 1300°C да ҳаво, кислород, сув буғлари ёки уларнинг аралашмалари ёрдамида амалга оширилади ва натижада водород ва углерод оксидлари, метан ва азот олинади.

Қаттиқ ёқилғиларни бевосита ер остида (қазиб олмасдан) ёқиб газлаштириш катта истиқболли технологиялардан хисобланади. Иқтисодий ва экологик нуқтаи назардан олиб қараганда, бунда ишчи кучи тежалади ва ер усти чиқиндилар билан ифлос бўлмайди. Ер остига оралиғи 15 - 20 м га тенг бўлган иккита қудук (скважина) қазилиб, биридан ҳаво, кислород ёки сув буғлари берилиб, иккинчи қудуқдан газ олинади. Бу усулнинг камчилиги - асосий олинадиган газ компонентларининг кам чиқишидир: 12 - 16% H_2 ва 6-10% CO олиняпти.

Республикаиздаги “Подземгаз” станциясида ер ости кўминаларнинг газлаштириш самарадорлиги унча юқори эмас. Қазиб олинадиган маҳсус кўминаларнинг умумий микдоридан атиги 10% ГРЭСлардаги маҳсус кулларни йиғиб олишда сарфланади, қолган кисми ёқилғи кўмири сифатида ишлатилади.

5. Ер ости бойликларини қазиб олишда жуда катта нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда. Масалан, Шарғун кўмири конида номукаммал технологияларни қўллаш туфайли қазиб олинаётган кўминаларнинг 25% исроф бўлмоқда. “Калмақир” ва “Сари – Чеку” маъдан конлари, “Олтин топган” кўрғошин - рух конлари хом - ашё базаларининг ҳолати ҳозирги замон саноат кондицияларига ва тоғ жинсларини туйилтириш техник - иқтисодий кўрсатгичларига жавоб бера олмаяпти. «Олтин топган» ва «Пайбулоқ» ер ости кўрғошин - рух конларида режадан ташқари 3 - 6% гача товар маъданлари исроф бўлмоқда.

Ер бағридан қимматбаҳо элементларни қазиб олишда исрофгарчилик юқорилигича қолмоқда. «Ингичка» маъдан шахтасида кон захиралари эски камера - устун системаси асосида ишланиб, ер остидан 88,5 - 90% гача маъдан ажратиб олишга эришиляпти.

6. Республикада йилига 100 млн тоннадан зиёдроқ чиқиндилар пайдо бўлиб, улардан ярмини заҳарли чиқиндилар ташкил этмоқда. Ушбу чиқиндиларнинг бир қисми халқ

хўжалигида иккиламчи хом - ашё сифатида қўлланилади, асосий массаси эса, турли чиқинди йиғгичларда жойлаштирилади. Чиқиндиларнинг умумий миқдори 2 млрд тоннани ташкил этмоқда.

Чиқиндиларнинг асосий миқдори (1,3 млрд тонна) тоғ жинсларини қазиб олиш саноатига ва қайта ишлаш комплекслари улушига тўғри келмоқда. Ҳар йили қарийб 50 - 60 млн тонна чиқиндилар (тоғ жинслари, флотацион бойитиш думлари, турли тошқоллар, сунъий тош (клинкер) лар) атмосфера ҳавосига чиқарилиб ташланади. Улар 10000 гектар майдонни эгаллаб турибди.

«Мурунтов» олтин кони атрофида чиқиндилар ташланадиган майдон 5200 гектар ерни ташкил этади. Ушбу майдон ҳозирги кунда чиқиндилар билан тўлиб тошган бўлиб, иккинчи майдони 6200 гектар ерни ташкил этмоқда. Чиқиндиларнинг таркибида кобалт (0,25 мг/л), рух (0,5 мг/л), маргимуш (2,5 мг/л), қўрғошин (3 мг/л), мис (5,5 мг/л), темир бирикмалари (9 мг/л), молибден (17 мг/л), никел (17 мг/л), алюминий (25 мг/л) ва натрий цианити (150 мг/л) мавжудлиги аниқланган.

Ҳозирги пайтда Зафаробод маъдан қазиб олиш марказий бошқармаси 170 минг гектар майдонда уран маъданларини қазиб олиш ишларини олиб бормоқда. Мазкур майдон яроқсиз ҳолатга келиб қолган ва унинг иккинчи навбати учун ажратилган майдон 16 минг гектар ерни ташкил этади.

Ер ости сувлари таркибидаги туз миқдори 10-50 баробаргача ва радиоактив моддаларнинг миқдори рухсат этилган меъёридан 10-20 баробарга ошган.

«Навоийазот» комбинатидан чиқариладиган заҳарли чиқиндиларнинг ҳажми 570 минг m^3 ни ташкил этмоқда. Ушбу чиқиндилар 50 гектар ер майдонини эгаллаб турибди. Уларнинг таркибида полимерлар 25% радионитлар 10% ва бошқа қаттиқ аралашмалар мавжуд. Бундан ташқари, чиқиндиларнинг таркибида цианитлар (50 мг/л), аммиак (150 мг/л), сулфат тузлар (15000 мг/л) ва мис (25000 мг/л) мавжудлиги аниқланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, цианит (Al_2OSiO_4) табиий, ялтироқ шишасимон минерал бўлиб, унинг ранги оқ, кўқ, яшил ёки жилосиз бўлиши мумкин. Зичлиги 3660 кг/ m^3 га тенг бўлиб, сувга эrimайдi. Унинг суюкланиш ҳарорати 1810°C дан юқорироқ бўлиши мумкин. Резиналардан тайёрланадиган маҳсулотларнинг мустаҳкамлигини ошириш учун цианитлардан тўлдиргич сифатида қўлланилади. “Навоийэлектрокимё” заводи чиқиндиларининг ҳажми 7млн 800 минг. m^3 ни ташкил этади ва улар 125 минг гектар майдонни эгаллаб турибди. Уларнинг таркибида органик бирикмалар мавжудлиги аниқланган.

7. Кимё саноатининг асосий чиқиндилари фосфогипс, лигнин, марганец куйкумлари, олtingугурт кеки, шунингдек ишлаб чиқариш оқова сувлари ҳисобланади. Ҳозирги пайтда қаттиқ чиқиндиларнинг умумий миқдори 100 млн. тонна деб баҳоланмоқда, шу жумладан 60 млн. тоннасини фосфогипс ва 15 млн тоннасини лигнин ташкил этмоқда. Суюқ чиқиндиларнинг ҳажми эса қарийб 10 млн m^3 ни ташкил этади. Йигилган чиқиндиларнинг умумий майдони минг гектар ерни ташкил этмоқда. Ушбу чиқиндиларнинг ниҳоятда кичик қисми (1% фосфогипс ва 50 - 60% лигнин) халқ хўжалигида қўлланилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фосфогипс калций сулфати гидратларининг кукунсимон аралашмаларири (CaSO₄·1/2 H₂O, CaSO₄·H₂O, CaSO₄·2H₂O), CaO, P₂O₅ ва HF. Фосфогипс эритувчиларда эrimайдi, аммо сувда қисман эрийди. Унинг зичлиги 2310 - 2330 кг/ m^3 атрофида бўлиб, кукунлари поливинилхлорид асосида композицион материаллари (масалан, ленолиум) ишлаб чиқариш учун тўлдиргич сифатида кўпроқ ишлатилади.

Лигнин ёғочнинг таркибий қисми (25 - 35%) бўлиб, ёғоч таркибидаги целлюлоза толаларининг ковуштирувчи табиий полимердир. Табиий лигнин органик эритувчиларда эrimайдi, аммо сувли ишқорларда қиздирилганда эрийди. Гидролизланган лигнин прессланган тахта ва плиталар ишлаб чиқариш учун тўлдиргич сифатида қулланилади. Ёғоч кириндилари таркибидаги табиий лигниндан ванилин олинади. Лигносулфон кислоталари сопол (керамика) ва абразив маҳсулотлар олишда, цементга қўшимча сифатида, бетонинг юмшатувчи қўшимча сифатида кенг қўлланилади. Сулфит спиртли куйка бурғилаш пайтида лой эритмасининг реологик хоссаларини яхшилашда, кўмир чангларини брикетлашда ва йўл қурилишида кенг ишлатилади. Сулфит спиртли куйка чармни ошлаш учун кенг қўлланилади.

Ишлаб чиқариш оқова сувлари бошланғич тозалашдан кейин қисман айланма сув таъминотида қўлланилади.

8. Ангрен кўмир конидан кўмир билан бирга йилига 6 млн тонна каолин қазиб олинади. Шундан 600 - 800 минг тоннаси истеъмолчиларга етказиб берилади, қолган қисми чиқинди бўлиб қолмоқда. Ҳолбуки, республиканинг каолинга бўлган эҳтиёжи 2,0 - 2,5 млн тоннани ташкил этмоқда.

Каолин ($Al_2O_3 \cdot 2SiO_2 \cdot 2H_2O$) - гидратланган алюминий силикатидир.

Унинг зичлиги 2580 кг/м³ га тенг бўлиб, таркибида қуидаги элементлар мавжуд: SiO_2 - 45,4%, Al_2O_3 - 38,8%, Ti_2O_3 - 1,5%, CaO - 0,5%, Fe_2O_3 - 0,3%, Na_2O - 0,1%, K_2O - 0,1% ва сув - 13,8%.

Каолин нафакат пластмасса ва резиналар учун тўлдиргич сифатида, балки чинни заводлари учун оқартирувчи хом-ашё сифатида ҳам кенг қўлланилади.

9. Қора ва рангли металларни ишлаб чиқариш жараёнида темир терсаклар пайдо бўлиши кўпчиликка маълум. Уларни қайта ишлаш жараёнида йилига 350 минг тонна тошқоллар пайдо бўлади. Шу билан бирга, машинасозлик корхоналарида, иссиклик энергетикаси, озиқ - овқат ва енгил саноати ишлаб чиқариш корхоналарида вужудга келаётган турли таркиб ва физик - кимёвий хоссаларга эга бўлган чиқиндилар ўз қўлланиш соҳаларини топа олмай қолиб кетаяпти. Республикамизда заҳарли чиқиндиларнинг фойдаланишга тиклаш саноати ташкил этилмаган.

10. Шифобахш ер ости минерал сувларнинг исрофгарчилик даражаси юқорилигача қолмоқда. Республикамиз ҳудудида аниқланган 17 та минерал сув захираларидан 27 та шифо масканларида фойдаланилади. Ўзиқар минерал сувларнинг исрофи 28%, баъзи шифохоналарда эса 50% дан ошиб кетяпти.

Юқорида кўрсатиб ўтилган асосий муаммоларнинг самарали ечими қуидагиларга чамбарчас боғлиқ:

биринчидан, жаҳон андозаларига мос, янги техника ва замонавий технологияларни шунингдек, чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологияларни ишлаб чиқариш корхоналарида жорий этиб биладиган ва бошқара оладиган етук ва юқори билимли муҳандис-технологларни тайёрлаш;

иккинчидан, илм-фан ютуқларини, хусусан, республикамиз миқёсида, яратилаётган янги ишланмалар, лойиха ва технологияларни амалга тадбиқ этиш учун рағбатлантирувчи иқтисодий механизмларни ишлаб чиқиш;

учинчидан, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида хорижий инвестицияларни ишлаб чиқариш корхоналарида жалб этиш;

тўртинчидан, табиий захиралардан самарали фойдаланиш, исрофгарчиликларга чек қўйиши, чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологияларни амалга жорий этиш, экологик қонунчиликларни такомиллаштириш иқтисодий ривожлантиришнинг асосий гаровидир.

Назорат саволлари

1. Республикамизда вужудга келган иқтисодий, экологик ва технологик муаммолар ҳакида маълумот беринг.
2. Нефт ва газ конлари, уларнинг чиқинди сувлари таркиби ҳакида маълумот беринг.
3. Плавик шпат, фосфогипс ва коалин ҳакида маълумот беринг.
4. Қаттиқ ёқилғиларни газлаштириш технологиясини тушунтиринг. Бу технологияни экологик аҳамияти ва камчилиги нимада?
5. Ишлаб чиқариш чиқиндилари, уларнинг таркиби ва қўлами ҳакида маълумот беринг.
6. Чиқиндилар таркибидан олинган цианитлар, фосфогипс, лигнин ва уларнинг қўлланиш соҳалари ҳакида маълумот беринг.
7. Вужудга келган муаммоларнинг ечиш йўлларини қўрсатинг.

4. Нефт махсулотлари билан сув захираларининг ифлосланиши ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари

Республикамиз ноёб ёкилги-энергетика ресурсларига эга. Хозирги пайтда 160 тадан ортик нефт конлари кидириб топилган булиб, республика худудининг кариб 60 % да нефт ва газ казиб олиш мумкин. Республикаизнинг 5 та асосий минтакаларида (Устюрт, Бухоро-Хива, Жанубий-Гарбий Хисор, Сурхондарё ва Фаргона) нефт ва газ конлари мавжуд. Кейинги йилларда республикамизда 3 та нефтни кайта ишлаш (Бухоро, Фаргона, Олтиарик) ва 2 та газни кайта ишлаш (Шуртан ва Муборак) заводлари ишлаб турибди. Нефт махсулотлари асосан углерод, водород ва кам микдорда олтингугуртдан таркиб топган булади. Нефт таркибида ёнувчи элементлар : 83-86 % углерод, 11-13 % водород, 1-3 % кислород ва 0,2-4,0 % атрофида олтингугурт булади. Олтингугурт билан кислород реакцияга киришиб, сульфид ангидрид (SO_2) хосил килади. Сульфид ангидрид эса намлик ёки сув буглари билан бирикиб, сульфат кислотаси H_2SO_3 га айланади. Хосил булган сульфат кислотаси метал сиртларини занглатиб, уни емиради, технологик жараёнларнинг кечишига салбий таъсир курсатади ва экологик муаммоларни пайдо булишига сабаб булади.

Нефт таркибидаги олтингугуртнинг микдорига караб, нефтни 3 турларга булиш мумкин:

1. Таркибида 0,5 % гача олтингугурт булган нефт.
2. Олтингугуртли нефт. Унинг таркибида 0,5-2,0 % гача олтингугурт булиши мумкин.
3. Юкори олтингугуртли нефт. Унинг таркибида 2,0 % дан купрок олтингугурт булиши мумкин. Олтингугуртли нефт кайта ишлаганда нафакат табиий атроф-мухит ифлосланади, балки асбоб-ускуналар коррозияга, (яъни емирилишга) учрайди.

Сув ресурсларининг нефт махсулотлари билан ифлосланишга заводдаги технологик жараёнлар мухим рол уйнайди. Бундай жараёнларга куйидагилар киради:

1. Нефтни кайта ишлашга тайёрлаш.
2. Нефтни сувсизлантириш ва тузсизлантириш.
3. Нефтни хавосиз ва хаво билан бирга хайдаш.
4. Нефтни деструктив кайта тиклаш (яъни, крекинг, гидрогенизация, изомеризация).
5. Мой махсулотлари олиш ва уларни кушимча моддалардан тозалаш ва хоказолар.

Одатда нефт таркибида 2 % гача сув ва 0,5 % гача турли тузлар булади. Лекин заводда кайта ишланган нефт таркибида сувнинг микдори 0,1 % дан ва туз микдори 0,005 % дан ошмаслиги керак. Чунки нефт махсулотлари таркибида сувнинг микдори ошса, киш пайтида унинг ёниши кийинлашади, самолёт ва вертолётларнинг учиши кийинлашиб, фожиали ходисаларга олиб келиши мумкин.

Заводга кайта ишлаш учун олиб келинган нефтга сув кушиб, махсус курилмалар ердамида ювилиб, тузлардан тозаланади. Мана шу ишлатилган сув канализация оркали ташкарига оқизилиб юборилади. Бундай окова сувларнинг таркибида нефт, олтингугурт, туз ва бошка бирикмалар булиши мумкин.

Тозаланган нефт хавосиз (вакуумли) ва хаво билан бирга кайта ишлов бериш жараёнларидан утказилади. Бунда хаво билан бирга сув хам ишлатилади. Натижада сув турли газ ва буглар хамда нефт колдиклари билан янада ифлосланади. Бундай окова сувлар нефтни кайта ишлаш жараёнида, нефтни олтингугурт бирикмаларидан тозалашда ва ишлаб чиқариш курилмаларини совутишда ишлатилиши мумкин.

Нефтни кайта ишлаш заводларида фойдаланилган сувларнинг таркибига караб, уларни куйидаги 5 гурухларга булиш мумкин:

1. Нейтрал нефтли окова сувлар. Уларнинг таркибида нефт эмулсия шаклида булади. Хар 1 л бундай сувларнинг таркибида 5-8 г нефт ва 500-1000 мг тузлар булиши мумкин. Бу сувларни тозалаб, заводда кайта фойдаланиш мумкин.
2. Таркибида тузлар ва эмулсия шаклидаги нефт куп булган окова сувлар. Бундай сувларнинг хар 1 л да 10-20 г тузлар булиши мумкин. Окова сувларнинг таркибидаги нефт ва тузларнинг микдори кайта ишланган нефтнинг таркибига боялик булади.
3. Олтингугуртли-ишкорли окова сувлар. Одатда, бундай окова сувлар нефтни казиб олиш жараёнида купрок хосил булади.
4. Нордон окова сувлар. Бундай окова сувларнинг хар 1 л да 1 г гача сульфат кислотаси

булиши мумкин.

5. Водород сулфидли окова сувлар. Уларнинг таркибида водород сулфид (H_2S) дан ташкари, фенол ва аммиак хам булиши мумкин.

Нефтни кайта ишлаш заводларида кимёвий таркиби хилма-хил булган окова сувлар пайдо булади. Купинча уларнинг таркибида нефт махсулотларидан ташкари, тузлар, кислоталар, ишкорлар, фенол, аммиак, водород сулфид ва бошка аралашмалар булади. Улар ер усти ва ер ости сувларни ифлослантириб, хавфли экологик холатларни тугдириши мумкин. Бундай экологик холатлар куйидагилардан иборат:

1. Нефт ва нефт махсулотлари билан ифлосланган ер ости сувларидан ичимлик суви сифатида фойдаланиш мумкин эмас. Шунинг учун катор ахоли миңтакаларини ичимлик суви билан таъминлаш катта муаммога айланиб колмокда ва ахоли орасида турли касалликлар келиб чикмокда.

2. Тупрок катламларида турли газларнинг тупланиб колиши портлаш, ёнгин ва захарланиш хавфини келтириб чикириши мумкин.

3. Нефт махсулотлари билан ифлосланган сув тог жинслари таркибидаги микроэлементларнинг харакатчанлигини кучайтиради. Масалан, ер ости сувлари таркибидаги стронцийнинг рухсат этилган чегаравий концентрациясидан ортиб кетишининг асосий сабаби - нефтли сувлар таъсирида тог жинслари таркибидаги стронцийнинг харакатчанлигини ортишидир.

4. Кайси худудда оксидланиш учун кулай шароит вужудга келса, шу ерда карбонат ангидриднинг микдори ортиб бораверади. Карбонат ангидрид гази углеводородларнинг оксидланишидан хосил булади. Нефт хам углеводородларнинг аралашмасидир. Демак, ер ости сувларининг нефт махсулотлари билан ифлосланишида углеводородлар, метан, карбонат ангидрид ва бошка бирималарнинг роли нихоятда каттадир.

5. Нефт ва нефт махсулотлари нафакат сувларни, балки тупрокни хам ифлослантирумокда. Натижада тупрокнинг микроэлементлар таркиби ва физик-кимёвий хоссалари узгариб, сув-хаво алмашинуви хамда оксидланиш режимлари тубдан бузилади. Тупрок таркибида углерод ва азотнинг нисбати бузилиб, кислород ва фосфор етищмаслиги келиб чикади. Бунинг оқибатида тупрокнинг агрокимёвий хусусиятлари ёмонлашиб, экинларнинг усиш тезлиги сусаяди. Бундан ташкари, тупрок катлами ва ер ости сувларининг ифлосланиши полиз махсулотлари таркибидаги инсон саломатлиги учун зарарли булган купгина микроэлементларнинг микдорини ортишига сабаб булади.

6. Баъзан нефт махсулотларини ташиш пайтида танкерлар авария (шикастланиш)га учраб, нефт дарё сувига кушилиб кетади. Маълумотларга Караганда, йилига дунё океналарига 10 млн. тонна нефт ва сувнинг ифлослантирувчи моддаларнинг 71 % и даре сувлари билан келиб кушилмоқда. Бир тонна нефт махсулоти 12 km^2 сув юзасида мой пардасини хосил килиб, сув таркибида эриган кислород микдорини камайтиради ва тирик организмларни кирилиб кетишига сабаб булади. Нефтнинг оғир булаклари сув остида чукма хосил килади ва сувдан керосин хиди келиб туради. Сув тошкени нефт махсулотларини киргокларга олиб келиб, нафакат сув ости усимликлари ва хайвонот олами зарар куради, балки инсонлар учун хам хавфли вазиятларни тугдиради. Сув остидаги чукмалар эса, иккиламчи ифлосланишларни вужудга келтиради.

7. Нефт конларининг чикинди сувлари таркибида ер катлами сувлари жуда куп булади. Улар казиб олинадиган нефт микдорининг 10-25 % ни ташкил этилиши мумкин. Нефт таркибидаги мана шу сувларни ажратиб олиш максадида нефтга иссиклик ва электр кимёвий усууллар билан ишлов берилади. Бундай сувлар таркибида 1200-2000 мг нефт ва 1500 мг бошка аралашмалар мавжуд булади. Нефтга ишлов бериш технологик жараёнлари хилма-хил булганлиги учун хосил буладиган чикинди сувларнинг таркиби хам хилма-хил булади. Бу эса чикинди сувларни тозалаш учун турли усууллар дан фойдаланиши такозо этади. Масалан, электр тузсизлантирувчи курилмалариниг чикинди сувларининг хар 1 л да 30-40 г нефт ва 10-15 г хлоридлар мавжуд булади. Бу окова сувларнинг юкори даражада минераллашуви улардан кайта фойдаланишга имкон бермайди.

Сув таркибидаги эриган кислороднинг микдори 2 мг/л дан кам булса, органик моддаларнинг микдори 60 мг/л дан ошса ва нефт махсулотлари билан копланган парда майдони $2-6 \text{ km}^2$ ни ташкил этган булса фавкулодда холат эълон килинади.

Сув хавзаларига оқизилаётган захарли моддаларнинг микдори 2 сутка давомида белгиланган меъёридан 20-29 баравар ортса, ёки 8 соат давомида 30-50 баравар ортса, корхонада фавкулодда холат эълон килинади, корхонадаги барча ишлар вактинча тухтилиди ва фавкулодда холатни бартараф этиш чора-тадбирлари амалга оширилади.

Юкорида курсатиб утилган экологик муаммоларнинг самарали ечиш катта экологик ва ижтимоий- иктисодий ахамиятга эга. Бунинг учун куйидаги ишларни амалга ошириш керак.

1. Нефтни кайта ишлаш заводларнинг табиий атроф-мухитга курсатаётган таъсир доирасини аниклаш учун унинг худудида экологик мониторинг утказишни ташкил этиш зарур.

2. Нефтни кайта ишлаш заводларида 1 тонна нефтни кайта ишлаш учун уртacha 0,5-1,5 m^3 тоза сувдан ва $10-15 m^3$ ишлатилган окова сувлардан фойдаланилади. Технологик жараёнлар ва асбоб-ускуналарни хаво ёрдамида совутиш, хусусан, кайта ишлатилган окова сувлардан фойдаланиш 60 % га якин сув ресурсларини - тежаш имконини бериш мумкин.

3. Нефтни кайта ишлаш заводларида тозалаш иншоотлари ва курилмаларидан самарали фойдаланишини йулга куйиш. Масалан, 1991 йида Фаргона нефтни кайта ишлаш заводи худудида нефтни тутиб колиш тизимининг биринчи навбати ишга туширилди. Ушбу тизим узунлиги 3,3 км дан иборат булган 19 жуфт кудуклардан иборат булиб, улар ёрдамида ер ости сувлари таркибидан нефт махсулотлари ажратиб олинади. Ушбу кудукларнинг бир каторга жойлаштирилганлиги туфайли, уларнинг имкониятлари бирмунча чеклангандир. Шунинг учун уларнинг зичлигини орттириш ва бир неча каторларга жойлаштириш ишлаш самарадорлигини янада ортиради.

4. Нефтни кайта ишлаш заводларида ифлосланган сувларни тозалаш узок муддатларга чузиладиган мураккаб технологик жараёндир. Шунинг учун, авваламбор, нефт махсулотлари тупрок таркибига сингиб кетишини олдини олиш ва технологик жараёнларни такомиллаштириш катта иктисодий ва экологик ахамиятга эга.

Назорат саволлари

1. Республикамизда нефт ва газ конлари кайси минтакаларда жойлашган?
2. Нефт махсулотлари кайси элементлардан таркиб топган?
3. Нефтнинг кайси турларини биласиз?
4. Нефт таркибида неча фоиз сув ва неча фоиз туз булиши мумкин?
5. Нефтни кайти ишлаш жараёнида окова сувлар пайдо булади. Бундай сувлар неча гурухларга булинади?
6. Нефтни кайти ишлаш заводларида пайдо буладиган экологик муаммоларнинг келиб чикиш сабаблари ва уларнинг самарали ечиши хакида маълумот беринг.

5. Полимер композицион материаллардан озик-овкат саноатида қуллашнинг экологик муаммолари ва уларнинг ечиш йуллари

Маълумки, турли хил озик — овкат махсулотлари (дон ва ун махсулотлари, сут, музкаймоқ, пишлок, панир, каймоқ, ег—мой махсулотлари, ичимликлар, гушт ва балик махсулотлари, олма, анор, шафтоли, уриқ, узум ва улардан олинадиган ичимлик ва ширинликлар, куритилган кукунлар ва хоказолар) нинг ураш, кадоклаш, саклаш ва бир жойдан иккинчи жойга узатиш учун турли пластмассалардан тайёрланган пленкалар, ишга чидамли халталар, кувурлар, кутти, сават ва идишлардан кенг фойдаланилади. Бунинг учун, табиий полимерлар (целлюлоза, крахмал, табиий каучук, ипак, турли хил катронлар), синтетик полимерлар (полимерланиш ва поликонденсалаш реакциялари туфайли олинадиган полиэтилен полипропилен, полистирол, поливинилхlorид, полиметилметакрилат, полиамид, полэтилентерефталат, эпоксид ва полиэфир катронлари ва хоказолар) ва сунъий полимерлар (яъни, табиий полимерларга кимевий ишлов бериш йули билан олинадиган полимерлар — хлоркаучук, целлюлоза эфирлари ва хоказолар) кенг ишлатилади. Лекин полимерларнинг таркиби, тизими ва хоссаларини керакли даражада узгартириш учун таркибига маълум микдорда күшимча моддалар (юмшатгичлар (пластификаторлар), рангловчи моддалар, тулдиргичлар, баркарорлаштирувчи моддалар (стабилизаторлар) киритилади. Одатда бундай материаллар пластмасса деб аталади.

Шуни алохида таъкидлаш керакки, озик — овкат саноатида кулланиладиган полимер материалларига ва улар асосида хосил килинадиган полимер композицион материалларга ягона гигиеник ва экологик талаб куйилади; полимер таркибидаги күшимча моддалар озик — овкат махсулотларининг сифатига, таъми ва хидига зарар етказмаслиги керак. Шунинг учун полимерлар таркибига киритилган моддалар, уларнинг асосий хоссалари ва уларга куйиладиган талаблар хакида батафсилрок тухталиб утамиз.

1. Маълумки полимерланиш реакцияларини тезрок кечиши учун хар бир по лимерга мос катализаторлардан, яъни реакция тезлигини оширувчи моддалардан кулланилади. Катализатор сифатида кислоталар (H_2SO_4 , H_3PO_4 , $HC1$ ва бошкалар), Люис кислоталари ($AlCl_3$, $TiCl_4$, $ZnCl_2$ ва бошкалар) Фридел — Крафтс катализаторлари (умумий формуласи $MeXn$, бу ерда Me — бор, алюминий, титан, калай ва бошкалар, X — галоген (J_2 , JCl , IBr ва бошкалар) кулланилади. Реакция кечадиган мухитда катализаторларнинг концентрациялари 10^{-4} — 10^{-2} кмоль/л ни ташкил этиши мумкин.

Шуни алохида таъкидлаш керакки, ушбу катализаторлар полимерланиш реакциялари туфайли олинадиган полимер кукунлари таркибида колдик шаклида колиб кетиши мумкин. Шунинг учун, одатда полимерда анерганик бирикмаларнинг колдиклари кулчанлик микдори билан ифодаланади. Масалан, озик-овкат махсулотларини ураш учун тавсия этилган полиэтилен пленкаларининг таркибида кулчанлик 0,02% дан ошмаслиги керак. Шуни ёдда тутиш керакки, тайёр полимер махсулоти таркибида колган катализаторларнинг нихоятда кичик микдори полимер материалининг эскиришини тезлаштириши мумкин.

2. Полимерланиш реакцияси кечиши учун шундай моддалар хам кулланилади, улар полимерланиш инициаторлари (ташаббускорлари) деб аталади. Улар кислородорганик ва анерганик перекислар, гидроперекислар хамда диазобирикмалари булиши мумкин. Ушбу инициаторлар иссиклик таъсирида парчаланиб, озод радикалларни хосил килиш кобилятига эга. Перекисларнинг парчаланиши туфайли пайдо булган махсулотлар биологик фаол хисобланади. Полимерланиш инициаторлари ва уларнинг парчаланиши туфайли пайдо булган махсулотларнинг тайёр полимер таркибидаги микдори 0,2% дан ошмаслиги керак.

3. Полимер махсулотлари хоссаларини узок муддатларга саклаб колиш максадида уларнинг таркибига баркарорлаштирувчи моддалар (стабилизаторлар) киритилади. Улар биологик фаол моддалар булиб, полимер билан кимёвий багланган булади. Улар вактнинг утиши билан полимер таркибидан диффузия булиб, ташки мухитга чикиши мумкин. Полимерларда термостабилизаторлар сифатида калций стеарати, рух стеарати, барий стеарати, кургошин стеарати ва бошкалар нихоятда кенг ишлатилади. Калций стеарати ва рух стеарати, шунингдек, комплекс стабилизаторлар таркибига кирадиган ушбу стеаратлар захарсиз моддалар хисобланади. Лекин, кадмий, барий ва кургошин стеаратлари нихоятда захарлидир. Масалан, озик-овкат саноатида кулланиладиган поливинилхlorид махсулотларини баркарорлаштириш максадида эпоксидлаштирилган соя мойи кулланилади. Соя мойи учун захарли эмас, аммо полимер таркибига ундан купрок киритилиши полимердан бошка күшимча моддаларни ажралиб чикишини кучайтириб юбориши мумкин.

4. Купгина холатларда полимер таркибига юмшатгичлар (пластификаторлар) киритилади. Бундан асосий максад — полимерга ишлов беришни осонлаштириш, пластик (юмшок) ва совукка чидамли махсулотлар олишдан иборатдир. Полимер композицияси таркибига пластификатор киргизиш полимер билан бошка күшимча моддаларни аралаштиришини осонлаштиради ва энг мухими, ишлов бериш харора тини пасайтиришга олиб келади. Бундан ташкари, пластификатор пластмасса махсулотларнинг ёнмаслигини таъминлайди, иссикка ва нурга чидамлилигини оширади.

Пластификаторлар сифатида хам куйи молекуляр ва хам юкори молекуляр бирикмалар кулланилиши мумкин. Ароматик ва алифатик карбон кислоталарнинг эфирлари, фосфор кислота, эпоксидлаштирилган бирикмалар, полиэфирлар, гликол ва монокарбон кислоталарнинг эфирлари полимерларнинг асосий пластификаторлари хисобланади.

Шуни алохида таъкидлаш керакки, хозирги пайтда 2000 тадан зиёдрок поли мерларга кулланиладиган пластификаторлар мавжуд

Аммо озик-овкат махсулотлари учун мулжалланган полимер махсулотларини ишлаб чиқаришда уларнинг нихоятда санокли турлари (глицерин, парафин мойи, этаноламинлар, фтал, себацин, адипин ва лимон кислоталарининг эфирлари, шунингдек, куйи молекуляр

полиэфирлар) кул келади. Себацин ва лимон кислоталарининг эфиirlари, стеарин кислота ва унинг тузлари (кальций стеарат ва рух стеарат) захарсиз пластификаторлар хисобланади. Бундан ташкари, глицерин, триацетин, кастрор мойи, моно-, ди- ва триэтаноламинлар ва уларнинг тузлари хам захарсиз пластификаторлар хисобланади. Озик —овкат махсулотларини ураш пленкалари ишлаб чикариш учун ацетилтрибутилцитрат ва этилгексилфенилфосфат каби пластификаторлардан куллаш катта ахамиятга эга, чунки улар унча захарли эмас, кам учувчан, сувга, иссикга ва мойлар таъсирига чидамлидир.

Шуни алохида таъкидлаш керакки, пластификаторлар қуйидаги талабларни кондиришлари керак:

1. Пластификатор полимер билан яхши аралашиб, эксплуатацион баркарор система яратиш кобилиятига эга булиши керак.
2. Пластификатор хидсиз, рангсиз ва кам учувчан булиши керак.
3. Пластификатор паст хароратларда хам полимерни юмшатиш кобилиятига эга булиши керак.
4. Пластификатор полимер компонентларига нисбатан кимёвий баркарор булмоги лозим.
5. Пластификатор суюк мухитлар, мойлар, эритгичлар, юувучи моддалар ва озик овкат махсулотлари таъсирида полимер таркибидан ажралиб чикмаслиги керак.
5. Пластмасса махсулотлари таркибига тулдиргичлар хам киритилиши мумкин. Тулдиргичлар сифатида каттик ва газсимон моддалардан кенг кулланилади. Бундай моддалар билан тулдирилган пластмассалар ниҳоятда каттик, мустахкам ва мурт булади. Улар ёнмайдиган, электр утказувчан ва ишкананиш коэффициентлари тоза (яъни, тулдирилмаган) пластмасса махсулотига нисбатан юкори булади. Агар тулдиргичларни тайёрлаш, уларга ишлов бериш технологик жараёнлари катта энергия ва маблагарни талаб килмаса, тулдирилган паластмассаларнинг нархи пасайиши хам мумкин.

Купгина холатларда пластмасса таркибига каттик тулдиргичлар (масалан, графит, ёгоч кукуни, бур, турли металлар ва бошталар) киритилади. Каттик тулдиргичлар кукун шаклида хам, тола шаклида хам кулланилиши мумкин. Целлюлоза, SiO_2 , CaCO_3 , TiO_2 ва бошталар захарсиз тулдиргичлар хисобланади.

Пластмасса таркибида тулдиргичларнинг микдори 45 — 50% ни ташкил этиши мумкин. Бундай полимер композицион материаллардан асосан кутти, чекак, сават, турли идишлар ва ликобчалар ишлаб чикарилади.

Шуни алохида таъкидлаш керакки, тулдиргичлар қуйидаги талабларни кондиришлари керак:

1. Тулдиргичлар полимер билан аралашиб бир жинсли система хосил килиш кобилиятига эга булишлари керак.
2. Тулдиргичлар полимер суюлмаси ёки эритмасида хуллаш кобилиятига эга булишлари керак.
3. Тулдиргичларни саклаш, уларга ишлов бериш ва куллаш жараёнларида улар уз хоссаларини йукотмасликлари керак.
4. Тулдиргичлар сув, мой ва бошка суюкликлар таъсирида пластмасса тарки бидан ажралиб чикмасликлари керак.

6. Купгина холатларда озик-овкат махсулотларини ураш учун ишлаб чикариладиган плёнкалар ва умуман, ураш махсулотларнинг эстетик куринишларини яхшилаш максадида, улар махсус буялади. Пластмасса махсулотларини ранглаш учун табиий ва синтетик ранглардан кулланилади. Бундай ранглар одатда эритувчилар таъсирида эрийди ва полимер билан кимёвий bogланган булади. Купгина холатларда органик ва анорганик пигментлар хам пластмасса таркибига киритилади. Улар эрувчан эмас. Анорганик ранглар биологик фаол моддалар булиб, уларнинг фаоллиги би — рикма таркибидаги элементларга боклик булади. Масалан, стронций ва хром элементлари асосида олинган ранглар захарли хисобланади. Турли аминоантрахин ва азорангловчи бирималар жигар, буйрак ва марказий асаб системасининг нормал ишлаш фаолиятига салбий зарар етказади. Полимер таркибидан рангларни ажралиб чикиши ва тери оркали ёки сув ва бошка озик-овкат махсулотлари билан бирга ошкозонга кириб бориши умумий захарланишга олиб келиши мумкин.

Темир ва титан элементлари асосида олинган ранглар захарсиз хисобланади. Одатда

пластмасса махсулотлари таркибидаги рангларнинг микдори 0,01 — 1,0% атрофида булади.

Пластмасса таркибига киритиладиган ранглар куйидаги талабларни кондиришлари керак:

1. Рангнинг дисперслиги, яъни рангловчи модда полимер хажмига бир хил таксимланиши керак.

2. Ранг кимёвий баркарор ва физиологик инерт булиши керак.

3. Ранг нур ва бошка атмосфера омиллари таъсирида баркарор булиши керак.

4. Ранг иссикка чидамли ва баркарор миграция (силжиш) га эга булиши керак.

7. Маълумки, полимерланиш ва поликонденсатлаш реакциялари махсус эрит маларда утказилади. Органик эритувчилар сифатида толуол, бензол, гексан, бензин, этилацетат, митиленхлорид ва бошқалардан кулланилади. Олинадиган полимер таркибида уларнинг маълум микдори колиб кетиши мумкин. Материални куритмаганда хлорорганик ва ароматик бирикмалар, шунингдек спиртлар материал таркибида колиб кетиши мумкин. Эритувчи моддаларнинг полимер материали таркибидан ажралиб чикиши озик — овкат махсулотининг хидига ва таъмига салбий таъсир килиши мумкин. Шунинг учун ишлаб чикарилган пластмасса махсулотларига ишлов бериш, хусусан; уларни куритиш катта аҳамиятга эга

Назорат саволлари

1. Полимерлар ва улар асосида хосил килинадиган полимер композицион материалларга кайси талаб куйилади?

2. Пластмасса деб нимага айтилади?

3. Полимерлар таркибида коладиган катализаторларнинг микдори канча булиши керак?

4. Полимерланиш инициаторларининг полимер таркибидаги микдори неча фоизини ташкил этиши керак?

5. Кайси баркарорлаштирувчи моддалар захарсиз хисобланади?

6. Кайси юмшатувчи моддалар захарсиз хисобланади?

7. Юмшатувчи моддаларга кайси талаблар куйилади?

8. Тулдиргичларга куйиладиган асосий талаблар нималардан иборат?

9. Рангловчи моддаларга куйиладиган асосий талаблар нималардан иборат?

10. Эритувчи моддаларни полимер таркибидан чикариш йулини курсатинг.

II -БОБ. ЧИҚИНДИСИЗ ВА КАМ ЧИҚИНДИЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Асосий тушунчалар

“Чиқиндисиз технология” атамаси биринчи маротаба акад. Н.Н.Семёнов ва И.В. Петряновлар томонидан фанга киритилган эди. Ушбу атама бизда ва хорижий мамлакатларда кенг тарқалиб кетди. Лекин бაъзан “кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологиялар” атамаси ўрнида “тоза” ёки “бирмунча тоза технология” атамалари ҳам қўлланилади. Чунки “чиқиндисиз технология” атамаси шартлидир. Буни исботлаш учун термодинамиканинг I ва II қонунларини кўриб чиқамиз.

“Умумий физика” курсидан маълумки, ёнилғи ёнганда чиқадиган иссиқлик микдори dQ газни (ёки системани) ички энергиясини dU микдорда оширади ва поршени dh масофада силжитиб, dA микдорда иш бажаради. Демак, dQ катталик dU ва dA йиғиндисига тенг бўлади:

$$dQ=dU+dA \quad (1)$$

Берилган иссиқлик микдори ҳисобига бажарилган иш қанча катта бўлса, бундай машинанинг самарадорлиги шунча юқори бўлади. Мана шу берилган ёки сарф килинган иссиқлик микдоридан қанча қисми иш бажаришига сарф этилгани катта иқтисодий аҳамиятга эга.

Термодинамиканинг биринчи қонуни қўйидагича таърифланади: системага берилган иссиқлик микдори шу системанинг ички энергиясини ўзгариши билан системада бажарилган ишнинг йиғиндисига тенг.

Агар цилиндр ичидаги газ кенгайиб иш бажарса $dA=P(V_2-V_1)$ бунда $V_2>V_1$ ва $V_1-V_2>0$ бўлади. Бу ҳолатда $dA>0$, яъни мусбат иш бажарилади. Агар ташқи куч система устидан иш

бажарса, манфий иш бажарилади ва (1) ифода қуйидагича ёзилади:

$$dQ=dU-dA \quad (2)$$

$$\text{бу ердан} \quad dU=dQ+dA \quad (3)$$

(3) ифода қуйидагича таърифланади: системанинг ички энергиясини ўзгариши системадаги иссиқлик миқдорини ўзгариши билан системанинг ташқи кучларни енгисх учун бажарган ишини йифиндисига тенг.

Агар $dU=0$ бўлса, унда (1) ифодадан ҳосил қиласиз:

$$dQ=dA \quad (4)$$

яъни системага берилган иссиқлик миқдорининг ҳаммаси тўлиқ ишга айланади. Аммо муҳандислик амалиётида (реал шароитда) бундай бўлмайди. Лекин $dU=0$ бўлиши мумкин, агар жараён изотермик бўлса, яъни $T=\text{const}$ ва $dT=0$. Изотермик жараён бўлиши учун цилиндр ичидағи поршен ниҳоятда кичик тезлик билан ҳаракат қилиши керак. Агар поршен чексиз кичик тезлик билан ҳаракат қилса, унда цилиндр ичидағи газнинг ҳарорати ташқи муҳитдаги ҳароратга тенг бўлади ва жараён изотермик бўлади. Бундай чексиз кичик тезлик билан поршени ҳаракатланиб ишлайдиган двигателни ясаб бўлмайди. Шунинг учун (4) ифода (шарт) бажарилмайди, энергиянинг бир қисми албатта ички энергияни ўзгартеришига сарф бўлади. Мана шу боис берилган иссиқлик миқдорини тўлиқ ишга айлантира оладиган машинани ясаб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, энергия сарфланмасдан ишлайдиган машинани ясаб бўлмайди.

Энергия сарф қилмасдан ишлайдиган машиналарга перпетиум мобилнинг биринчи тури деб айтилади. Демак, термодинамиканинг I қонуни, перпетиум мобилни биринчи турини ясаш мумкин эмаслигини исботлайди.

Термодинамиканинг II қонуни қуйидагича таърифланади: ҳар қандай иссиқлик жараёнларида иссиқлик миқдори ҳарорати катта бўлган жисмдан, ўз-ўзидан, ҳарорати кичик бўлган жисмга ўтади. Бошқача қилиб айтганда, иссиқлик миқдори камроқ иситилган жисмдан кўпроқ иситилган жисмга, ўз -ўзидан ўтиши мумкин эмас.

Даврий (узлуксиз) ишлайдиган машиналарнинг фойдали иш коэффициенти (ФИК) қуйидаги ифодалар ёрдамида аниқланади:

$$\eta = \frac{Q_1 - Q_2}{Q_1} \cdot 100\% \quad (5)$$

$$\eta = \frac{T_1 - T_2}{T_1} \cdot 100\% \quad (6)$$

бу ерда Q_1 - иситгичдан олинадиган иссиқлик миқдори (Ж);

Q_2 - ташқи муҳитга бериладиган иссиқлик миқдори (Ж);

T_1 - иситгичнинг ҳарорати (К);

T_2 - совутгичнинг ҳарорати (К).

(6) ифодадан маълумки, агар совутгичнинг ҳарорати $T_2=0$ бўлса, $\eta=100\%$ га тенглашади. Лекин Нернст кўрсатганидек, мутлак нол ҳароратни олиш мумкин эмас. Демак, реал муҳандислик амалиётида ҳамма вакт $\eta < 100\%$ бўлади. Шунинг учун ФИК 100% га тенг бўлган машинани ясаб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, иситгичдан Q_1 иссиқликни олиб бу иссиқликни тўлиқ ишга айлантирувчи машинани ясаш мумкин эмас. Бу хулоса термодинамиканинг II қонунини ифодалайди. Фақат битта иссиқлик манбаи билан ишлайдиган машинани ясаб бўлмайди. ФИК 100% га тенг бўлган машиналарга перпетиум мобилнинг иккинчи турини ясаш мумкин эмаслигини исботлайди.

Юқоридаги қонунларга асосланиб айтиш мумкини, “чиқиндисиз технология” атамаси шартли бўлиб, унинг ўрнида “тоза” ёки “экологик тоза технология” атамаларини қўллаш максадга мувофиқдир. Чунки муҳандислик амалиётида 100% чиқиндисиз технологияларни амалда жорий этиш катта маблагни талаб қиласи: лойиҳалаш ишлари, мураккаб технологик жараёнлар ва замонавий асбоб ускуналарни яратишни тақозо этади.

“Чиқиндисиз технология” инсон эҳтиёжларини қондириш, билим, усуллар ва воситаларни амалда тадбиқ этиш, табиий ресурслардан ва энергиядан унумли фойдаланишни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофазалаш демакдир. “Чиқиндисиз технология” - бу маҳсулотнинг шундай ишлаб чиқариш усулини, унда хом-ашё - ишлаб чиқариш - истеъмол қилиш - иккиламчи хом-ашё ресурслари циклида энергия ва хом-ашёлардан унумли ва комплекс равишда қўлланилади ва табиий муҳитга етказилган ҳар қандай таъсир унинг нормал ҳолатидан чиқара олмайди.

Ушбу таърифда 3 ҳолатни ажратиш мумкин:

1. Чиқиндисиз ишлаб чиқариш негизини инсон томонидан онгли равишида ташкил этилган ва ростланган техноген моддаларнинг айланиб туриши ташкил этади.
2. Хом-ашё таркибидаги барча компонентлардан унумли фойдаланиш, иложи борича энергия ресурслари потенциалидан тўлароқ фойдаланишнинг мажбурийлиги.
3. Чиқиндисиз технология табиий муҳитга таъсир қилиб унинг нормал ишлашига таъсир этмаслик.

Кам чиқиндили технология маҳсулот ишлаб чиқаришнинг шундай усулини, унда табиий муҳитга етказилган заарли таъсир рухсат этилган санитар-гигиеник меъёрлардан ошмайди. Ишлаб чиқариш корхоналарида техник, ташкилий ва иқтисодий сабаблар туфайли хом-ашёнинг маълум бир кичик қисми чиқинди бўлиб қолиши мумкин ва улар экологик хавфсиз жойларда сақланади ёки кўмилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кам чиқиндили ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий шарти – корхонада фойдаланишга яроқсиз чиқиндилар ва хусусан, заҳарли моддаларни заарсизлантириш системасининг мавжудлигидир. Чиқиндиларнинг микдори ёки атроф-муҳитга етказадиган таъсири уларнинг рухсат этилган чегаравий концентрацияларидан ортмаслиги керак.

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, “чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологиялар” атамаси табиий ресурслар, хом-ашёларга комплекс (ҳамма томонлама) ишлов бериш, ресурслардан унумли фойдаланиш, қўшимча (иккинчи даражали) маҳсулотлар, ишлаб чиқариш чиқиндилари, истеъмолга яроқсиз бўлиб қолган чиқиндилар, иккиламчи материаллар ресурслари, иккиламчи энергия ресурслари, иқтисодий зарар каби атамалар билан узвий боғлиқдир.

Табиий ресурслар - бу Қуёш энергияси, ер бағридаги энергиялар, сув, ер, минераллар, ҳайвонот ва ўсимликлар ресурсларидир.

Минерал ресурслар - ер бағридаги геологик минерал хом-ашё заҳираларининг мажмуаси ҳисобланади.

Хом-ашёлардан ҳамма томонлама фойдаланиш - хом-ашё ва ишлаб чиқариш чиқиндилари таркибидаги фойдали компонентлардан фойдаланишни назарда тутади.

Хом-ашё таркибидаги қимматбаҳо компонентларни ажратиб олиш даражаси ва улардан оқилона фойдаланиш жамиятнинг уларга бўлган эҳтиёжига ва техниканинг тараққиётiga боғлиқ. Хом-ашёлардан унумли фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади, маҳсулот турлари ва ҳажмини қўпайишини таъминлайди, маҳсулот нархини пасайтиради, хом-ашё базаларини яратишга сарфланадиган маблағларни камайтиради ва ишлаб чиқариш чиқиндалари билан атроф-муҳит ифлосланишини олдини олишга имкон беради.

Хом-ашёларга физик-кимёвий ишлов бериш пайтида асосий ишлаб чиқариш маҳсулоти билан бирга қўшимча маҳсулотлар ҳам пайдо бўлади. Масалан, нефт ишлаб чиқаришда қолдиқ модда мазут ҳисобланади. Унинг таркибида ванадий, никел, магний ва кремний каби элементлардан ташқари 70-90 % олтингугурт мавжуд. Ишлов бериш пайтида уларнинг пайдо бўлиши ишлаб чиқариш жараёнининг асосий мақсади эмас, лекин уларни тайёр маҳсулот сифатида кўллаш мумкин. Бундай қўшимча маҳсулотлар учун ДАВАН, техник меъёрлар ва тасдикланган нархлар бўлади. Ҳозирги пайтда мазут таркибидан олтингугурт ажратиб олиш технологик жараёнлари ишлаб чиқилган.

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, агар қўшимча маҳсулотларни ажратиб олиш ёки уларга қайта ишлов бериш иқтисодий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ деб топилмаса, унда бундай маҳсулотларни ёнилғи сифатида кўллаш мумкин.

Ишлаб чиқариш чиқиндилари – хом-ашё қолдиклари, материаллар ва яриммаҳсулотлар (полуфабрикатлар), сифат кўрсатгичларини қисман ёки тўла йўқотган ва давлат андозаларига мос келмайдиган чиқиндилардир. Уларга дастлабки ишлов берилиб, ундан кейин ишлаб чиқариш соҳасида кўллаш мумкин.

Истеъмолга яроқсиз чиқиндилар – кўллаш муддатини ўтаб бўлган материаллар, эскирган буюмлар ва уларнинг дастлабки хоссаларини қайта тиклаш иқтисодий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ бўлмаган чиқиндилар ҳисобланади. Масалан, пластмассадан тайёрланган буюмлар, стол-стуллар, кути ва қувурлар ва ҳоказо. Бундай чиқиндилар хом-

ашё сифатида ҳам, бошқа материаллар учун қўшимча сифатида ҳам ишлатилиши мумкин.

Иккиламчи материаллар ресурслари – бу ишлаб чиқариш чиқиндилари ва истеъмолга яроқсиз чиқиндиларнинг мажмуаси бўлиб, уларни маҳсулот ишлаб чиқаришда асосий ёки ёрдамчи материал сифатида қўллаш мумкин. Бундан ташкари, бу гурухга шартли равишда қўшимча ёки алоқадор маҳсулотларни ҳам қўшиш мумкин. Улар саноат учун материаллар ресурсининг потенциал резервлари ҳисобланади. Ҳозирги пайтда бундай ресурслардан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Иккиламчи энергетик ресурслар – технологик жараёнлар натижасида қурилмаларда пайдо бўладиган чиқиндилар, қўшимча ва оралиқ маҳсулотларнинг энергетик потенциали бўлиб, улардан корхонанинг ўзида ёки қўшни корхоналарни энергия билан таъминлашда қисман ёки тўлиқ қўллаш мумкин.

Иккиламчи энергетик ресурсларни 3 гурухга бўлиш мумкин:

1. Ёнилғи иккиламчи энергетик ресурслари.
2. Иссиклик иккиламчи энергетик ресурслари.
3. Механик иккиламчи энергетик ресурлари.

Ёнилғи иккиламчи энергетик ресурслари гурухига технологик ўчоқлардан чиқадиган тутунли газларнинг физик иссиқликлари, материаллар оқимининг иссиқликлари, иссиқлик алмашинуви қурилмаларидан кейин совутувчи сувларнинг иссиқликлари ва бошқалар киради.

Механик иккиламчи энергетик ресурслари гурухига технологик жараёнларда пайдо бўладиган ёки қўлланиладиган сиқилган газларнинг энергияси киради.

Назорат саволлари

1. “Чиқиндисиз технология” атамасининг шартлилигини исботланг.
2. “Чиқиндисиз технология” деб нимага аталади?
3. Кам чиқиндили технология деб нимага айтилади ва унинг ташкил этишнинг асосий шарти нимадан иборат?
4. Хом-ашёлардан ҳамма томонлама фойдаланиш, ишлаб чиқариш чиқиндилари, истеъмолга яроқсиз чиқиндилар, иккиламчи материаллар ресурслари ва иккиламчи энергетик ресурслар ҳақида батафсил маълумот беринг.

1. Чиқиндисиз технологияларнинг асосий принциплари

Ишлаб чиқариш корхонасида чиқиндисиз технологияларни жорий этиш учун қўйидаги 5 та асосий принципларга амал қилиш керак:

1. Системалик, яъни табиий, ижтимоий ва ишлаб чиқариш жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирига боғлиқлигини таъминлаш.
2. Хом-ашё ва энергетик ресурслардан ҳамма томонлама фойдаланиш, яъни ҳудудий ишлаб чиқариш комплекси миқёсидаги корхонанинг чиқиндисини бошқа корхоналарда қўллаш имконини яратиш.
3. Материаллар оқимининг даврийлиги, яъни ёпик сув ва газ айланма таъминотини яратиш ва ишлаб чиқаришни табиий муҳитга таъсирини чеклаш. Бу чучук сув, тоза ҳаво, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилишга катта ёрдам беради.
4. Табиий муҳитга ишлаб чиқариш таъсирини чеклаш, яъни табиий муҳитга етказиладиган таъсир, унинг сифат кўрсаткичларига таъсир кўрсатмаслигини ёки табиий муҳитнинг сифат кўрсаткичлари ўзгарса ҳам рухсат этилган чегаралардан ошмаслигини таъминлаш.
5. Чиқиндисиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш самарадорлиги, яъни энергетик, технологик, иқтисодий, ижтимоий ва экологик омилларни инобатга олиш, табиий ресурслардан ҳамма томонлама фойдаланиш, ишлаб чиқариш ҳажмларини ўсишини таъминлаш ва иқтисодий заарларни олдини олиш.

Маълумки, ишлаб чиқариш корхоналарида тозалаш иншоотлари ва чиқиндилар цехлари мавжуд бўлиб, пайдо бўладиган чиқиндилар атроф-муҳитдан изоляция қилинади (четлаштирилади ёки кўмиб ташланади). Шуни ҳам инобатга олиш керакки, филтрлар ва бошқа тозалаш қурилмалари ёрдамида ушлаб қолинган ташламалар чиқиндилардан тўла-

тўқис фойдаланиш муаммосини ечолмайди. Юқори тозалаш даражасига этиш учун катта маблағ сарфланади. Бундан ташқари, табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари учун ажратиладиган маблағларнинг ортиши ишлаб чиқариш иқтисодий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун хом-ашёлар ва энергия сарфини камайтириш ва улардан тўла-тўқис фойдаланиш учун кам чиқиндили технологияларга ўтиш катта иқтисодий даромад гаровидир.

Охирги йилларда жаҳонда хом-ашё ўрнида чиқиндилардан фойдаланиш катта тезлик билан ўсиб бормоқда. Масалан, Японияда 96 % дан кўпроқ ишлаб чиқариш чиқиндилари хом-ашё ўрнида қайта қўлланилади. Иккиласми хом-ашёларга қайта ишлов бериш тажрибалари Олмония, Болгария ва Полшада кенг ривожланиб бормоқда. МДХ да 85% домен тошқоллари, 25 % чўян ва 50 % темир қотишмалари қайта ишланади.

Чиқиндисиз ишлаб чиқаришни яратиш учун принципиал янги технологияларни ишлаб чиқиши керак бўлади. Бу эса, ўз навбатида, катта иқтисодий маблағларни ажратишни тақозо этади. Чиқиндисиз технологияда нафақат ишлаб чиқариш чиқиндилари, балки истеъмолга яроқсиз бўлиб қолган чиқиндиларни тиклаш керак бўлади, яъни хом-ашё ресурслари – ишлаб чиқариш – истеъмол қилиш – иккиласми хом-ашё ресурслари циклини яратишни тақозо этади. Бунда дастлабки хом-ашё бир неча маротаба қайта қўлланилади. Масалан, агар 1 тонна суртувчи мойларнинг дастлабки хоссалари тикланса, бу 6 тонна нефтни тежайди. Бир тонна мойни қайта тиклашга сарфланадиган маблағ мой ва нефт ишлаб чиқаришга сарфланадиган маблағнинг ярмини ташкил этади. Қўлланиш муддатини ўтаб бўлган, эскирган автомобил ва трактор шиналарининг 1млн тоннасидан қайта фойдаланилганда 700 минг тонна резинани, 130-150 минг тонна тўқимачилик толаларини ва 30-40 минг тонна пўлатни тежаш мумкин.

Маълумки, 1 тонна тахтадан 320-340 кг тола олинади. Аммо мана шу 340 кг толадан 3500 м² газлама ёки 140 минг дона галтак ип тайёрлаш мумкин. 580 кг чигитдан эса, 112 кг пахта ёги, 270 кг кунжара, 170 кг шелуха, 10 кг совун ва 8 кг линт олинади. Агар пахтазорларда тукилиб ётадиган 1 тонна тахтани териб топширсалар, 3600 метр газламани, 260 кг кунжарани 180 кг шелухани ва 16 кг совунни тежаб колган буладилар.

Кимёвий усуслар билан 1м³ ёгоч қайта ишланса, ундан 200 кг целлюлоза (ёзув когози), 220 кг овкатга ишлатиладиган глюкоза ёки 6000м² целофан (гидратцеллюлоза), 5-6 л ёгоч спирти, 20 л сирка кислотаси ёки 70 литр вино спирти, 4000 жуфт ипак пайпок ёки 180 жуфт калиш ва 2 дона автомобил шинаси олиш мумкин.

1 м³ терак ёгочидан 1 млн донадан зиёдрок гугурт чупи ёки 300 кг картон олиш мумкин.

Маълумотларга караганда, 1999 йилда Намангандаги вилояти пахта тозалаш корхоналарида жами 223 минг тонна тола қайта ишланиб, ундан 2384 тонна пахта линти (~10,7%) олинган. Вилоят микёсидаги йилига 2676 тонна циклон момиги хосил булар экан. Хол буки, улардан когоз ишлаб чиқариш мумкин.

«Бойлик ушокдан йигилар!» дейди доно халқимиз. «Тежаб сарфлаган камбагал булмайди!» дейилади хадисда. Буюк рус олимни Д.И.Менделеевнинг образли таъбири билан айтганда, «Кимёда чиқиндилар йук балки фойдаланилмаган хом-ашё бор, холос!»

Хозирги кунда кўпгина металлургия саноати ишлаб чиқариш корхоналари чиқиндисиз технологияларни амалга жорий этиб, маъданларни коксиз ва домна ўчоғларисиз эритишининг янги усусларидан фойдаланиб келмоқдалар. Маъданлар таркибидаги металлар табиий газ ёки водород ёрдамида эритиб олинмоқда. Натижада домна ўчоқларидан ажралиб чиқадиган кул, кокс ва бошқа чиқиндилар хосил бўлмайди, атмосфера ҳавосига чиқариб ташланадиган заҳарли газ, чанг, қурум ва бошқа чиқиндилар ўз-ўзидан йўқолади. Металларни бу усул ёрдамида эритиб олиш корхонадаги чиқиндилардан тўла-тўқис фойдаланиш имконини беради.

Рангли металлургия саноати ишлаб чиқариш корхоналарида никел, волфрам ва бошқа рангли ва нодир металларни ишлаб чиқаришда ҳам чиқиндилар микдори тобора камайиб бормоқда. Агар 80 йил илгари рангли металлургия саноати ишлаб чиқариш корхоналарида хом-ашёлардан ҳаммаси бўлиб 15 элемент ажратиб олинган бўлса, ҳозирги пайтда 25 элемент (мис, рух, кўрғошин, никел, олтин, кумуш, молибден, кобалт, кадмий, селен, теллур, германий, рений ва уларнинг бирикмалари олтингугурт, висмут, сурма, барий, темир ва

бошқа элементлар) ажратиб олинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, хом-ашёларни заарли моддалардан тозалаш катта иқтисодий ва экологик аҳамиятга эга. Масалан, газ таркибидан ва кўмирдан олтингугуртни ажратиб олиш жараёнлари ишлаб чиқилди. Рангли, қимматбаҳо, нодир, асл ва кўп тарқалган металларни ишлаб чиқариш металлургик жараёнларида олтингугурт мухим ўрин тутади. Мис, никел, кобалт, рух ва бошқа қимматбаҳо металларни ажратиб олишда, табиий газ ва нефтни қайта ишлаш пайтида олтингугурт ажралиб чиқади. 1 тонна олтингугурт дан қарийб 3 тонна сулфат кислота, олтингугурт қўш оксиди (SO_2) ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Олингугурт минерал ўғитлар, қоғоз, SO_2 , резина, кир ювиш кукунлари, курилиш материаллари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Аммо унинг таркибида маргимуш теллур, селен каби элементлар ҳам мавжуд. Бу эса, баъзи соҳаларда олтингугуртдан кенг қўллаш имкониятларини чеклаб қўяди. Масалан, олтингугурт таркибида 0,6% маргимуш мавжуд. Бу эса, унинг рухсат этилган чегаравий концентрациясидан 10 маротаба ортиқдир. Олтингугурт таркибидаги теллур ва селен юздан бир % ни ташкил этиши ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Чунки олтингугурт таркибидаги селен, кир ювиш кукунлари ишлаб чиқаришда ва хусусан қоғозни оқартириш учун қўллаш имкониятини беролмайди. Селен эса, ўз навбатида, қоғоз ва газламаларга сариқ ранг бағишлайди, бу ҳамма вақт ҳам мақсадга мувофиқ бўла олмайди.

Кимё саноатида ва хусусан, азотли минерал ўғитлар ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам хом-ашёлар тўла-тўқис, чиқиндисиз ишлатилмоқда. Синтетик каучук, резина ва пластмасса ишлаб чиқариш корхоналарида пайдо бўладиган суюқ ва қаттиқ чиқиндилардан спирт, стирол ва сулфат кислота олишда фойдаланилмоқда.

Ууман олганда, ҳозирги пайтда чиқиндилар ажратмайдиган ишлаб чиқариш корхоналарининг сони жуда кам. Кўпгина маҳсулотлар сифатсиз, давлат андозаларига мос келмаслиги туфайли чиқинди сифатида чиқарилиб ташланади ва улар атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбаларига айланиб қолиши мумкин. Саноат корхоналаридаги технологик жараёнларни такомиллаштириш йўли билан чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологик жараёнларни амалга тадбиқ қилиш мумкин. Олмалик, Бекобод, Навоий ва Тошкент шахарлари сингари саноати нисбатан ривожланган ва корхоналар зич жойлашган ҳудудларда чиқиндисиз ва кам чиқиндили ишлаб чиқариш технологик жараёнларга ўтиш катта иқтисодий ва экологик аҳамият касб этади. Бундай миңтақаларда заҳарли моддаларни кам заҳарли моддаларга айлантириш ёки умуман зарарсизлантириш муаммоси долзарблигича қолмоқда. Масалан, қозонларни кўмир ёки мазут ёкиб эмас, балки чиқинди газлар билан қиздирилса атмосфера ҳавосига чиқариб ташланадиган зарарли моддалар 70-90% га камаяди. Автомобилларда заҳарли бензин ёки керосин эмас, балки газ ишлатилса, атроф-муҳит озорланиши маълум даражада пасаярди.

Назорат саволлари

1. Чиқиндисиз технологияларни амалда жорий этиш учун қайси принципларга амал қилиш керак?
2. Хом-ашё ва энергияни тежашнинг ягона усули нимадан иборат?
3. Хом-ашё ўрнида чиқиндилардан фойдаланиш усулиниң экологик ва иқтисодий аҳамиятини изохлаб беринг.
4. Газдан ва кўмир таркибидан олтингугуртни ажратиб олишнинг экологик ва иқтисодий аҳамиятини тушунтириб беринг.
5. Чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологияларга ўтиш учун нималарга эътибор бериш керак?

2. Пластмасса чиқиндиларининг атроф-муҳитга таъсири

Маълумки, полимерлар (“поли” - кўп, “мера” - кисм) – бу табиий ёки синтетик юқори молекуляр бирикмалардан ташкил топтан моддалардир. Полимерлар қуий молекуляр моддалар, яъни мономерлардан (“моно” - бир демақдир) ҳосил қилинади. Масалан, полиэтилен (ПЭ) этилен газидан, полипропилен (ПП) пропилен газидан, крахмал глюкозадан олинади ва ҳоказо.

Келиб чиқиши юзасидан полимерлар 3 хил бўлади.

1. Табиий полимерлар (целлюлоза, крахмал, лигнин, пектин, табиий каучук, гуттарперча, табиий ипак, оқсиллар, шунингдек чарм ва мўйна саноатининг асосий хомашёси бўлган коллаген, кератин (жун ва бошқалар), ўсимликлар ва ҳайвонот оламининг асосий таркибий қисми ҳисобланса, ҳайвонот оламида тирикликнинг асосини оқсил моддалар, гармонлар ва ферментлар ташкил қиласди. Агар тўқимачилик саноатида целлюлоза асосий хом-ашё ҳисобланса, озиқ-овқат саноатининг асосини крахмал ташкил этади.

2. Сунъий полимерлар (целлюлоза эфирлари, хлорланган каучук (хлор-каучук), фторланган полимерлар) табиий полимерларга кимёвий ишлов бериш йўли билан ҳосил қилинади.

3. Синтетик полимерлар (ПЭ, ПП, полистирол (ПС), поливинилхлорид (ПВХ), органик шиша, полиуретан (ПУ), полиамид (ПА) ва бошқалар) табиатда учрамайди, улар мономерлардан полимерланиш ёки поликонденсатлаш реакциялари ёрдамида синтез йўли билан ҳосил қилинади.

Полимерлар маҳсулот (пленка, тола, қувур, найча ва бошқалар) олиш учун “тоза” ҳолатда кам ишлатилади, чунки уларнинг иссиқликка чидамлилиги паст, мустаҳкамлиги металлар ва уларнинг қотишмаларининг мустаҳкамлигига нисбатан анча кичик, ултрабинафша нурлари таъсирида муртлашиб тез парчаланиб кетади. Шунинг учун иссиқхоналарда ишлатиладиган ПЭ пленкаларининг қўлланиш муддати 1-1,5 йилдан ошмайди.

Полимерларнинг ушбу камчиликларини тузатиш, физик ва кимёвий хоссаларини яхшилаш ва маҳсулот нархини пасайтириш учун таркибига бошқа турдаги моддалар (ранглар, юмшатгичлар, барқарорлаштирувчи моддалар, антистатиклар ва бошқалар) киритилади. Бундай материалларга пластмассалар дейилади.

Пластмасса ишлаб чиқариш жараёнида реакторлар, мономерлар ва органик эритувчилар сақланадиган омборхоналар атроф-муҳитни ифлослантирувчи асосий объекtlар ҳисобланади. Бундан ташқари, вискоза ипагини ишлаб чиқаришда углерод ва олtingугуртнинг водородли бирикмалари ажralиб чиқади. Сунъий ипакнинг қуритиш жараёнида турли хил углеводородлар ҳосил бўлади. Бир тонна вискоза ипаги ишлаб чиқаришда 27,5 кг олtingугурт углероди (CS_2) ва 3 кг водород сулфиди (H_2S) ажralиб чиқади. Бир тонна найлон толаси ишлаб чиқаришда 3,5 кг углеводород ва 7,5 кг ёғ буғлари ажralиб чиқади.

Пластмасса ишлаб чиқариш жараёнида фенол, амин, юмшатгичлар, кимёвий реакцияларни жадаллаштирувчи моддалар (катализаторлар), эфир мойлари, органик кислоталар ва х. ажralиб чиқади.

Синтетик каучук ишлаб чиқаришда атмосфера ҳавосига учувчан мономерлар (изопрен, стирол, бутадиен, хлорпрен) ва эритувчи моддалар (дивинил, толуол, бензол, ацетон ва бошқа бирикмалар) ажralиб чиқиб, атроф-муҳитни ифлослантиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қаттиқ пластмасса маҳсулотлари оддий хона ҳароратида заарли эмас. Аммо уларга ишлов бериш жараёнида у ёки бу заҳарли моддалар ажralиб чиқади. Пластмасса маҳсулотларининг тизими ва таркибига қараб уларнинг суюкланиш ҳароратлари ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Масалан, полиэтилен (ПЭ) 120-135°C да, полипропилен (ПП) 160-172°C да, полиамид-12 (ПА-12) 178-180°C да, полиамид-610 (ПА-610) 213-222° С да, полиамид-66 (ПА-66) 252-265°C да, поликарбонат (ПК) 220-240°C да, полиэтилентерефталат (ПЭТФ) 225-267°C да, политетрафторэтилен (ПТФЭ) 320°C да, полиформалдегид (ПФ) 173-180°C да суюкланди, яъни қаттиқ ҳолатидан суюлма ҳолатига ўтади. Мана шу ҳолатда маҳсулот таркибидан заҳарли газ ва буғлар ажralиб чиқиши мумкин.

Куйидаги жадвалда пластмасса ишлаб чиқариш цехларида заҳарли моддаларнинг рухсат этилган чегаравий концентрациялари (РЭЧК) келтирилган.

№	Моддалар	РЭЧК, мг/м ³	№	Моддалар	РЭЧК, мг/м ³
1	Қалай	0,05	13	Хлорли винил	5
2	Синил кислотаси	0,3	14	Дихлорэтан	10
3	Изоцианатлар	0,5	15	Капролактам	10
4	Гексаметилендиамин	1	16	Фурфурол	10
5	Формалдегид	1	17	Аммиак	20
6	Фтал ангидрид	1	18	Бензол	20
7	Хлор	1	19	Хлорли винил	30
8	Асбест ва шиша толаларнинг чанглари	3	20	Ксиол	50
9	Аминопластлар ва фенопластларнинг чанги	3	21	Толуол	50
10	Стирол	5	22	Ацетон	200
11	Уксус кислотаси	5	23	Бензин	300
12	Фенол	5	24	Этил спирти	1000

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қаттиқ пластмассалар ва эритувчисиз суюқ катронлар (масалан, эпоксид катрони) ўз-ўзидан ёнмайди, улар факат юқори ҳароратлар таъсирида ёниши мумкин. Реактопластлар (полиэфирлар, эпоксид катронлари ва бошқалар), фторопластлар, поливинилхлорид ўтда ёнади, аммо алантани узоқлаштирганда учеб қолади. Термопластлар гурухига мансуб бўлган полимер материаллари (полиэтилен, полипропилен, органик шиша, полиформадегид, полистирол, полиуретан ва уларнинг сополимерлари) ёнувчан материаллардир. Целлулоид ва нитроцеллюлоза этроли ниҳоятда тез ёнади.

Уларнинг катта (50 кг дан юқори) микдорини ёндириганда портлаш ҳосил бўлиши мумкин. Ғовак полиуретан ёнганда синил кислотаси ва полуилендиизоанатларнинг заҳарли буғлари ҳосил бўлади ва уларнинг миқдори РЭЧК сидан ўнлаб ва юзлаб маротаба ошиб кетиши мумкин. 1кг ғовак полиуретан ёнганда 0,324 - 4,075 г/соат полуилендиизоционат ва 0,538 - 4,320 г/соат синил кислотасининг буғлари ҳосил бўлади.

Пластмасса чангининг маълум концентрациялари портлашни вужудга келтириши мумкин. Пластмасса чангларининг портлашни вужудга келтирадиган концентрациялари қўйидаги жадвалга келтирилган.

№	Пластмасса турлари	Алангаланиш ҳарорати, °C	Чангнинг хавфли портлаш концентрацияси, г/см ³ (қўйи чегара)
1	Карболит	100 дан юқори	22-124
2	Ам инопласт	799	27,7
3	Органик шиша	579	12,6
4	Полиэтилен	400	12,6
5	Полипропилен	890	12,6
6	Полистирол	750	30
7	Поливинилхлорид	500	100
8	Полиформадегид	530	20
9	Поливинил бутирал	725	22,7

Термопластларнинг ҳарорати уларнинг парчаланиш ҳароратига етганда (ўт олиш ҳароратидан 150-200°Cга паст бўлган ҳароратларда) портланувчи ва ёнғинга хавфли буғлар ажralиб чиқади. Масалан, полистирол парчалаганда стирол буғлари ажralиб чиқади. Стиролнинг ҳаводаги РЭЧК си 5мг/м³ дан ошмаслиги керак.

Учувчан органик эритувчиларнинг портлаш ва ёнғинга хавфлилик хоссалари қўйидаги жадвалга келтирилган.

№	Эритувчилар	Чақнаш харорати, °C	Үз-үзидан алангала- ниш, °C	Хавода буғларнинг портлашга хавфли концентрациялари, %	
				Куйи чегара	Юқори чегара
1	Бензол	-16	580	1,5	9,5
2	Толуол	5	553	1,3	7,0
3	Ксилол	20	500	3,0	7,0
4	Бензин	-25	230-260	1,2	7,0
5	Ацетон	-20	500	2,0	13
6	Этилацетат	-5	484	2,2	11,4
7	Дихлорэтан	12	404	6,2	15,9
8	Пиридин	20	573	1,8	12,4
9	Этил спирти	12	404	3,3	19,0
10	Тўрт хлорли углерод		АЛАНГАЛАНМАЙДИ		
11	Уч хлорли этилен		АЛАНГАЛАНМАЙДИ		

Ушбу жадвалдан маълумки, эритувчиларнинг чақнаш ҳароратлари ниҳоятда паст бўлиб, улар юқори ҳароратлар таъсирида ўз-ўзидан алангаланиши мумкин. Шунинг учун уларни ёпиқ идишларда оловдан ва электр учқунларидан узоқроқ жойларда саклаш лозим.

Назорат саволлари

1. Полимер деб нимага айтилади?
2. Келиб чиқиши юзасидан полимерлар неча гурухга бўлинади?
3. Пластмасса деб нимага айтилади?
4. Пластмасса маҳсулотларининг хавфсизлиги ва хавфлилиги ҳақида маълумот беринг.
5. Пластмассалардан портланувчи газлар ва ёнғинга хавфли буғларнинг ҳосил бўлишини тушунтиринг.

3. Пластмасса маҳсулотларини таниб олиш усуллари

Маълумки, мухандислик амалиётида турли кимевий таркиб ва тизимларга эга булган пластмасса маҳсулотлар (утказичларнинг изоляцияси, найча ва қувурлар, тола ва пленкалар, идишлар ва бошқалар)ни ташки қўринишларидан ёки рангидан билиб олиб бўлмайди. Бунинг учун спектрал ва кимёвий таҳлил, шунингдек, физик-механик усуллардан кенг фойдаланилади. Ушбу усуллар пластмасса маҳсулотларининг тизими ва таркибини аниқлашда аниқ маълумотлар берсада, кўп вақтни талааб қиласди.

Мухандислик амалиётида пластмасса маҳсулотларини тез ва аниқ таниб олишда уларни оловда ёндирадилар ёки эритувчи суюқликларга эритиш йўли билан аниқланади.

Ушбу муаммонинг иқтисодий ва экологик долзарблиги шундан иборатки, шаҳарлардан ва ишлаб чиқариш корхоналаридан чиқариладиган ахлатлар ва чиқиндиларнинг катта ҳажмини рангсиз ва рангли пластмасса маҳсулотлари (идишлар, стол-стуллар, пленка ва толалар, ўраш материаллари) ташкил этади. Уларни таниб олиш ва қайта ишлаб чиқаришга жалб этиш нафақат иқтисодий, балки экологик муаммоларнинг ечишига катта ёрдам беради. Масалан, 5г органик шиша кириндилари 100 г дихлорэтанга эритиб электротехника соҳасида кенг қўлланиладиган елим тайёрлаш мумкин. Хусусан полимерлар чиқиндиларини ўз эритувчиларига эритиб керакли қалинликдаги пленкалар олиш мумкин. Шунинг учун ушбу муаммонинг иқтисодий ва экологик самарадорлигини инобатга олиб пластмасса маҳсулотларининг эрувчанлиги ва алана таъсирида ёниш хусусиятларини кўриб чиқамиз.

1. Термореактив полимерлар

1. Фенопластлар (фенол-алдегид ва фенол-формалдегид катронлари). Улар алана

таъсирида эримайди, ниҳоятда қийин ёнади, фенол ва формалдегид ҳиди келиб туради.

Фенопластлар ацетон, этил спирти, циклогексанон, CCl_4 , хлороформ ва пиридин каби суюқ эритувчиларда эрийди.

2. Аминопластлар (карбамид пластиклар, яъни мочевин-формалдегид ва меламин-формалдегид катронлари асосида олинган пластиклар). Улар аланга таъсирида жуда қийин ёнади, чеккалари кўмирга айланиб оқ доғлар пайдо бўлади, формалдегид ва аммиак ҳиди келиб туради.

3. Эпоксипластлар (эпоксид катронлари). Улар ёруғлик чиқариб алангаланиб ёнади, аммо ёндириш алангасини узоқлаштирганда учиб қолади. Фенол ҳиди келиб туради.

Улар бензол, метиленхlorид, этил эфири, ацетон, этил ацетат, этил спирти, циклогексанон, CCl_4 , хлороформ, диоксан, сулфат кислотаси, тетрагидрофуран, пиридин каби суюқ эритувчиларда эрийди.

4. Полиэфирлар. Улар ёруғлик чиқариб алангаланиб ёнади, ҳиди ширинроқ.

Улар бензол, ацетон, этилацетат, этил спирти, циклогексанон, хлороформ, диоксан, тетрагидрофуран ва пиридин каби суюқ эритувчиларда эрийди.

2. Термопластик полимерлар

1. Полиэтилен. ПЭ кўк нур сочиб очиқ алангаланиб ёнади. Эриб оқади. ПЭ ёнувчан полимер бўлиб, парафин, шам ҳиди келиб туради. Оддий хона ҳароратида эритувчилар таъсирида эримайди. Аммо 80°C да бензол, CCl_4 , хлороформ, пиридин, ксилол, декалин ва тетралин каби суюқ эритувчиларда эрийди.

2. Полипропилен. ПП нур сочиб яхши ёнади, унинг асосида (негизида) кўк аланга бўлади. Эриб оқади. Куйдирилган резина ёки ёнаётган сурғуч ҳиди келиб туради. ПП оддий хона ҳароратида эритувчилар таъсирида эримайди. Аммо 80°C да бензол, CCl_4 , хлороформ ва дихлорэтан каби суюқ эритувчиларда эрийди.

3. Полистирол. ПС очиқ аланга билан ёнади, кучли дудлайди. Ҳиди ширин бўлиб гуллаб турган гиацантлар ҳиди келиб туради. ПС бензол, бензин, метиленхlorид, CCl_4 , хлороформ, дихлорэтан, диоксан ва пиридин каби суюқ эритувчиларда эрийди.

4. Полиакрилатлар. Алангаси кўк нур сочувчан бўлиб, мева ҳидлидир. Полиакрилатлар бензол, метиленхlorид, ацетон, атилацетат, циклогексанон каби суюқ эритувчиларда осон эрийди. Улар этил спиртини қиздирилганда эрийди.

5. Полиметилметакрилат (ПММА) (органик шиша). Алангаси нур сочиб туради, енгил тутайди, ҳиди ўткир. Органик шиша бензол, метиленхlorид, ацетон, этилацетат, этил спирти, циклогексанон, диоксан, уксус кислотаси каби суюқ эритувчиларда эрийди.

6. Поливинилхlorид. Алангаси кўк, чеккалари сарик бўлиб, тутайди, мойли кислота ҳиди келиб туради. У бензол, метиленхlorид, этилацетат, этил спирти, пиридин каби суюқ эритувчиларда эрийди.

7. Поливинилхlorид. (винипласт). Алангаси очиқ яшил, алангадан узоқлаштирганда учади. Хлор ва хлорид кислотаси ҳиди келиб туради. У циклогексанон, CCl_4 , хлороформ, пиридин ва дихлорэтан каби суюқ эритувчиларда эрийди.

8. Полиамидлар. Алангаси кўк чеккалари сарик бўлиб, ёнганда полимер оқиб туради. Куйдирилган суккун ҳиди келиб туради. Улар 80% ли фенол, чумоли кислотаси, хлорид кислотаси, сулфат кислотасида эрийди.

9. Полиуретанлар. Яхши ёнади, алангаси кўк, чеккалари сарик бўлади. Изоционат ва миндал-синил кислотасининг ҳиди келиб туради. Улар 80% ли фенол, чумоли кислотаси, хлорид кислотаси, сулфат кислотасида эрийди.

10. Поликарбонат. Ниҳоятда қийин ёнади, ис чиқаради, алангадан узоқлаштирилганда учиб қолади. Ёниш жойида материал мўртлашиб ис кўтарилади, гул ҳиди келиб туради.

У метиленхlorид, диоксан, тетрагидрофуран ва дихлорэтан каби суюқ эритувчиларда яхши эрийди.

11. Полиформалдегид. Курук спирт каби ёрилиб сачраб ёнади, алангаси кўк бўлиб, ўткир формалдегид буғи ҳосил бўлади. Оддий ҳароратларда эримайди, 100°C да фенолларда эрийди.

12. Фторопласт-3. Қийин ёнади, алангадан узоқлаштирилганда учади. Ёниш жойида фторопласт эластик бўлиб, доғлар пайдо қиласи. Куйдирилган асбест ҳиди келиб туради.

Оддий ҳароратларда эримайди. Толуолда ва тўрт хлорли углерод (CCl_4) да юкори ҳароратлар таъсирида эрийди.

13. Фторопласт-4. Ёнмайди, 320°C да суюкланди. Суюк эритувчиларда эримайди.

14. Нитроцеллюлоза этроли. Бир лахзада аланга олади. Азот ачималари ва камфора хиди келиб туради. У ацетон, этилацетат, циклогексанон, диоксан, уксус кислотаси ва пиридин каби суюк эритувчиларда эрийди.

15. Этилцеллюлоза этроли. Ёнади, алангаси сариқ кўк рангли бўлиб куйдирилган коғоз хиди келиб туради. У бензол, метилленхлорид, ацетон, этилацетат, этил спирти, циклогексанон, диоксан, уксус кислотаси ва пиридин каби суюк эритувчиларда эрийди.

16. Ацетобутират целлюлоза этроли. Нур сочиб ёнади, алангаси сариқ. Мойли кислота ва куйдирилган коғоз хиди келиб туради. У ацетон, этилацетат, диоксан, уксус кислотаси ва пиридин каби суюк эритувчиларда эрийди.

17. Ацетилцеллюлоза этроли. Қийин ёнади, алангаси сариқ бўлиб чеккалари кўк бўлади, учқун чиқаради. Уксус кислотаси ва куйдирилган коғоз хиди келиб туради. У ацетон, хлороформ, диоксан, хлорид кислотаси, пиридин каби суюк эритувчиларда эрийди.

Назорат саволлари

1. Пластмасса маҳсулотларини қайси усуллар ёрдамида таниб олиш мумкин?
2. Термореактив полимерлар (реактопластлар) ва термопластик полимерлар қайси хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қиласди?
3. Пластмасса маҳсулотларини ёндиришнинг экологик жиҳатларини асослаб беринг.

4. Пластмасса чиқиндилари ва уларга қайта ишлов бериш усуллари

Пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида пресслаш, босим остида қолипларга кувиш, экструзиялаш ва бошқа ишлов бериш усуллари, саноатнинг кўпгина тармоқларида кенг қўлланилади.

Полимер материалларига ишлов бериш жараёнида қарийб 20 хил бузук ёки ишга яроқсиз маҳсулотлар ҳосил бўлади. Чиқиндиларнинг умумий миқдори дастлабки хомашёнинг массасига нисбатан турли маҳсулотлар учун 5% дан 25% гача ташкил этиши мумкин. Масалан, пойафзалларни устки қисми учун қўлланиладиган полимер материалларининг миқдори уларнинг навига ва бичиш технологиясига қараб 69-87% ташкил этади холос. Материалларнинг қолган миқдори (13-31%) чиқинди бўлиб қолади.

Ишлаб чиқаришда бузук, ишга яроқсиз полимер маҳсулотларнинг пайдо бўлиш сабаблари, уларнинг асосий турлари ва миқдори куйидагилардан иборат.

1. Олинадиган пластмасса маҳсулотига шакл берувчи қолип тозаланмаган бўлса, ёки полимер хом-ашёсининг намлик даражаси юқори бўлса, ёки у омборхоналарда нотўғри сақланган бўлса, унда олинадиган маҳсулот сиртида бошқа материалларнинг қўшимчалари ёпишиб қолиши мумкин. Бундай бузук ва ишга яроқсиз маҳсулотларнинг миқдори 27% ни ташкил этмоқда.

2. Суюлма таркибидаги ҳаво ёки газларнинг қолипдан чиқиши қийинлашганда ёки қолип нобаробар қизиганда маҳсулот нурсиз, жилосиз бўлади, сиртида чизиқлар, нуқталар ва ғовакликлар пайдо бўлади. Бундай бузук маҳсулотларнинг миқдори 21% ни ташкил этмоқда.

3. Қолип полимер материали билан тўлмай қолса (яъни, пуансон ва матрица (қолип) орасидаги масофа каттароқ бўлганда суюлма беҳудага ташқарига оқиб чиқади), ёки босим кичик бўлиб материјал оқмай қолганда, бузук маҳсулотлар пайдо бўлади. Уларнинг миқдори 9% ни ташкил этмоқда.

4. Баъзан маҳсулот сиртида бир томонлама ёки икки томонлама қавариқлар ва ёришмалар пайдо бўлади. Бунинг асосий сабаби - босим пасайиши билан полимер суюлмаси таркибидаги газлар унинг сиртига шишиб чиқади. Бундай маҳсулотларнинг миқдори 7% ни ташкил этмоқда.

5. Ишлаб чиқаришда полимер материали тўла эримасдан суюлма билан қуршаб олинган лўндалар пайдо бўлади. Суюлма оқувчан бўлганда маҳсулот сиртида чизиқлар пайдо бўлади. Бундай бузук маҳсулотларнинг миқдори 6% ни ташкил этмоқда.

6. Маҳсулотнинг қолипдан олиш пайтида у деформацияга учрашиши мумкин, ёки уни

совитилганда бир текис совилмайди, қискариши (ўтириши) мумкин, тоб ташлашиши (қийшайиши) мумкин. Бошқача қилиб айтганда, олинадиган маҳсулотнинг ўлчамлари лойихадаги андоза ва ўлчамларга мос келмаслиги мумкин. Бундай маҳсулотларнинг микдори 4% ни ташкил этмоқда.

7. Суюлманинг йўналтирувчи втулкаларнинг ифлосланиши ва тикилиб қолиши натижасида босим тасодифан камайиб бориб маҳсулотда ёришмалар пайдо бўлади. Олинадиган маҳсулотнинг қалинлиги рухсат этилган қалинликдан 0,3-0,6 мм га, қатламли ва толали материаллар учун эса 0,6-1,0 мм гача ошиб кетиши мумкин. Бундай бузук ва ишга яроқсиз маҳсулотларнинг микдори 2-4% ни ташкил этмоқда.

Маълумки, охирги йилларда республикамизда ва вилоятимизнинг барча ширкат хўжаликларида чигитни плёнка остида экиш технологияси жорий этилди. Бунинг учун қалинлиги 20-30 мкм ва эни 50 см бўлган полиэтилен плёнкаларидан қўлланиб келинмоқда. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги машина-трактор ҳамда автожамланмалар паркларида ишлатиш муҳлатини ўтаб бўлган ва ҳозирги пайтда йиғилиб қолган резина шиналари мавжудки, уларни регенерация қилиш (яъни, дастлабки хоссаларини тиклаш) анча қийинчиликларни туғдирмокда. Ҳозирги пайтда бир маротаба қўлланиладиган пластмасса маҳсулотлари (иссиқхоналарда қўлланиладиган плёнкалар, шприцлар, чигитни экишда қўлланилган плёнкалар, “Фанта”, “Кока-Кола”, “Амир Темур”, “Бонакуа” ичимликлари идишлари, шампунлар ва лок-буёқлар идишлари, автошиналар ва бошқалар), катта ҳажмда йиғилиб қолганлиги кўпчиликка маълум.

Фойдаланиш муҳлатини ўтаб бўлган бундай пластмасса маҳсулотларига “чиқинди” сифатида қараш, уларни ерга кўмиш ёки ёндириб юбориш – атроф-муҳит таркибини бузиш демакдир. Бундай материаллар турли хил бактерия ва микроорганизмлар таъсирида парчаланмайди ва зангламайди. Шунинг учун уларга қайта ишлов бериш йўли (пресслаш, босим остида қолипларга қутиш, экструзиялаш) билан саноатнинг кўпгина тармоқларида қўллаш мумкин. Масалан, ичимлик идишлари ва плёнкаларни резина кукунлари билан аралаштириб, хосил бўлган қоришмадан пойафзал тагликлари ёки турли диаметрли қувурлар, ҳамда плёнкалар ишлаб чиқариш мумкин. “Чиқиндилар” ни янчиб кукун шаклига келтириш ва уларнинг таркибига ишлаб чиқариш корхоналаридаги чиқиндиларни киргизиб, яхшилаб аралаштириб уларни пресслаш йўли билан мустаҳкам, ишга чидамли маҳсулотлар олиш билан бирга, атроф-муҳитни ифлосланишининг олдини олиш мумкин. “Чиқиндилар” ҳисобига олинган бундай маҳсулотларнинг нархи ҳам арzon бўлади ва уларни қўллаш муддатлари ҳам 2-3 баравар узайтирилади.

5. Полимер філтрлари, уларнинг қулланиш соҳалари ва танлаш шартлари

Полимерларга маълум ишлов бериш усууллари (пресслаш, босим остида қолипларга қутиш, экструзиялаш ва б.) ёрдамида ишга чидамли, сифатли, арzon ва мустаҳкам полимер маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Полимер материалларидан нафақат турли диаметрли найча ва қувурлар, электроизоляцион материаллар, кутти ва идишлар, уй-рўзғор буюмлари, стол ва стуллар, тола ва плёнкалар тайёрланади, балки улардан ишга чидамли філтрлар сифатида ҳам саноатда кенг қўлланилиб келинмоқда.

Полимер пленкалари ва толаларнинг ғоваклигини ошириш ва улардан полимер філтрлари сифатида қўлланиш полимерлар технологиясининг энг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Полимер пленкалари юкори эластиклик хоссасига эга эканликлари туфайли уларнинг ғоваклигини босим остида камайтириш ёки ташқи куч таъсирида чўзиб уларнинг ғоваклигини ошириш мумкин. Ҳозирги пайтда полиэтилентерефталат пленкаларини суюқликлар муҳитида чўзиб унинг ғоваклигини ошириш технологияси ишлаб чиқилган. Аммо полимерларни тўлдиригич билан тўлдириш – юқоридаги муаммонинг энг самарали ечиш йўли ҳисобланади. Тўлдиригич сифатида ишлаб чиқариш чиқиндилари қоракўя (сажа), кукун, янчилган тошлар, шишалар, ингичка толалар, мармар уни, ёғоч уни, бур, каолин, графит, туф, алюмосиликатлар ва бошқа материаллар қўлланилади. Улар янчиш қурилмаларида чанг ҳолатига келтирилади ва ҳар бир заррачанинг ўлчами 10 мкм дан кичик бўлади. Полимер кукуни ва тўлдиригич яхшилаб аралаштирилади ва пресс ёрдамида юқори ҳароратлар ($180-220^{\circ}\text{C}$) да тўлдирилган полимер пленкалари олинади.

Бундай полимер композициялар (композитлар)нинг яратилиши кўпгина экологик муаммоларни ечишга катта ёрдам берди. Масалан, кўмир, ёғоч ва мазут билан ишлайдиган қозонхоналарда катта ҳажмларда кукун ва қоракуя йиғилиб қолади ва улар маълум экологик муаммоларни юзага келишига сабаб бўлади. Ушбу коракуя ва кукунларни полимер таркиби тўлдиргич сифатида киргизиш нафақат полимер мустаҳкамлигини оширади, балки унинг нархини ҳам пасайтиради.

Полимернинг ғоваклигини ошириш учун шундай тўлдиргичлар танланадики, уларнинг заррачалари суюқлик муҳитида реакцияга кириш қобилиятига эга бўлсин. Масалан, ош тузи ($Na Cl$) ва бир қатор очик ғовакликлар вужудга келтирувчи тузлар ($KHCO_3$, $Na HCO_3$, NH_4NH_3 , $Na NO_3$) билан тўлдирилган полимерлар (масалан, полиэтилен) сувда ювилади, яъни бу тузлар сувда яхши эрийди ва натижада ғовак филтр ҳосил бўлади. Ғовакликларнинг ўлчами тўлдиргич заррачаларининг миқдори ва ўлчамига боғлиқ: тўлдиргич заррачаларининг ўлчами кичик бўлса, ғовакликларнинг ўлчами ҳам кичик бўлади. Бундай филтрларни кимё саноатининг барча тармоқларида қўллаш мумкин. Аммо бундай филтрларни танлаш учун қўйидаги шартлар инобатга олиниши керак:

1. Филтр таркибида тўлдиргич қолдиқлари бўлмаслиги керак.
2. Филтр таркибида заҳарли моддалар бўлмаслиги керак.
3. Филтр мустаҳкам, эгилмас ва унинг нархи арzon бўлиши керак.

6. Пластмасса маҳсулотларининг энергетика ва ҳисоблаш техникаси соҳаларида қўлланиши ва танлаш шартлари

Хозирги замон саноатининг ўсиб бориши, халқ хўжалигининг ривожланиши ва турмуш фаровонлиги мамлакат миқёсида ишлаб чиқариладиган энергия турлари, ҳамда полимер материаллари ва улардан ҳосил қилинган ишга чидамли пластмассалар миқдорига боғлиқдир.

Охирги йилларда пластмасса ва резиналардан тайёрланган плёнкалар, ёпишқоқ тасмалар, магнит ленталари, толалар радиотехника, электроника, ҳисоблаш ва ўлашиб асбобларида кенг қўлланиб келинмоқда. Масалан, тефлон (политетрафторэтилен)дан магнит ленталари ишлаб чиқариш технологиялари йўлга қўйилган. Тефлон яхши диэлектрик бўлиб, унинг физикавий ва кимёвий хоссалари турли кимёвий моддалар таъсирида, юқори ҳароратларда, айниқса юқори частотали ўзгарувчан ток таъсирида ўзгармайди. Унинг хулланмаслиги кабел саноатидаги аҳамиятини янада ошириди. Ушбу хоссалар тефлондан юқори ва ўта юқори частотали токлар остида ишлатиладиган изоляторлар тайёрлаш имконини берди.

Полистирол (ПС) тиниқлик жиҳатидан оддий анерганик ва органик шишалардан қолишмайди. ПС сувни шиммайди, электр токини ўтказмайди ва 90% гача нур ўтказиш қобилиятига эгадир. Шунинг учун ПС кабел саноатида ва электротехникада диэлектрик сифатида кенг қўлланилиб келинмоқда.

Полихлорпрен каучукка ўхшаб кетса ҳам, аммо алнга таъсирида ёнмайди ва шунинг учун электр кабелларни қоплаш учун изолятор сифатида кенг қўлланилади. Органик шиша (полиметилакрилат, полиметилметакрилат, воливинилацетат, поликарбонат) лар ва уларнинг қоришмаларидан ҳосил қилинган парчаланмайдиган ойналар (“триплекс” лар) ҳисоблаш машиналарини ва ўлашиб асбобларини жиҳозлаш учун ниҳоятда кенг ишлатилмоқда.

Полиэтилен (ПЭ), тефлон ва юқоридаги органик шишаларнинг ажойиб хусусиятларидан бири – уларнинг тиниқлиги, юқори мустаҳкамлиги ва юқори частотали электр токларини ўтказмасликларидир. ПЭ сув ўтказмаслиқ хусусияти жиҳатидан барча пластмасса турларидан кескин фарқ қиласи. Шунинг учун ПЭ дан сув остида ишлатиладиган маҳсус кабеллар ясашда изолятор сифатида қўлланилади. Бундан ташқари, ПЭ дан тайёрланган турли қалинликдаги плёнкалар ва қувурлар радиотехника, телефон, телеграф ва электротехниканинг барча тармоқларида (радиолакация, юқори частотали кабеллар, телевизион ва телемеханика асбоблари ясашда) муҳим аҳамиятга эга.

Аммо пластмасса маҳсулотларини танлаш учун қўйидаги шартлар инобатга олиниши шарт:

1. Пластмассалардан тайёрланган маҳсулотлар (органик шишалар, тасмалар, тола ва плёнкалар, кабел изоляциялари ва х.) атмосфера ҳавоси, намлик, ултрабинафша нурлари,

ҳарорат ва суюқликлар таъсирида чидамли бўлиши керак.

2. Ушбу маҳсулотлар юқори частотали ўзгарувчан ток таъсирида тешилмаслиги керак.
3. Диэлектрикларнинг сиртида тирқишлар ва ёришмалар бўлмаслиги керак.
4. Ҳисоблаш техникаси ва электроэнергетикада қўлланиладиган диэлектриклар зарбага чидамли бўлиб, эстетик кўриниши яхши бўлиши керак.
5. Маҳсулотлар барча электроизоляцион хусусиятларга эга бўлиши керак (токни ўтказмаслик, аланга таъсирида ёнмаслик ва б.).

Назорат саволлари

1. Пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш усуллари ҳақида маълумот беринг.
2. Чиқиндиларнинг турлари, кўлами ва пайдо бўлиш сабаблари ҳақида маълумот беринг.
3. Пластмасса маҳсулотлари чиқиндиларидан қайси мақсадларга фойдаланиш мумкин?
4. Полимер филтрларининг ҳосил қилиш ва уларнинг ғоваклик даражасини ошириш технологик жараёнларини тушунтиринг.
5. Полимер композицион материал деб нимага айтилади?
6. Филтрларни танлаш шартлари ҳақида маълумот беринг.
7. Энергетика ва ҳисоблаш техникаси соҳаларида қўлланиладиган пластмасса маҳсулотлари ва уларнинг турлари ҳақида маълумот беринг.
8. Пластмасса маҳсулотларини танлаш шартлари ҳақида маълумот беринг.

7. Қаттиқ чиқиндилар манбаи ва турлари

Кимё саноати корхоналаридаги қаттиқ чиқиндилар физиковий ва кимёвий хоссалари ва атроф-мухитга таъсири юзасидан ниҳоятда хилма-хилдир. Бу чиқиндилар фаол моддалардан таркиб топтан бўлиб, тупроқда, ер ости ва ер усти сувларида, ҳамда атмосфера ҳавосига қўшилиб уларни ифлослантиради ва кўнгилсиз ҳодисаларни келтириб чиқаради.

Кимё саноатида қаттиқ чиқиндиларининг қуйидаги 3 манбалари маълум:

1. Xом ашёларнинг қолдиклари, ярим маҳсулотлар, материал ва буюмлар, хом ашёларга физиковий ва кимёвий ишлов бериш пайтида пайдо бўладиган маҳсулотлар, шунингдек қазиб олиш ва фойдали қазилмаларни бойитиш пайтида пайдо бўладиган чиқиндилар.
2. Табиий ва оқава сувлар таркибида ва ифлос газларни тозалашда ушлаб қолинадиган моддалар.

3. Уй-рўзгор чиқиндилари

Биринчи гуруҳдаги чиқиндилар ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлади. Материал ёки маҳсулот физиковий ва кимёвий хоссаларни тўла ёки қисман йўқотган бўлади. Маъданларга ишлов бериш жараёнида (масалан, апатито-нефелин маъданлари, калийли, сулфатли, фосфатли ва бошқа маъданларга ишлов беришда) ҳаммаси бўлиб 30-40% маҳсулот олинади, холос. Материалнинг қолган қисми чуқурликлар, хандаклар ва кукун йиғгичларда тошқол ва куйқум шаклида қолиб кетади.

Иккинчи гуруҳдаги чиқиндилар асосан газларни механик усулда тозалаш пайтида чанг ушлагич қурилмаларида пайдо бўлади. Бу чиқиндиларнинг миқдори нисбатан камроқ бўлиб, улар ишлаб чиқариш жараёнига қайтарилади. Филтрларда ёпишиб қолган чанглар филтрга профилактик хизмат кўрсатиш пайтида филтрловчи материал билан бирга чиқариб ташланади.

Маълумки, оқава сувларни механик усулда тозалаш пайтида чўкма ва лойқалар пайдо бўлади. Улар минерал ва органик моддаларнинг сувли суспензияларидан ташкил топган бўлади. Чўкмаларнинг оқава сувларидаги концентрациялари 20-100 г/л гача бўлиши мумкин, уларнинг ҳажми эса, саноат ва уй-рўзгор оқава сувларни биргаликда тозалаш станцияларида 0,5 % дан 5 % гача, маҳаллий тозалаш иншоотларда эса 10 % дан 30 % гача бўлади. Чўкмаларнинг таркиби ҳамда физиковий ва кимёвий хоссалари ҳар хил бўлиши мумкин. Шунинг учун уларни уч гурухга бўлиш мумкин:

1. Минерал чўкмалар.

2. Органик чўқмалар.
3. Ортиқча фаол лойқалар.

Маълумки, аэрация станцияларида оқава сувларни биологик усулда тозалаш пайтида панжаралардан ва биринчи тиндиргичдан нам (хом) чўқмалар олинади, иккинчи тиндиргичдан эса фаол лойқа олинади. Бу чўқмалар таркиби ва физиковий ҳамда кимёвий хоссалари жиҳатидан бири иккинчисидан фарқ қиласди. Нам (хом) чўқма – бу 6-7 хил моддалардан таркиб топган сувли суспензия бўлиб, 75% ни органик моддалар ташкил этади. Фаол лойқа эса 99% намлиқдан ва 1m^3 сувда 160 г биомассадан иборатdir.

Оқава сувларни тозалаш пайтида ҳосил бўлган чўқмаларни зарарсизлантириш мақсадида уларни маҳсус ўчоқларда куйдириб кукунга айлантирилади. Кўпгина ҳолатларда ушбу чиқиндилардан органоминерал ўғитлар олинади ва қишлоқ хўжалигида ишлатилади.

Учинчи гуруҳдаги чиқиндиларга ишлатиш муҳлатини ўтаб бўлган, эскирган, кўллашга яроқсиз ҳолатга келиб қолган пластмассалар, резиналар ва улардан тайёрланган плёнкалар, толалар, ўй-рўзгор буюмлари, металлар ва уларнинг котишмалари ва бошқа шунга ўхшашиб материаллар киради. Уларни қайта ишлаб турли хил маҳсулотлар олиш мумкин.

Ушбу муаммонинг экологик ва иқтисодий томонларини инобатга олиб, унга батафсилоқ тўхталиб ўтамиз.

Ҳозирги пайтда Ер аҳолиси, ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва саноат чиқиндилари экспоненциал қонун юзасидан қўпайиб бормоқда. Инсон фаолияти билан боғлиқ атроф-муҳитни ифлослантирувчи чиқиндилар Ер аҳолисининг ўсишига нисбатан тезроқ қўпайиб бормоқда. Масалан, йилига Япония 35 млн т., Россия 70 млн т. ва АҚШ 210 млн т. чиқиндиларни чиқариб ташламоқда. Жаҳон бўйича ўй-рўзгор чиқиндиларининг миқдори қарийб 3% ни, баъзи бир мамлакатларда эса бу рақам 10% ни ташкил этмоқда. Ахлатхоналарда йиғилаётган чиқиндиларнинг 10% ни қофоз ва картон, 3% ни эса шиша чиқиндилари ташкил этмоқда. Москвада йилига 3 млн т. қаттиқ чиқиндилар тўпланиб, уларнинг 80% ни ўй-рўзгор чиқиндилари ташкил этади. Демак, ҳар бир москвалик фуқарога йилига 270 кг ўй-рўзгор ахлатлари тўғри келади. Москвадан кунига қарийб 8500 т. ахлат чиқарилади, бу эса Нью-Йоркка нисбатан 3 маротаба камроқдир.

Учинчи гуруҳдаги чиқиндилар қаторига эскирган, ишлатиш муҳлатлари ўтаб бўлган, кўллашга яроқсиз ҳолатга келиб қолган автотранспорт воситалари ва шунга ўхшашиб қурилмалар ҳамда асбоб-ускуналар ҳам киради. Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларда 286 ва 386 тамғали компьютерларни қайта тиклаш ўрнига, уларни ривожланётган мамлакатларга сотиб, катта фойда кўрмоқдалар. Чунки уларни қайта тиклаш ёки ишлов бериш жараёни катта энергия ва маблагни талаб этади.

Ўй-рўзгор чиқиндилари гуруҳига картон, қофоз, ўраш қофозлари, қишлоқ хўжалик чиқиндилари, коммунал ва озиқ-овқат чиқиндилари киради. Шаҳарлардан чиқариладиган қаттиқ чиқиндиларнинг асосий қисми (37%) ни қофоз ва картон ташкил этмоқда. Ҳозирги пайтда шундай бир нотўғри ғоя мавжудки, гёё “қофоз маҳсулотлари тез парчаланадиган маҳсулот” экан. Қоғознинг парчаланишини тезлаштирадиган омиллардан бири - бу сувдир. Аммо амалда ахлатхоналарда сув қўйилмайди, чунки сув метан (CH_4) газини ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Қофоз эса йиллар давомида ахлатхоналарда чириб ётади.

Миқдор жиҳатидан иккинчи ўринда ошхона чиқиндилари туради.

Қаттиқ ўй-рўзгор чиқиндиларининг 5% ни сунъий ва синтетик материаллар (полиэтилен, полипропилен, поливинилхлорид, органик шиша ва улардан тайёрланган плёнкалар, толалар, ўраш плёнкалари ва бошқа буюмлар) ташкил этади. Пластикларнинг кўпгина турлари рециркуляция қилинмайди ва микроорганизмлар таъсирида парчаланмайди.

Ўй-рўзгор чиқиндиларининг 3% ни металлар ва шиша маҳсулотлари ташкил этади. Ёғоч парчалари, суяқ ва тошлар 1-2% ни ташкил этади, аммо синтетик мато ва газламалар 5% ни ташкил этади.

Бундан ташқари, хом-ашёни қазиб олишда ҳосил бўладиган ахлатлар алоҳида гурухни ташкил этса, ишлатиш муҳлатлари ўтаб бўлган ядрорий ёқилғилар чиқиндиси алоҳида гурухни ташкил этади. Маълумки, электр энергиясини ишлаб чиқариш учун хом-ашёлар (газ, нефт, қўмир ва б.) ни қазиб олиш ва уларни қайта ишлашдан чиқиндилар пайдо бўлади. Уларнинг таркибида радиоактив ва заҳарли чиқиндилар бўлиши табиий. Улар эса инсон

соғлиги ва атроф-мухит учун ниҳоятда хавфли ҳисобланади.

Шуни хам алоҳида таъкидлаш жоизки, охирги 5-10 йил ичида илмий журналларда ахлатларнинг янги бир тури-космик ахлатлар хақида фикрлар айтилмоқда. Дархақиқат, фазога чиқган астронавтлар у ёки бу материални беҳосдан қўлдан тушириб юборишлари мумкин. Бу материаллар (омбир, қўлқоп, ўтказгичлар, болт, гайка, шуруб ва б.) катта тезлик билан учётган космик станцияга урилиб, космик кемани ҳалокатга учратилиши мумкин. Шунинг учун яқинда Халқаро космик станцияси ўз орбитасидан бошқа орбитага кўчирилди. Жаҳон миқёсида бундай фалокатлар 4 маротаба кузатилган. Бундан ташқари, охирги йилларда нафақат фазо, балки океанлар ҳам “Халқаро ахлатхона” га айлантирилди. Масалан, яқинда оғирлиги 150 тонна бўлган “Мир” космик станцияси ишлаш муҳлатини ўтаб бўлгандан кейин Тинч океанида чўктирилди. Маълумотларга қараганда, ер орбитасидаги барча чиқиндиларнинг 95% ни ишдан чиқсан сунъий йўлдошлар, астронавтларнинг қўлқоплари ва шунга ўхшаган ахлатлар ташкил этмоқда. “Космик ахлатлар” нинг 75% Россия улушига тўғри келади. Бундай ахлатлар нафақат Ер ахолиси учун, балки фазода ишлаётган барча космик кемалар, сунъий йўлдошлар ҳамда шатллар учун ҳам катта хавф туғдиради.

Таниқли олим ва фантаст - ёзувчи Артур Кларк сўзлари билан айттанди “қаттиқ чиқиндилар - бу шундай хом-ашёки, биз нуқул нодонлигимиз туфайли ишлатмаймиз!”.

Саноат корхоналаридан чиқадиган чиқиндилар ва ахлатларнинг заарсизлантириш энг катта экологик муаммо бўлиб қолмоқда. Уларни заарсизлантиришнинг ягона, аммо унча самарали бўлмаган усуllibаридан бири - уларни кўмиб ташлаш ҳисобланади. Бу усул ниҳоятда эски ва кенг тарқалган бўлиб, дунё мамлакатлари айнан мана шу усулдан фойдаланиб келмоқдалар. Масалан, Буюк Британияда 90%, АҚШ да 84%, Япония да эса 57% ахлатлар ахлатхоналарда самарасиз чириб ётади. Умуман олганда жаҳон миқёсида чиқиндиларнинг ўртача 74% ахлатхоналарда чирийди.

Идеал ахлатхона - бу мураккаб муҳандислик иншоотларининг мажмуаси бўлиб, унинг туби полиэтилен билан қопланади. Ахлатларнинг ҳар бир қавати босим остида зичлантирилади, унинг устида 1 қават тупроқ, кейин лой ётқизилиб, яна плёнка билан усти ёпилади. Ахлатхонанинг тагидан оқиб келадиган суюқликларни йиғиб олиб, қайта ишлаб чиқаришга юборилади. Ахлатхона майдони ахлатлар билан тўлганда уни тупроқ билан ёпиб, лой ётқизиласди ва унда ўсимликлар ўстирилади. Ҳатто АҚШ ва Англияда бундай жойларда голф ўйнайдиган майдончалар яратилган. Фақат Москва шахрининг ўзида 90 та умуман жиҳозланмаган ахлатхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг умумий майдони 300 гектарни ташкил ётади.

Саноат корхоналаридан чиқадиган чиқиндилар ва ахлатларнинг заарсизлантиришнинг иккинчи усули - уларни куйдириш ҳисобланади. Ҳозирги пайтда Францияда 35% ва Японияда 40% ахлатлар куйдирилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ахлатларни куйдириш усулининг иккита афзаллиги мавжуд: биринчидан, куйдирилганда ахлатларнинг ҳажми 2-10 маротабагача кичиклашади; иккинчидан, ахлатларни куйдириш пайтида ажралиб чиқган иссиқликдан фойдаланиш мумкин. Аммо бу усулнинг камчилиги шундан иборатки, куйдиришдан кейин пайдо бўлган кукун таркибида заҳарли моддалар ҳам бўлади. Хусусан синтетик материалларни куйдириш пайтида кучли мутагенлар ва канцерогенлар ҳисобланган диоксинлар ва кучли заҳарли моддалар ажралиб чиқади. Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, 6-10 г диоксин инсонинг ҳалокатига учратиш қобилиятига эга.

Юқорида баён этилган ҳар иккала усул (ахлатларни кўмиш ва куйдириш йўли билан заарсизлантириш), 80 чи йилларда АҚШ да синаб кўрилди. Маълум бўлишича, ахлат ёндирувчи заводни қуриш учун алоҳида майдонни топиш, ахлатхона майдонини топишдан осон эмас экан. Бундан ташқари, ахлатларнинг ёндириш таннархи уларнинг кўмишга сарфланадиган харажатлардан кам эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, охирги йилларда уй-рўзгор ахлатларини заарсизлантириш ва улардан унумли фойдаланиш мақсадида нисбатан янги ва самарали ҳисобланган биотехнологик ишлаб чиқариш усули қўлланилмоқда. Лекин ушбу усул ниҳоятда кам тарқалгандир. Чунки ахлатларга ишлов беришдан олдин, уларни навларга ажратиш лозим бўлади. Бу эса катта маблағни талаб қиласди.

Биотехнологиянинг моҳияти шундан иборатки, чиқиндилар микроорганизмлар таъсирида парчаланади. Натижада ҳосил бўлган компост енгил ўғит сифатида қўлланилади. Аммо унинг таркибида тупроқни ифлослантирувчи қалай ва мис мавжуд. Бу усул катта маблағни талаб қиласди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, чиқиндиларга иккинчи маротаба ишлов бериш ва улардан самарали фойдаланиш – “яшиллар” нинг энг хуш кўрадиган ишлариdir, чунки чиқиндилардан ёқилғи ёки дастлабки хом-ашё сифатида қўллаш мумкин. Масалан, пластмасса идишлардан қайта қўллаш натижасида органик хом-ашё ҳисобланадиган полимер маҳсулотини тежаш мумкин, электр энергияси кам сарф бўлади, демак бундай “чиқиндилар” дан катта иқтисодий фойда кўриш мумкин. Маълумотларга қараганда, 1млн т. қоғоз чиқиндилари (макалатураси) 60 гектар дарахтзорларни кесишдан сақлайди, ишлатилган пластмасса эса панжара ёки девор ясашда ниҳоятда керакли хом-ашё бўлади. Ҳозирги вақтда Японияда фақат иккиламчи хом ашё ҳисобига 65% даврий матбуот (рўзнома ва ойномалар) нашр қилингани.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда чиқиндилар ва ахлатлар билан шуғулланиш уларнинг иқтисодиётини янги тармоғига айланиб қолди. Чунки, биринчидан, чиқиндилардан иккинчи маротаба қўллаш натижасида хом-ашё тежалади, иккинчидан, катта иқтисодий фойда кўриш мумкин. Шунинг учун чиқиндилардан қайта фойдаланиш бозори ниҳоятда кенгайиб, хатто хусусий трансмиллий компанияларни ўзига жалб этмоқда. Бу компаниялар йирик аҳоли пунктларидан узоққа жойлашган бўш ва арzon жойларга йирик заводларни куриб, чиқиндиларга ишлов бериб, янги маҳсулотлар ишлаб чиқарайтилар ва катта иқтисодий даромадга эга бўляйтилар. Фақат Олмонияда йилига 40 млрд доллар чиқиндилар ҳисобига даромад қилинади. Маҳсулотларни ўраш саноатида товар айирбошлиш йилига 48 млрд немис маркасини ташкил этади. Бир маротаба ишлатиладиган маҳсулотларнинг бозори кун сайин кенгайиб бормоқда. Бир тонна чиқиндиларни ёндириб 5 минг м³ дан кўпроқ газсимон чиқиндилар ҳосил бўлади. Уларнинг таркибида заҳарли моддалар (масалан, диоксинлар) ниҳоятда кўп бўлади. Олмония саноатида йилига 15 млн т. хавфлилик даражаси юқори бўлган заҳарли чиқиндилар (лок қуйкумлари, кимёвий моддалар, бўёқ чиқиндилари, чанглар, эритувчи моддалар, филтрлардан чикадиган чиқиндилар ва бошқалар) пайдо бўлади.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, йилига ер аҳолисининг одам бошига 1 тонна ишлаб чиқариш ва уй-рўзғор чиқиндилари тўғри келади. Тошкент вилоятида эса бу кўрсаткич 2 баробар кўпдир. Ҳозирги пайтда фақат Олмалиқ кимё заводида 60 млн тоннадан кўпроқ чиқиндилар йиғилиб қолган. Улардан қайта ишлашга ҳаммаси бўлиб 1% сарфланади, холос.

Республикамиз ишлаб чиқариш корхоналарида фосфогибсдан тоза гибс олиш учун янги технологиялар жорий этилди. Ангрендаги “Узкартонтара” ЖЖ да қоғоз чиқиндилари (макалатура), бугдой похоли, шоли похоли, ғўза пояси қайта ишланиб, улардан қоғоз, картон, ёғоч-қиринди плиталари ишлаб чиқармоқда.

Янги йўлдаги “Мехнат” корхонаси ахлатлар ва чиқиндиларни навларга ажратиб, уларга ишлов беришга киришди. Ҳозирги пайтда ушбу корхона пластмасса чиқиндиларидан тутма, кутти ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, республикамиз миқёсидаги ягона уй-рўзғор чиқиндиларига ишлов бериш заводи лойихадаги камчиликларни тузатилмаганлиги туфайли тула қувват билан ишламаяпти.

Маълумки, Асака автомобил заводининг йиллик ишлаб чиқариладиган “Тико”, “Дамас” ва “Нексия” тамғали автомобиллари микдори 200 минг донани ташкил этади. Заводнинг асосий ишлаб чиқариш обьектлари -инструментал цехи, пресслаш цехи, пайванлаш цехи, йиғиш цехи ва бўяш цехи ҳисобланади. Заҳарли чиқиндиларнинг асосий микдори бўяш цехида ва заводдаги ҳар иккала қозонхоналарда пайдо бўлади. Бўяш цехидаги қуритиш ўчокларида ёнгинни автоматик бошқариш системалари мавжуд бўлиб, улар ёқилғи сарфини ва чиқиндилар микдорини камайтириш имконини беради. Завод корхоналарида толуол ва бўёқ заррачаларини ёндириб юбориш қурилмалари мавжуд бўлиб, уларда куруқ циклонлар ва Вентури скрубберлари ўрнатилган.

Пайвандлаш цехида электроконтакт пайвандлаш усули кенг қўлланилади ва бу усул

захарли чиқиндилярнинг миқдорини камайтириш имконини беради. Қозонхоналарда эса азот ачималарини ўчириш усули билан заҳарли чиқиндилярнинг миқдори минимумга етказилади.

Қайтарма сув таъминоти системасини қўллаш натижасида “УзДЭУ” корхоналарида суткасида 2,6 минг м³ сув тежаб қолинмоқда.

Асака автомобиль заводидаги саноат чиқиндиляри қўйидаги 4 гурухга бўлинади:

1. Фойдаланишга қайта тикланадиган қаттиқ материаллар. Бу гурухга металл чиқиндиляри, арраланган ёғоч ва картон маҳсулотлари, полиэтилен пленкаклари ва бошқалар киради.

2. Фойдаланишга қайта тикланмайдиган қаттиқ материаллар. Улар полигонларда кўмилади.

3. Фойдаланишга қайта тикланадиган суюқликлар. Улар филтрланади, тозалаб қайта ишлов берилади.

4. Фойдаланишга қайта тикланадиган газлар.

Улар заҳарсизлантирилади ва тозаланади.

Ҳозирги пайтда автозавод чиқиндилярини заарсизлантириш ва кўмиб ташлаш мақсадида Ниёз Ботир посёлкасида полигон қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Назорат саволлари

1. Кимё саноатида қаттиқ чиқиндилярнинг асосий манбалари ҳақида маълумот беринг.

2. Чўкма ва лойқалар ҳамда уларнинг турлари, заарсизлантириш усуллари ёки қўлланиш соҳалари ҳақида маълумот беринг.

3. Уй-рўзғор чиқиндиляри, турлари, ҳажми ва заарсизлантириш йўлларини тушунтиринг.

4. “Космик ахлатлар” ҳақида маълумот беринг.

5. Чиқиндилярнинг кўмиб ташлаш ва кўйдириш технологик жараёнларини изохлаб, экологик ахамиятларини тушунтиринг.

6. Нима учун ривожланган мамлакатларда чиқиндиляр билан шуғулланиш анъанага айланиб қолмоқда?

7. Республикамиз миқёсида чиқиндилярдан қайси маҳсулотлар ишлаб чиқарилаяпти?

8. Асака автомобиль заводидаги саноат чиқиндилярининг турлари ҳақида маълумот беринг.

8. Чиқиндилярни механик ва термик қайта ишлаш усуллари

Маълумки, ишлаб чиқариш корхоналаридан турли хил чиқиндиляр ва шу билан бирга зарарли моддалар ажралиб чиқади. Масалан, рангли металлургия саноатидан – рангли металл тузлари, машинасозлик корхоналаридан-цианитлар, бериллий бирикмалари, маргимуш ва ҳоказолар, кимё – саноатидан бензин, эфир, фенол метилакриат, стирол, хлорбензол, катронлар ва ҳоказолар, целлюлоза - қоғоз ишлаб чиқариш корхоналаридан метил спирти, сквидар, фенол ва бошқалар, пластмасса ва синтетик каучук ишлаб чиқариш корхоналаридан давлат стандартларига мос келмайдиган маҳсулотлар, масалан, фижимланган плёнкалар, турли диаметр ва узунликка эга бўлган сиртида тирқишлиар, ёришмалар ва ғадир - будирликлари бўлган маҳсулотлар йиғилиб қолади. Бундай чиқиндиляр суюқ ҳолатда ҳам, қаттиқ ҳолатда ҳам бўлиши мумкин. Уларнинг турлари ниҳоятда кўп, хавфлилик даражалари хилма-хил, йиллар давомида секин-аста йиғилиб, нафақат атмосфера ҳавосини, балки ер ости сувларини ҳам ифлослантиради.

Бундан ташқари, қаттиқ ва суюқ чиқиндиляр гурухига саноат корхоналари чиқиндиляридан ташқари, гунг, уй-рўзғор ва шаҳар чиқиндиляри ҳам киради. Уларнинг ҳажми, таркиби, механик, физик, биологик ва кимёвий хоссалари, шунингдек, йиғилиш меъёрлари ҳам хил бўлиши мумкин.

Ҳозирги пайтда саноат корхоналарининг энг асосий муаммолари технологик жараёнларни такомиллаштириш, чиқиндиляр миқдорини камайтириш, хом-ашёларни ва ёқилғиларни тежаш, ишлаб чиқаришда истрофгарчиликка йўл қўймаслик чора-тадбирларини

ишлиб чиқиши, юқори унумли янги технологиялар, чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологияларни амалга жорий этишдан иборатdir.

12.1.007-76 ДАВАН бўйича саноат чиқиндилари уларнинг захарлилиги ва ташқи мухитга хавфилилиги юзасидан 4 гурухларга бўлинади.

1. Фавқулодда хавфли. Бу гурухга асосан заҳарли газлар ва суюқликлар киради.

2. Жуда хавфли. Чиқиндилар таркибидаги симоб, маргимуш, хром, қўрғошин, азот, туз ва бошқалар ўзининг хавфилилиги билан ушбу гурухга тўғри келади.

3. Ўртача хавфли. Чиқиндилар таркибидаги мис сулфати, миснинг шавел кислотали тузлари, никелнинг хлорли тузлари, қўрғошин оксиди ва бошқалар ўзининг хавфилилиги билан ушбу гурухга тўғри келади.

4. Кам хавфли. Чиқиндилар таркибидаги фосфатлар, марганец, рухнинг сулфат тузлари ва бошқалар ушбу гурухга мансубдир.

Кейинги йилларда зарарли чиқиндилардан халқ хўжалигида фойдаланиш чоратадбирлари ишлиб чиқилди. Бунинг учун гигиеник қоидаларга амал қилинади, чиқиндилардан аҳоли соғлигига ва атроф-мухитга зарар етмаган ҳолда фойдаланилади.

Саноат чиқиндилари минерал ва органик ўғитлар, курилиш материаллари ва баъзи бир маҳсулотларни тайёрлашда хом-ашё сифатида ишлатилади. Масалан, кимё ва нефт саноати корхоналаридан чиқадиган куйқум (шлам) лар қолдиқ қатламларининг 1 млн тоннаси қайта ишланса, ундан 4300 тонна кобалт олиш мумкин. Металлургия комбинатлари тошқол (шлак) ларидан ва иссиқлик энергияси ишлиб чиқарадиган корхоналарнинг чиқинди кулларидан минерал ўғитлар, цемент ва ниҳоятда ўтга чидамли минерал толалар олиш мумкин. Уларнинг бетон куйиш учун тўлдиргич сифатида ишлатиш мумкин, улардан кислоталар таъсирида чидамли изоляция материаллари тайёрлаш мумкин.

Саноат чиқинди сувларини маълум меъёрларда кишлоқ хўжалиги экинларини суфориш мақсадларида ишлатса бўлади. Аммо саноат миқёсида шундай чиқиндилар ҳам бўладики, улардан фойдаланишнинг иложи йўқ. Уларни ёқиши ёки қиздириш усуллари билан зарарсизлантирилади ва мўлжалланган пролигонларда кўмилади. Масалан, йилига 65 минг тонна ахлатларни қайта ишлиб, азотли органик ўғитларни қишлоқ хўжалиги эҳтиёжи учун ишлиб чиқарадиган завод Санкт-Петербург шаҳрида курилган. Ахлатлар таркибидан темир, пластмасса, тошлар, шишалар ва бошқа қаттиқ материаллар ажратиб олингандан кейин, улар узунлиги 60 м ва диаметри 4 м бўлган айланувчи барабанга солинади. Ушбу биобараабанда ахлатлар аралаштирилади, 1-3 кундан кейин маълум даражада намлик берилади ва биокимёвий жараёнлар натижасида ҳарорат 50-60°C гача етади. Ушбу ҳарорат таъсирида микроорганизмлар фаолияти туфайли ахлатлар компостга айланади.

Ҳозирги пайтда саноати ривожланган мамлакатларда суткасига 600-700 тонна ахлатларни ёндирувчи заводлар қурилмоқда. Бундай заводларни аҳоли туар жойларидан 300-500 м узоқроқ масофаларга кўриш мумкин, чунки уларнинг ўчофида чиқиндилар 1000-1300° С атрофида ёнади ва ахлатлар бундай юқори ҳароратда ёнганда тутун чиқмайди, кули эса чанг ушлагич қурилмалари ёрдамида ушlab қолинади. Ҳосил бўлган иссиқликдан ҳаммомларда, корхоналарда ва электр энергияси олиш учун ишлатилади.

Агар чиқиндилар ўта заҳарли (симоб, маргимуш, сарик фосфор, цинил кислотаси) ва сувга эрувчан бўлса, унда улар ерда ковланган ўраларда девори 10 мм қалинликда тайёрланган контейнерлар билан бирга кўмилади. Уранинг таги, усти ва иккала ён томонлари бетонлаштирилган бўлади.

Ўралар 2-2,5 м қалинликда лой билан тўлдирилади, кейин ўсимликларни ўстириш учун тупроқ тортилади.

Агар чиқиндилар ёнувчан бўлса ва уларни қайта ишлаш қийин бўлган ҳолатларда чиқинди сувдан ажратиб олинади, ёндириш ўчокларига юборилади ва форсункалар ёрдамида ҳаво бериб ёндирилади. Чиқиндиларни ёндириш ўчоғларида ҳарорат 1300° С га етади ва бундай иссиқлик энергиясидан фойдаланиш мумкин.

Бундай полигон Тошкент вилоятининг Газалкент шаҳри яқинида ҳам курилган.

Органик суюқ чиқиндилар (эмулсиялар, ишлатилган лок ва бўёқ қолдиклари, фенол сувлари, эпоксид катронлари, қора мойлар, пластмасса ва резина қолдиқлари ва ҳоказолар) 15 метрли чукур ўраларга кўмилади.

Назорат саволлари

1. Саноат корхоналаридан қайси чиқинди турлари чиқиши мумкин?
2. Саноат чиқиндиларини неча гурухларга бўлиш мумкин?
3. Кимё ва нефт саноати корхоналаридан чиқадиган чиқиндилардан қайси маҳсулотлар олиш мумкин?
4. Ахлатларнинг ёндириш йўли билан зарасизлантиришнинг экологик ва иқтисодий аҳамияти нималардан иборат?
5. Ўта заҳарли чиқиндиларни зарасизлантириш усули ҳақида маълумот беринг.

9. Толалар ҳакида умумий маълумот

Маълумки, инсоният бундан 5 минг йил илгари кейим – бош ва уй-рўзғор буюмларини ишлаб чиқаришда табиий ва минерал толалардан кенг фойдаланиб келган, ҳайвонот жунидан ва ипак қурти толасидан газламалар тўқишини билган.

Табиий толалар юқори молекуляр табиий органик моддалардан –ўсимликлардан ва ҳайвонот жуни ва момифидан олинади. Ўсимликларнинг уруғидан (пахта чигитидан), поясидан (зигир толаси, каноп, жут, пенка), баргидан (юкка тола, абака, сизал, формиум), мевасидан (ласточник толаси, койр), шунингдек, тут ва эман ипак қурти пиллаларидан олинадиган толалардан тўқимачилик саноатида нафис ва дағал газламалар тайёрланади. Масалан, луб толали ўсимликлардан бири зигир поясидан олинадиган тола ингичка, мустаҳкам, кам чўзилувчан ва гигроскопик хусусиятига эга эканлиги учун унинг ипидан қоп-қанор, кийим-кечак, техника мақсадлари учун газламалар, дағал поя толаси-пенкадан арқонлар, дағал газламалар тайёрланади. Жут толаси каноп толасига ўхшашлиги сабабли ундан кўпроқ шакар, гурунч ва қанд коплари тикилади. Жун ва ипакли кийим-кечак ва газламалар тайёрлашда табиий органик толалардан қимматли хом-ашёлар сифатида фойдаланилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, табиий органик толалар сув ва ёруғлик таъсирига чидамли бўлсаларда, аммо оловга чидамли эмас. Шунниг учун хам улар техника талабларига тула жавоб беролмайди.

Табиатда ўтга чидамли 2 хил тола мавжуд:

1. Каноп толаси (сувга чўқмайдиган “ўсимлик жуни”);
2. Асбест толаси (ёнмайдиган “тоғ зифири”).

Канопдан товуш ва иссиқликни ўтказмайдиган материаллар тайёрланади.

Табиий органик толалар юқори молекуляр бирикмалар, яъни полимерлардан тузилган бўлиб, уларнинг узун ёки тармоқланган молекула занжирлари ўзаро мустаҳкам бириккан углерод атомларидан, шунингдек, кислород, водород, азот, олтингугурт каби элементлардан иборатdir. Агар полимер молекуласининг асосий занжирида кремний, фосфор, азот атомлари мавжуд бўлса-ю, аммо унда углерод учрамаса, бундай бирикмалар анорганик полимерлар гурухига киради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, табиий органик ва анорганик полимерлар бир-бирларидан кескин фарқ қиласи.

Табиий органик полимерларни қайта ишлаб толалар олиш мумкин, аммо улардан олинган материаллар иссиқлик таъсирига чидамсиздир. Масалан, уларни 200°C дан юқори ҳароратда қиздирилганда, атом занжирларидағи кимёвий боғлар парчаланиб, уларнинг мустаҳкамлиги кескин пасайиб кетади. Бундан ташқари, табиий органик полимерлар микроорганизмлар таъсирига ишқор, кислота ва бошқа кимёвий моддалар таъсирига бардошли эмас.

Анорганик табиий полимерлар эса юқори ҳароратлар таъсирига чидамли бўлиб, ўтда ёнмайди, микроорганизмлар таъсирига бардошли. Аммо улардан тола ишлаб чиқариш жараёнлари анча мураккаб бўлиб, юқори ҳарорат (1000°C дан юқори ҳарорат) ни талаб қиласи. Бу эса, ўз навбатида, ёқилгининг кўп сарф бўлишига ва маҳсулот таннархининг кескин ошишига олиб келади. Бундан ташқари, анорганик полимерлар ниҳоятда мўрт бўлиб, сув ва намлик таъсирида ўз мустаҳкамлигини пасайтиради.

Асбест юононча asbestos сўзидан олинган бўлиб, “сўнмайдиган”, “емирилмайдиган” деган маъноларни англатади. Асбест $[3(Mg,Fe)O \cdot CaO \cdot 4SiO_2]$ силикатли минерал бўлиб, ўтга

чидамли, кислота таъсирига бардошли, иссиқлик ва электр токини ўтказмайди ва анорганик табиий полимерлар гурухига мансубдир.

Асбест икки хил бўлади: серпентин (хризотил) ва амфибол асбест. Асбестли минераллар кимёвий таркиби бўйича сувли магний ва темир силикатидан, қисман калций ва натрий силикатидан иборат (жадвал).

Кимёвий таркиби ва муҳим хоссалари	Хризотил асбест	Крокидилит асбест (амфибол асбест)
SiO ₂ , %	42	51
Al ₂ O ₃ , %	0,5-1,3	-
Fe ₂ O ₃ , %	1-4	20
FeO, %	0,5-2,0	18
MgO, %	40-43	2
Na ₂ O, %	излари	6,1
H ₂ O, %	12-13,5	3
Зичлиги ρ , г/см ³	2,3-2,6	3,2-3,3
Ўртча тола қалинлиги, мкм	0,026	0,9-1,8
Узилиш пайтидаги мустаҳкамлиги, Мпа	2400-3170	3310
Суюкланиш ҳарорати, °C	1500	1450
Сувсизланиш ҳарорати, °C	800	540-600

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, саноатда фойдаланилайдиган асбестнинг 95% ни хризотил - асбест ташкил этади, чунки у кислота ва ишқорлар таъсирига ниҳоятда чидамлидир. Бундан ташқари, экологик нуқтаи назардан шуниси дикқатга сазоворки, асбест 1500°C да суюқланади, натижада газлар ажралиб чиқади, чунки ҳарорат 800°C га етганда асбест таркибидаги сувлар буғланади.

Асбест саноатда қўлланилиши жиҳатидан қўйидаги З турга бўлинади.

1. Толаларининг узунлиги 8 мм дан ортиқ бўлган асбест. Бундай асбест толаларни тўқимачилик асбести дейилади ва асосан газламалар тўқиши учун ишлатилади. Бундай газламалардан ўтга чидамли кийимлар, театр саҳналарининг пардалари, брезент, автомобил тормоз ленталари, фільтрлар ва бошқа асборезина буюмлари тайёрланади.

2. Толаларининг узунлиги 2 мм дан 8 мм гача бўлган асбест. Бундай толалардан асбоцемент буюмлар, шифер, канализация қувурлари, сув, нефт ва газ қувурлари, асбест картони, қоғоз, иссиқлик ва электр токини ўтказмайдиган изоляцион материаллар ишлаб чиқарилади.

3. Толаларининг узунлиги 0,2 мм дан 2 мм гача бўлган асбест. Бундай асбест толаларни қурилиш ва цемент асбести дейилади. Улардан ўтга чидамли қурилиш материаллари ва иссиққа чидамли буюмлар тайёрлашда қўлланилади.

Саноатда асбест толаларига пахта толаларини ўриб, пишишиб асбест иплари олинади. Бир неча асбест ипларини ўриб, пишишиб асбест шнурлари ҳосил килинади. Асбест иплари ва шнурлари зичлагич ва иссиқлик ўтказмайдиган материаллар сифатида ишлатилади.

Асбест толалари қўшилган маҳсулотлар, хусусан чиқиндилардан тайёрланган маҳсулотлар халқ хўжалигининг турли тармокларида кенг қўлланилади. Масалан, цементга ингичка асбест толаларини аралаштирганда ундан тайёрланган буюмларнинг мўртлиги камайиб, қайишқоқлиги ва зарбага чидамлилиги ортади. Асбопластлар шиша толаси, пахта толаси каби тўлдирувчилар қўшилган пластмассалардан, иссиқлик таъсирига чидамлилиги, электр токини ўтказмаслиги ва ишқаланиш коэффициентининг юқорилиги билан фарқ қиласи.

Саноатда асбест толаларини катронга шимдирилиб, асбопласт олинади. Асбопластдан чивик тарзида мустаҳкам электр арматуралари, кислота ва ишқорлар таъсирига чидамли қувурлар ва кимё аппаратлари тайёрланади.

Асбест фойдали қазилма сифатида халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга. Асбестдан нафақат соф, тоза ҳолатда, балки тўлдиригич сифатида ҳам кенг фойдаланилади. Асбест тўқимачилик, цемент, қоғоз, резинатехника, қурилиш, электротехника саноатларида

шунингдек, пластмасса, термоизоляцион материаллар ишлаб чиқаришда муҳим хом-ашё ҳисобланади.

Дунёда саноат аҳамиятига молик бўлган асбест конлари Урал, Қозоқистон, Тува, Автоном Республикаси, Италия, Канаданинг Тенфорд вилояти, Жанубий Родезия, Фарбий Австралия ва Боливияда мавжуд. Лекин табиий асбест заҳираларининг чегараланганини сунъий асбест олиш ва ундан хом-ашё сифатида фойдаланиш муаммосини ҳал этишини тақозо этмоқда.

10. Кимёвий толлар ишлаб чиқаришнинг афзаликлари

Маълумки, охирги 20-30 йил давомида ҳалқ ҳўжалигининг кимёвий маҳсулотлардан ва хусусан, кимёвий қайта ишлаш усулларидан фойдаланадиган тармоқлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Кимёвий маҳсулотларни ҳалқ ҳўжалиги эҳтиёжларига пропорционал равишда ишлаб чиқариш кўпаймоқда. Агар 1975 йилда дунё миқиёсида 10 млн. тоннадан кўпроқ кимёвий тола (сунъий ва синтетик толалар) ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирги даврда кимёвий тола ишлаб чиқариш ҳажмини 35-45 млн. тоннага етказиш кўзга тутилган. Аммо табиий толалар (жун, пахта, ипак) асосида шунча миқдордаги тўқимачилик хом-ашёсини ҳосил қилиш ўзига хос қийинчиликларни туғдиради. Биринчидан, ер шарининг барча майдони ушбу миқдорда толали экинларни йиғишириш, ўстириш имкониятига эга эмас. Агар ҳар бош кўйдан йил давомида 2 кг дан жун олинса, у ҳолда фақатгина 10 млн. тонна тоза жун ишлаб чиқариш имконияти ҳам йўқдир. Иккинчидан, чорвачиликни ривожлантириш учун ем-хашак заҳираларини яратиш, касалликларнинг олдини олиш ва керакли зоветеренария шароитларини яратиш керак бўлади.

Шуни айтиб ўтиш ўринлики, битта ипак курти 1г га яқин ипак беради. Пиллачиликни ривожлантириш учун эса тутзорларни яратиш, алоҳида иклим шароитлари ва агротехник қонун-қоидаларига тўла амал қилишни талаб қиласди. Пахта эса секин ўсади, унга эса жуда кўп Куёш нури, иссиқлик, сув, минерал ва органик ўғитлар керак. Шунинг учун ипак, пахта, жун, каноп толаларига ўхшайдиган, уларнинг ўрнида ишлатса бўладиган сунъий толалар яратиш муаммоси кўндаланг бўлиб турибди.

Ҳозирги пайтда кимёвий толалар техникада ва кундалик ҳаётимиизда кўп ишлатиладиган материал бўлиб, тўқимачилик саноатида асосий хом-ашёлардан бирига айланди.

Кимёвий толаларни ҳалқ ҳўжалигидаги аҳамияти қуидагилардан иборат:

1. Табиий толаларга хос бўлмаган янги хоссаларга эга бўлган кимёвий толалар техникада ва кундалик ҳаётда ишлатиладиган маҳсулот хилларини кўпайтиришга имкон беради.

Масалан, жун билан нитрон толаларини аралаштириб костюм-шимлар, палтолар ишлаб чиқарилиши кўпчиликка маълум.

2. Кимёвий толаларни ишлаб чиқариш учун қулай ва арzon хом-ашё заҳиралари (ёғоч ва пахтадан олинадиган целлюлоза, кўмир, нефт, табиий газлар ва уларни қайта ишлаш маҳсулотлари, анорганик силикатли полимерлар) мавжуд.

3. Кимёвий толалар ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш ишлаб чиқариш маҳсулот таннархини янада камайтиришга ва уларнинг табиий толалардан афзалигини оширишга имкон беради.

4. Кимёвий толалар ишлаб чиқаридиган корхонанинг географик ва иклим шароитларига боғлик эмаслиги уни Республикамизнинг ҳар қандай минтақасида жойлаштириш имконини беради. Масалан, нитрон толаси ишлаб чиқаридиган Малик чўлида қурилган “Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли кимё комбинатида хом-ашё сифатида Газли табиий гази, атмосфера ҳавосидан ва Зарафшон дарёси сувидан фойдаланилади.

5. Кимёвий тола ишлаб чиқариш саноати табиий тола ишлаб чиқариш саноатига қараганда кам маблағ талаб қиласди ва кам меҳнат сарф бўлади. Масалан, бир тонна тозаланган пахта толаси етиштириш учун қишлоқ ҳўжалигига ва пахта тозалаш заводида ҳаммаси бўлиб 238 иш куни сарфланса, бир тонна кимёвий синтетик тола ишлаб чиқариш учун 56 иш куни сарфланади, яъни 4 маротаба кам меҳнат талаб қилинади. Фўзага ишлов беришдан тортиб, чигитдан бир тонна пахта толаси ажратиб олгунга қадар 200 иш куни, бир

тонна саваланган жун олиш учун эса 350-400 иш куни сарфланади. Ваҳоланки, бир тонна вискоза штапел толасини олиш учун целлюлоза ва бошқа керакли хом-ашёларнинг олинишига сарфланган меҳнатни қўшиб ҳисоблаганда кўпи билан 50 иш куни сарф бўлади. Бундан ташқари, суткасига 100 тонна штапел тола ишлаб чиқарадиган заводнинг бир йилда чиқарадиган тўқимасига 220 минг гектардан йиғиб олинган зигирпоя ёки 50 минг гектар майдондан олинган пахта керак бўлади. Ҳисоб-китобларга қараганда, 2 тонна сунъий жун 500 минг қўйлардан олинадиган табиий жунга tengdir.

Назорат саволлари

1. Табиий толалар ҳақида маълумот беринг.
2. Ўтга чидамли толалар ва уларнинг қўлланиш соҳалари ҳақида маълумот беринг.
3. Табиий, органик ва анорганик толаларнинг фарқи нимада?
4. Асбест ва унинг турлари ҳамда қўлланиш соҳалари ҳақида маълумот беринг.
5. Кимёвий толалар ишлаб чиқаришнинг афзалликлари нималардан иборат?

11. Кимёвий толалар ишлаб чиқариш технологик жараёнлари

Кимёвий толалар табиий ва синтетик толлардан фарқ қиласди.

Синтетик толалар ишлаб чиқаришда даставал оддий молекуляр моддалар (мономерлар ёки олигомерлар) дан синтез йўли билан полимерлар ҳосил қилиниб, сўнгра бу полимерлар толаларга айлантирилади. Масалан, полиамиди, поливинилли, полизифири, полиуглеродли ва бошқа синтетик толалар оддий бирикмалар, яъни мономерлардан синтез қилинган юқори молекуляр полимерлардан олинади. Синтетик толалар орасида капрон, анид (найлон), лавсан (терилен), нитрон (орлон), хлорин ва саран толалари кенг тарқалган.

Анорганик бирикмалардан олинган толалар – шиша, металл, базалт ва кварц толалар эса кимёвий толалар гурухига мансубдир. Демак, кимёвий толалар табиий ва синтетик полимерлардан олинадиган толалардир.

Вискоза, ацетат толалар, мис-аммиакли толалар ва оқсил толалар (целлюлоза, сут ёки ўсимлик оқсилларидан олинадиган толалар) сунъий толалар гурухига мансубдир. Демак, улар табиий полимерларга кимёвий ишлов бериш йули билан олинади.

Биринчи маротаба машҳур инглиз олимни Роберт Гук 1665 йилда сунъий усулда ипак қурти ҳосил қиласиган ёпишқоқ массага ўхшаш елимсимон моддани олиш ҳамда ундан ингичка толалар йигириш тўғрисидаги ғояни айтиб ўтган эди. Бу ғоя қарийб 200 йилдан кейин амалга ошиди.

Нитрошойи қуйидаги усул билан ҳосил қилинган эди: кимёвий усул билан целлюлозани эрувчан ҳолатга ўтказиб, дастлабки кимёвий тола олинади. Бунинг учун целлюлозага нитрат кислотаси билан ишлов берилади. Бунда нитрат кислота ва целлюлоза эфири - нитроцеллюлоза ҳосил бўлган эритмани 0,1 мм диаметрли шиша най тешикчалари орқали сувли идишга сиқиб чиқарилади. Спирт ва эфир сувда ажralиб, нитроцеллюлоза ип кўринишида ҳосил бўлади. Тунғич кимёвий тола - нитрошойи шу тариқа яратилган эди.

Кимёвий толалар тўқимачилик саноатида филамент тола ёки калта -калта қилиб қирқилган толачалар шаклида (штапел толаси) олинади. Бу толалар ишлатилишига қараб икки хилга бўлинади: тўқимачилик толалари ва техника иплари.

Бундай иплар пишиқ бўлиб, ғижимланмайди, ёруғлик, намлик, замбуруғлар, бактериялар, кимёвий моддалар ва иссиқлик таъсирига чидамли бўлади. Шунинг учун кимёвий толалар кўпинча табиий толаларга аралаштириб ишлатилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кимёвий толалар ишлаб чиқариш учун эластик ва узун, тармоқсиз ёки кам тармоқланган, ипсимон шакли макромолекулалардан иборат бўлган полимерлардан фойдаланилади. Т ола ҳосил қилиш полимерга ип шаклини бериш ва толадаги макромолекулалари муайян тартибга жойлаштиришдан иборат. Полимерни толага айлантириш учун уни суюқ ҳолатга келтириш керак. Кимёвий толалар катта молекуляр массага эга бўлиб, эритилганда ва қиздирилганда парчаланмасдан суюқликка айланади. Кимёвий толаларни ишлаб чиқариш йигириладиган эритмалар тайёрлаш, тола олиш ва толага шакл бериш ҳамда толани пардозлаш операцияларидан иборат. Тола ҳосил қилиш босқичларига батафсилроқ тўхталиб ўтамиш.

1. Ҳар қандай тола ҳосил қилишининг биринчи босқичи полимер эритмасини ҳосил

қилишдан иборат бўлади. Уни одатда йигириув эритмаси деб аталади. Эритувчилар сифатида кўпинча ацетон ва ишқорнинг сувдаги эритмаларидан фойдаланилади. Шуни алоҳида ёдда тутиш керакки, полимерларнинг ҳамма турларини эритиб бўлмайди, уларнинг парчаланмай эрийдиган турларигина эритилади. Уни оддий, юқори ва паст ҳароратларда эритиш мумкин. Кўпгина ҳолатларда полимерлар ҳаво кислороди таъсирида парчаланади. Мана шу парчаланишнинг олдини олиш учун полимерлар эритмасини ҳосил қилиш инерт газлар, асосан, азот атмосферасида амалга оширилади. Йигириув эритмалари жуда ёпишқоқ, кам ҳаракатчан масса шаклида бўлади.

2. Технологик жараённинг иккинчи босқичи эритмага ип шаклини беришdir. Бунинг учун эритманинг муайян микдори насос ёрдамида ип ҳосил қиладиган филера деб аталувчи маҳсус асбоб орқали қисиб чиқарилади. Филера тубида кичик-кичик тешикчалари бўлган кичик қалпоқча мавжуд. Бу тешикчаларнинг даметри 0,04 мм дан 0,6 мм атрофида бўлади. Тешикчаларнинг сони 6 дан 4 мингтагача бўлади. Филералар иссиққа чидамли пўлат, тантал, никел ёки нодир металлардан (олтин билан платина қотишмасидан, платина билан иридий қотишмасидан, платинадан) тайёрланади. Йигириув массаси (эртма) филерадан ингичка тола шаклида чиқиб қотади ва ипга айланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, полимерлар эритмасидан тола олиш шакллашнинг 2 та усули, яъни қуруқ ва хўл усууллари мавжуд.

Шакллашнинг қуруқ усулида эритма оқимлари филерадан чиқиб, узун тор шахтага тушади. Бу ерда юқори ҳароратда эритгич бүғланиб, соф полимердан иплар ҳосил бўлади.

Шакллашнинг хўл усулида полимер эритмасининг оқимлари тиндиргич ванна деб аталадиган суюқ муҳитга тушади. Олинадиган толанинг турига қараб, бу ваннанинг муайян таркиби танланади. Тиндиргич ваннадаги суюқликнинг таъсири остида ип тарзида полимер эритгичдан ажралади.

Толани шакллаш анча мураккаб тузилган йигириув машиналарда амалга оширилади. Ипак ҳосил қилишда ҳар бир филерадан олинадиган ва айрим ип тарзида шаклланган толалар ўша машинанинг ўзида муайян мосламаларга ўралади. Штапел тола ишлаб чиқарганда филерадан чиқаётган айрим толачалар умумий бир арқон бўлиб бирлашади. Кейин бу арқон муайян узунликдаги бўлакчаларга бўлинади.

3. Тола ишлаб чиқаришнинг учинчи босқичи уни тозалаш ва тўқимага тайёрлашдан иборат. Толани тозалаш бир қатор операциялардан, яъни аралашмалардан ажратиш мақсадида толани ювиш, совунлаш ва тўқимани қайта ишлашни енгиллаштириш учун мойлашдан иборат. Шакллашнинг хўл усули қўлланиб, тола тозалангандан кейин қуритилади.

Филамент тола (ипаклар)га ғужлик бериш ва уларнинг механик хоссаларини яхшилаш учун улар аввал пишитилиб, сўнгра ўралади.

1855 йилда француз олими Одемар узининг шахсий лабораториясида нитроцеллюлозадан сунъий шойи олиш учун пахта толасига нитрат кислота билан ишлов берди. Пахта толасининг 95% ни цеплюлоза моддаси ташкил этганлиги сабабли нитроцеллюлоза ҳосил бўлади. Бу суюқликдан чўплар ёрдамида ип тортиш мумкин. Спирт ва эфир аралашмасидаги нитроцеллюлоза эритмасини кичкина тешикчалар орқали кислота қўшилган сувга сиқиб чиқарилади. Спирт - эфир эритмаси сув билан суюлтирилгандан кейин тоза нитроцеллюлозанинг узун иплари ҳосил бўлди.

1884 йилда Г.Шардоне порох массасидан сунъий жойи тайёрлади. Бу даврда тутунсиз порох табиий шойи билан қарийб тенг микдорда азот сақлаши маълум эди. Нитрошойи ишлаб чиқариш 1891 йилда йўлга қўйилди. Лекин порох массасидан тайёрланган шойининг унчалик пишиқ бўлмаслиги ҳамда ёнувчанлиги, ҳаттоқи портловчанлиги туфайли бу усул тола ишлаб чиқаришга тадбик этилмади.

Ҳозирги пайтда сунъий толалар ишлаб чиқаришда саноат чиқиндиларидан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, сунъий толалар олишда линтдан, шунингдек, тўқимачилик саноатида ип йигиришга яроқсиз бўлган паст навли пахта толасидан фойдаланилади. Линт деб толаси ажратиб олинган чигитда қоладиган калта толаларга, яъни момиққа айтилади.

Маълумки, нитроцеллюлоза тез ёниб кетиш ва портлаш хусусиятига эга бўлгани учун олинган иплар денитрация қилинади, яъни нитроцеллюлоза молекуласидаги ёнувчан нитрогурухларни йўқотадиган маҳсус модда билан ишлов берилади. Натижада 1889 йилда

ялтироқлиги жиҳатидан асл шойидан қолишмайдиган сунъий шойи намуналарини олишга эришилди.


Сунъий шойи толали материал-пахтадан олингани учун дастлабки намуналари анча қимматга тушди. Ҳозирга пайтда сунъий иплар ёғоч целлюлозасидан олинмоқда.

Маълумки, ёғочда 50% целлюлоза бўлади. Тоза целлюлоза ажратиб олиш учун ёғоч пайрахаларга бўлиниб 3 атмосферага яқин босим остида калций бисулфит эритмаси $\text{Ca}(\text{HSO}_3)_2$ билан ёпиқ қозон (реактор)ларда 130°C да пиширилади. Пишириш жараёни 1 сутка давом этади. Бунда бисулфит целлюлозанинг парчаларини ёпишириб турувчи моддаларни парчалайди ва у кимёвий жиҳатдан анча барқарор модда сифатида ажралиб чиқади. Целлюлоза сув билан аралаштирилади ва ҳосил бўлган суюқ бутка тўхтовсиз ҳаракат қилиб турадиган лента устига аста-секин қўйиб турилади. Бутканинг сувини селгитиб куритилади хамда булакларга кесилгандан сунг картонга ўхшаган сулфит целлюлоза варақалари ҳосил бўлади. Сулфит целлюлозанинг бир қисми қоғоз тайёрлашда, иккинчи қисми эса сунъий шойи тайёрлашга сарфланади.


Шуни алоҳида ёдда тутиш керакки, тайёрланган целлюлозадан бевосита ип йигириш мумкин эмас. Тола олиш учун ишлатиладиган хом-ашё таркибида алфа-целлюлоза бўлиши керак. Агар полимер материали нормал ҳароратда бир соат давомида 17,5% ли ишқор эритмасида эримаса, бундай целлюлоза сунъий тола олиш учун яроқли ҳисобланади.

Одатда, ёғоч целлюлозаси таркибида 80 - 90% алфа целлюлоза бўлади. Агар бундай хом-ашёдан кимёвий толалар шакллантирилганда эди, бу кўплаб чиқиндилар ҳосил бўлишига, кимёвий моддаларнинг купрок сарфланишига ва технологик жараёнларнинг мураккабланишига олиб келган бўлар эди. Мана шу нуқсонларни бартараф этиш мақсадида ёғоч целлюлозаси варақаларига уювчи натрий эритмаси билан ишлов берилади. Натижада кераксиз қўшимчалар ажралиб, алфа-целлюлозанинг микдори 96-97% ни ташкил этади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, целлюлоза табиий органик полимерлар гуруҳига мансуб бўлиб, юқори молекулали қаттиқ полимер моддадир. Ундан сунъий тола олиш учун полимерни эритма ҳолига келтириш керак. Целлюлозани қиздириб суюлма ҳолатига келтириб бўлмайди, чунки $175 - 200^\circ\text{C}$ да унинг молекулалари парчаланади. Демак, целлюлозадан йигирив эритмаси олишнинг ягона йўли - уни эритувчи ёрдамида эритишидир. Бунинг учун целлюлоза уювчи натрий эритмаси билан ишланади:




Ишқорий целлюлоза ҳосил бўлиши ҳисобига целлюлоза букиб, юмшайди. Ҳосил бўлган массага бир оздан сўнг органик эритувчи-углерод сулфид билан ишлов берилади:



деган маънени англатади. Қсантогенатта уювчи натриининг 0 - 1% ли эритмаси қўшилади. Елимсимон эритма - вискоза ҳосил бўлади. Вискоза лотинча сўз бўлиб, “ёпишқоқ”, “киёмсимон” деган маънени англатади.

Эркин углерод сулфид вискоза йигирив эритмасидаги ишқор билан бирикиб, тритиокарбонат ва бошқа олтингугуртли қўшимчаларга айланади:




Тайёр вискоза йигирив цехига юборилиб, бу ерда ундан шойи иплар тайёрланади. Толани шакллашнинг хўл усулида вискоза толалари ишлаб чиқарилади. Вискозадан кўпинча штапел тола ип ва жун билан қўшилган ҳолда йигирилади. Натижада у майинлашади. Жун газламалар сунъий тола қўшилгандан кейин мустаҳкам бўлади ва яхши ювилади. Бу газлама гигиеник жиҳатдан ҳам талабга жавоб бериб, ҳавони яхши ўтказади.

Вискоза шойи рангдорлиги жиҳатидан табиий шойидан деярли қолишмайди, лекин хўлланганда мустаҳкамлигиниу 40 - 50% ни йўқотади. Кислота таъсирига эса чидамсиз. Шунинг учун ювилгандан кейин унинг сифати пасаяди. Бироқ сунъий шойининг табиий шойидан арzonлиги, ишқор ва ёруғлик таъсирига бардошлилиги, бўёқларда осон бўялиши

учун юқорида айтиб ўтилган нуқсонларини бартараф этади.

Вискоза толаси ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом-ашё ва кимёвий материалларнинг арzonлиги ҳамда хом-ашё заҳираларининг мўл-кўллиги бу толани ишлаб чиқариш учун кенг йул очди. Саноатда 1 м³ ёғочдан 200 кг целлюлоза ва 150 кг га яқин тола олинади, бундан 1500 метр шойи ва штапел газлама тайёрлаш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вискоза шойидан чидамлироқ ва бу жиҳатдан ҳатто табиий шойидан устун турадиган сунъий шойи турлари ҳам маълум. Ўтган асрларнинг охирларида кимёгарлар целлюлозадан “шойи шарбати” тайёрлаш усулини кашф этган эдилар. Бу усулда пахта целлюлозаси мис гидроксид ва аммиакнинг ўзаро таъсири натижасида ҳосил бўлган.



Швейцер реактивида аралаштириб турган ҳолда эритилади. Ҳосил бўлган целлюлозанинг мис-аммиакли эритмасини ишқор ёки кислота эритмасига ингичка оқим билан қуйилса, миснинг комплекс бирикмаси парчаланиб, целлюлозадан иборат ингичка иплар пайдо бўлади. Янги сунъий шойи – мис – аммиакли тола шу тариқа яратилган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, саноатда мис-аммиакли шойи олиш учун пахта чиқиндилари – линт ишлатилади. Линт юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, пахтаси ажратиб олинган чигитда қоладиган қисқа тола. Бу толалар чигитдан маҳсус линтер машиналарда ажратиб олинади.

Ацетат шойи чидамлилиги билан сунъий толалар орасида алоҳида ажратиб туради. Ацетат тола ацетилцеллюлозадан иборат бўлиб, пахта ёки ёғоч целлюлозасини сулфат ёки сирка кислота иштирокида сирка ангидриди билан ишлов бериб ацетилцеллюлоза олинади. Бунда сулфат кислота катализатор вазифасини бажариб, кимёвий жараёнини тезлаштиради. Натижада целлюлозанинг мураккаб эфири ацетилцеллюлоза C₆H₇O₂(OOCCH₃)₃ ҳосил бўлади, яъни целлюлоза макромолекуласи ҳар бир буғини (звеноси)даги учта гидроксил гурух тўлигича ацетил гуруҳига алмашинади. Бундай бирикма бирламчи ацетат целлюлоза ёки триацетилцеллюлоза деб номланади. Бирок триацетилцеллюлоза ацетонга эримаганлиги туфайли ундан тола ишлаб чиқарилмайди.

Хозирги вактда бирламчи ацетатни эритиш учун метиленхлорид ва бошқа эритувчилар ишлатилмоқда. Шунга қарамасдан толалар асосан иккиламчи ацетат толалардан ишлаб чиқарилмоқда. Иккиламчи ацетат целлюлозани олиш учун бирламчи ацетат, яъни триацетилцеллюлоза 95 - 98% ли сирка кислотага туширилади. Эритмага катализатор сифатида сулфат кислота кўшилган бўлади. Бу жараён маълум микдорда ацетил гуруҳларнинг ажралишига ва иккиламчи ацетат C₆H₇O₂(OH)(OOCCH₃)₂, яъни триацетилцеллюлозанинг ҳосил бўлишига олиб келади. Ацетилцеллюлозани спирт ва ацетон аралашмасида эритиб, йигирив эритмаси ҳосил қилинади.

Йигиришдан олдин ацетиллюза эритмаси маҳсус бакларда иситилиб, икки марта филтрланади. Сўнгра бошқа бакларда эритма 45-50°C гача иситилиб, ҳаво пуфакчаларидан тозаланади. Шундан кейин эритма коллекторга юборилади, бу ердан насослар ёрдамида филера орқали йигирив машиналари шахтасига сиқиб чиқарилади. Шахтанинг юқори қисмida 60°C да спирт ва ацетон тезда буғланиб, йигирив эритмаси қаттиқлашади ва тола шаклига киради. Шахтанинг қуи қисмida улар совиб, кейинги қайта ишлар учун зарур пишиқликни олади. Бу йигиришнинг қуруқ усули бўлиб, ипларнинг ҳосил бўлиши суюқликда эмас, балки ҳаво мұхитида кечади.

Филерадан катта тезликда чиқаётган янги толалар оқими роликлар системасидан ўтказилиб, ғалтакларга ўралади. Вискоза шойининг йигирив тезлиги одатда минутига 80 - 130м ни ташкил этади. Ацетат шойи шаклланишида эса бу тезликни минутига 700 м гача етказиш мумкин. Бу қуруқ усулда йигиришнинг самарадорлиги юқориligидан далолат беради. Натижада, ацетат толани қайта ишлашга ҳожат қолмайди. Лекин йигирив шахтасида тўла буғланишга улгурмаган эритувчи қолдиқлари ажралиб қолиши мумкин.

Ацетат шойи целлюлозанинг мураккаб эфири бўлгани учун сувда букмайди ва намлиқда мустаҳкамлигини бошқа шойиларга нисбатан камроқ йўқотади. Ацетат ипак бошқа сунъий шойиларидан иссиқга чидамлилиги билан ажралиб туради. Ацетат тола 140 - 150°C

гача ҳароратларга чидамли бўлиб, ундан юқори ҳароратларда шаклини ўзгартиради. Ацетат тола қовушқоқлиги, майнлиги, чиройлилиги, кимёвий пишиқлиги ва қуёш нурлари таъсирида ўзгармаслиги сабабли тобора кўп ишлатилмоқда. Таркибидаги гидроксил ва ацетил гурухларнинг нисбий миқдори билан фарқланувчи ацетат толалар тўқимачилик саноатида кўплаб ишлатилади. Масалан, триацетат тола электр токини ўтказмаслиги туфайли барча табиий ва сунъий толалардан устун туради ва техникада кенг қўлланилади. Ҳозирги пайта республикамизда пахта толасининг чиқиндиси – момиқ асосида ацетат толалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Маълумотларга қараганда, пахтанинг 8-9% ни линт ташкил этади. Ҳозир республикамиз миқиёсида линтнинг умумий миқдори 480 - 540 минг тоннани ташкил этмоқда. Демак, ярим млн.тонна миқдордаги линтни кимёвий усулда қайта ишлаб, сунъий тола олиш улкан иқтисодий самараларни беради.

Ҳозирги пайтда республикамизда линтдан целлюлоза олишнинг ишлаб чиқилган нисбатан янги технологиясига кўра, линт ишқор эритмасида бир неча соат қайнатилади. Кейин масса ювилгач, унга оқартирувчи, яъни оксидловчи моддалар билан ишлов берилади. Сўнгра линт яна ювилиб, кислоталар билан ишланади. Бунда аввалги босқичларда ишлатиладиган реагентлар, айниқса, оксидловчи моддаларнинг қолдиқлари эриб чиқиб кетади. Ҳосил бўлган целлюлоза қайта тозалаб ювилади ва қуритилади. Бу жараён ниҳоясида 1 тонна линтдан 800 кг қорсимон, юқори сифатли циллюлоза олинади. Циллюлоза ксантогенат эфирига айлантиргач, ишқорнинг кучсиз эритмасида эритилиб, вискоза тайёрланади. Шу тариқа кимё корхоналарида целлюлозадан сунъий шойи олинади.

Сунъий шойини асл шойидан ва жун газмолдан фарқ қилиш учун уларнинг толалари кўйдирилади. Агар бу тола ип газламадан тайёрланган бўлса, ундан куйган қоғоз хиди келади. Жундан тўқилган ип бўлса, ёндирилган шох ёки кўйдирилган соч, пат хиди келади. Бунинг асосий сабаби - жуннинг оксиллигидир. Оксиллар қиздирилганда ўзига хос хиди бўлган учувчан азотли моддаларни хосил қиласи.

Сунъий шойи асосан целлюлозадан иборат бўлганлиги учун ёнаётганда кўйдирилган шох хиди келмайди ва бу хусусиятига қараб уни ип газлама толасидан фарқлаб бўлмайди. Аммо уни асл шойидан фарқлаш жуда осон. Асл шойи оқсиллардан иборат бўлганлиги учун у ёнаётганда худди жунга ўхшаб ўзига хос хид чиқаради.

12. Синтетик толалар ишлаб чиқариш технологик жараёнлари

Ҳозирги вақтда таркиб жихатдан табиий толалардан фарқ қиласидан синтетик толалар синтез қилинмоқда. Юқорида айтиб ўтганимиздек, синтетик толалар ишлаб чиқаришда даставвал оддий бирикмалардан (мономер ёки олигомерлардан) полимерлар хосил қилиниб, сўнгра бу полимерлар толаларга айлантирилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, синтетик тола олишда ишлатиладиган полимерлар асосан қуйидаги учта шартни қондириши керак:

1. Полимернинг молекуляр массаси нисбатан юқори бўлиши керак.
2. Унинг макромолекулалари чўзилувчан бўлиши керак.
3. Полимер эрувчанлик ёки суюқланиш хоссаларига эга бўлиши керак.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, тола йигириш жараёнига полимернинг нисбий молекуляр массаси катта таъсир кўрсатади. Агар полимернинг нисбий молекуляр массаси 4 мингдан кичик бўлса, тола умуман хосил бўлмайди. Агар 10 минггacha бўлса, тола мўрт бўлади ва агар 10 мингдан юқори бўлса, талабга жавоб берувчи толалар олинади. Лекин полимернинг нисбий молекуляр массаси 30 мингдан юқори бўлса, тола олинмайди. Чунки унинг эрувчанлиги ва суюқланиши технологик талабларга жавоб беролмайди. Макромолекуласининг шакли бўйича полимерлар 3 турга бўлинади:

1. Чизиқсимон полимерлар.
2. Тармоқланган полимерлар.
3. Фазовий (тўрсимон) полимерлар.


Макромолекуласи чизиқли тузилишга эга бўлган полимерлар узун занжирдан иборат бўлиб, кўндаланг кесими маномернинг кўндаланг кесимига тўғри келади, узунлиги эса бу ўлчамдан 100 ва 1000 марта катта бўлади. Целлюлоза, табиий каучук ва қўпчилик синтетик полимерлар (полиэтилен, полипропилен ва б.) чизиқсимон полимерлар гурухига киради.

Макромолекуласи тармоқланган полимерлар узун занжирга бириккан ён тармоқлардан иборат бўлади. Крахмал таркибидаги амилопектин макромолекуласи тармоқланган тузилишга эга бўлган полимерларга мисол бўла олади.

Фазовий полимерларни узун занжири бир-бири билан кўндаланг кимёвий боғлар орқали бириккан бўлади. Олмос (C_n), ва кварц (SiO_2)_n фазовий полимерларга мисол бўла олади. Уларнинг эримаслиги ва суюқланмаслиги туфайли улардан тола йигириб бўлмайди.

Макромолекуласи чизиқли ва тармоқланган тузилишга эга бўлган деярли барча полимерлардан турли хил толалар олиш мумкин. Толанинг мустаҳкамлигини асосан макромолекулаларининг тифиз жойлашиши белгилайди. Масалан, крахмал кимёвий таркиби бўйича целлюлозага ўхшайди, аммо макромолекулаларнинг тармоқланган тузилиши ундан тола олиш имконини бермайди.

Нейлон толалари. Нейлон синтетик толалардан бири бўлиб, у адипин кислотаси ва гексаметилендиаминдан тайёрланади. Буларнинг ўзи эса фенолдан олинади. Адипин кислотаси билан гексаметилендиаминни қиздириб, елимсимон катрон ҳосил қилинади. Бунда олдинги моддаларнинг молекулалари бир-бири билан янги модданинг ипсимон молекуласига боғланади. Бу боғланиш бир молекула охиридан гидроксил груп, бошқа молекула – аминогурух, охиридан эса водород атоми ажralиб чиқиши ҳисобига боради. Гидроксил груп, ва водород атоми сув молекуласини ҳосил қиласди. Органик моддаларнинг молекула қолдиқлари ажралган валентликлар ҳисобидан амидли боғланиш орқали бир-бири билан узун занжирга бирикади. Полеконденсатланиш реакциясини қуйидагича ифодалаш мумкин.




Иситилган елимсимон катрон кичик тешиклар орқали сиқиб чиқарилади. Ингичка катрон оқими ҳавода ип шаклида қотади. Бунда 1 минутда 100 м гача ип ҳосил бўлади. Нейлон иплари сунъий тола ишлаб чиқаришдан фарқли равишда ҳар хил тезлик билан айланадиган барабанларда қайтадан тортилади. Натижада тола бир неча баробар чўзилади, уларни ташкил этувчи молекулалар узаяди ва толанинг ўқи бўйлаб жойлашади.


Нейлон макромолекуласи амид гурухлар-NH-CO- билан боғланган метилин -CH₂- гурухлардан иборат бўлганлиги учун полиамидли толалар гурухига киради.

Тўқимачилик саноатида нейлон толаси табиий ипак билан жун ўрнида ишлатилади. Нейлон толасининг қимматли хоссалари механик жихатдан ғоят мустаҳкамлиги, совуққа чидамлилиги, эластиклиги, ейилишга чидамлилиги ва ғижимланмаслигидадир.

Капрон толалари. Капрон ҳам нейлонга ўхшаган синтетик толалардан бири бўлиб, унинг занжирсимон узун молекулалари такрорланиб турувчи “халқалар” - аминокапрон кислота қолдиғидан иборат.



Бу ерда халқалар ўртасида турли молекулаларнинг аминогурухлари ва карбоксил гурухлари ҳисобига амид боғ ҳосил бўлади. Буни капрон молекуласи тузилишининг қўйидаги схемасидан кўриш мумкин.





Капрон толаси олишнинг технологик усули нейлон (анид) толаси олиш усулига ўхшайди. Капрондан шунчалик ингичка тола олиш мумкини, унинг 9 км узунликдаги ипи атиги 1 грамм келади.


Капрон толалари мустаҳкам ва эластик бўлади.

Нейлон ва капрондан олинган материаллар чиримайди, уларга куя тушмайди, ювилганда тез қурийди ва дазмолсиз олдинги ҳолатига қайтади. Намни ўзига тортмайди ва намлик таъсирида мустаҳкамлигини йўқотмайди. Аммо капрон ва барча полиамид толаларнинг камчилиги шундаки, улар кислота таъсирига чидамсизdir.

Хлорин толалари. Полихлорвинилни қўшимча равишда хлорлаш натижасида юқори молекуляр бирикма-перхлорвинил катрони ҳосил қилинади. У хлорин деб ҳам аталади.




Хлорин ацетонда эритилиб, филера орқали сувли ваннага оқизилади. Натижада ацетон эрийди, хлорин эса ингичка толалар шаклида ажралиб чиқади. Хлорин толаси ўтда ёнмайди, унга кислота ва ишқорлар таъсир қилмайди. У даволаш хусусиятига ҳам эга. Ундан тайёрланган кийимларнинг шифобахшлиги шундаки, кийим терига ишқаланиши натижасида электрланади ва бод, радикулит (орқа мия, асад илдизларининг яллиғланиши) каби касалликларга шифобахш таъсир қилади. Шуниси қизиқарлики, толадаги кимёвий элементлар микдори




формула асосида ҳисоблаб чиқилса, даволаш ич кийими таркибининг ярмидан кўпроғи (65%) хлор, яъни соф ҳолда организмга ёмон таъсир кўрсатадиган моддадан иборат эканлиги маълум бўлади.

Нитрон толалари. Нитрон (орлон) толаси акрил кислота нитриллари –



боғни мавжудлиги туфайли бу модда осонгина полимерланиб, юқори молекуляр бирикма полиакрилонитрил



Полимер тегишли эритувчида эритилиб, тола вискоза толаси сингари хўл усулида олинади.

Нитрон толаси ташқи кўриниши жиҳатидан жун матога ўхшаб иссиқликни яхши сақлайди, мустаҳкам ва рангини йўқотмаслиги жиҳатидан бошқа толалардан устун туради. Нитрон толалари кўпинча табиий ёки сунъий толаларга аралаштириб ишлатилади. Масалан, целлюлоза ва акрилонитрил асосида циантицеллюлоза, ундан эса целлонитрон толаси олинади. Нитрон толаларидан костюм ва палтолар учун газмоллар, сунъий мўйна, трикотаж тайёрланади.

Ҳозирги пайтда “Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли кимё комбинатида нитрон толаси ишлаб чиқарилмоқда. Нитрон жун ўрнида ишлатиладиган синтетик тола ҳисобланади.

Лавсан толалари. Лавсан кимёвий хоссаларига кўра полиэфир ҳисобланади. Лавсан икки асосли терефтал кислота



ва икки атомли спирт - этиленгликолдан HO - CH₂ - CH₂ -OH олинади. Улар ўзаро этерификация реакциясига киришиб, уларни ҳар биридаги иккала функционал гурухлари ўзаро таъсирилашади. Натижада юқори молекуляр бирикма - лавсан ҳосил бўлади. Лавсан толалари ниҳоятда мустаҳкам, юқори ҳарорат, нур, об-ҳаво таъсирига ғоят чидамли бўлиб, уларга кислота ва оксидловчи моддалар таъсири қилмайди.

Лавсан газмоллар эркак ва аёллар кўйлагини тикиш, трикотаж, тўқиши, жун газлама билан қўшилган ҳолда эса палто ҳамда костюм материаллари тайёрлаш учун ишлатилади. Лавсан толларидан тўқилган газлама пишиқ бўлади. Бу газлама ғижимланмайди ва ўз шаклини ўзгартирмайди.

Лавсан толалари диэлектрик хоссасининг юқорилиги билан бошқа синтетик толалардан фарқ қиласди. Юқори (120°C) ҳароратда электр изоляцион хоссасини ўзгартирмай сақлай олади. Шунинг учун бу толалардан тайёрланган материаллар электродвигател изоляторлари сифатида ишлатилади.

13. Сунъий толалар ишлаб чиқариш жараёнларидағи технологик ва экологик муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари

1. Кимё саноати энергияни кўп сарфлайди: 50% - иссиқлик энергияси, 40% - электр энергияси ва 10% - ёқилги энергиясини сарфлайди. Кимё маҳсулотлари таннархининг 12% ни энергия нархи ташкил этади. Шунинг учун энергияни тежаш йўлларни излаш керак бўлади.

2. Кимё саноати сувни энг кўп сарфлайди. Шунинг учун корхоналар сув манбаига яқинроқ жойларга қурилади. Ишлаб чиқарилган битта маҳсулот бирлигига сарфланган сув миқдорини сув сарфлаш коэффициенти деб аталади. Масалан, вискоза шойиси учун сув сарфлаш коэффициенти 2500 м³/т, аммиак учун 1500 м³/т, азот кислотаси учун 100 м³/т га тенгdir. Фақат капрон ишлаб чиқариладиган битта корхона ахолиси 120 минг кишига тенг бўлган шаҳар сувини сарфлайди. Йирик электрокимё комбинатлари 800 минг ахолига етадиган сувни сарфлашади.

3. Ер усти ва ер ости сувларининг 10-12% саноатда ишлатилиб (бир йилга 600-700 км³), 150 км³ сув буғланиб йўқолади ва 500 км³ сув қайта дарёларга оқизилади. Агар 1 л сувга 1 г дан кам туз бўлса, уни чучукчув, ундан кўп бўлса, шўр сув деб аталади. Сув реакцияси унинг ишқорийлиги ёки кислоталиги билан ўлчанади.


4. Сувни филтрлаш унинг қийматини 2,5 баробар, юмшатиш - 8 баробар, тузсизлаш эса 11 баробар оширади. Сувни тозалашга корхона 10-15% маблагини, чиқинди сувларни тозалашга эса 20% маблагини сарфлайди. Сувнинг 3 та тежаш йўли мавжуд: сувни айланади; сув ўрнида ҳаво билан совутиш ва чиқинди сувларни қайта ишлатиш.

5. Юқорида айтуб ўтганимиздек, ёғоч таркибида 45-50% целлюлоза мавжуд. Ҳозирги вактда саноат миқёсида ёғочдан целлюлозани ажратиб олиш усули сув ҳавзаларини ифлослантирадиган оқава сувларнинг ҳосил бўлиши билан изохланади. Мана шу оқава сувларни тозалаш қўшимча маблағлар сарфлашни тақозо этади. Бундан ташқари, сунъий толаларнинг асосий вакили – вискоза толаси ишлаб чиқаришнинг ривожланиши қўйидаги муаммоларни бартараф этишга боғлиқ. Маълумки, 1 т вискоза толасини олиш жараённида 0,25 т углерод сулфид, 0,10-0,15 т водород сулфид ва 350 м³ оқова сув ҳосил бўлади. Оқова сув таркибида эса нафакат сулфит кислотаси, балки кўплаб миқдорда турли хил тузлар ҳам бўлади. Жумладан, рух тузларини оз миқдорда бўлса ҳам сув ҳавзаларига ташлаб юбориш мумкин эмас.


Вискоза штапел толаси ишлаб чиқарадиган замонавий заводнинг куввати суткасига 100 т ни ташкил этишини инобатга олсак, у ҳолда заводда суткасига 25 т га яқин углерод сулфид ва 10-15 водород сулфид ажралади. Табиийки, маҳсус қурилмалар ажралиб чиқаётган газларни ушлаб қолади. Сув тозалаш иншоотларида эса оқова сувлар рух тузларидан ва бошқа заарли қўшимчалардан тозаланади. Ажралаётган газларни максимал даражада ушлаб қолиш ва целлюлозани этерификация қилишда углерод сулфид сарфини камайтириш вискоза усулида сунъий толалар ишлаб чиқаришни юксак суръатларда ривожлантиришга имкон беради.

6. Целлюлозани фаоллаштириш максадида уни ҳар хил реагентлар билан

қўшимча қайта ишлаш водород боғларининг кисман узилиши хисобига целлюлоза ксантогенати этерификация даражасининг камайишига олиб келади. Табийки, бу усул углерод сулфиднинг кам сарф бўлишига олиб келади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ишқорли целлюлозани углерод сулфид билан қайта ишлаб, целлюлоза ксантогенати олиш реакцияси қўйидаги схема бўйича боради.



Техник ишқорли целлюлоза таркибида бўлган маълум миқдордаги уювчи натрий билан углерод сулфиднинг ўзаро таъсири натижасида қўшимча реакция боради.



Одатда, қўшимча реакцияга углерод сулфиднинг 25-30% сарф бўлади. Шунинг учун қўшимча реакцияга сарфланадиган углерод сулфиднинг миқдорини янада камайтириш (минимумга етказиш) – вискоза ишлаб чиқаришда заарли маҳсулотлар ҳосил бўлишини камайтириш учун энг реал йўлдир. Шуниси муҳимки, вискоза толасининг шаклланишида ажралиб чиқадиган водород сулфид целлюлоза ксантогенати парчаланиши натижасида эмас, балки олтингугурт сақловчи қуи молекуляр бирикмаларнинг парчаланишидан ҳосил бўлади.



Ишқорли целлюлозада уювчи натрийнинг концентрациясини камайтириш билан қўшимча реакцияларга сарфланадиган углерод сулфидни камайтириш мумкин. Целлюлозани фаоллаштириш учун қўлланиладиган уювчи натрий эритмасининг концентрациясини камайтириб бўлмайди. Агар қўлланиладиган уювчи натрийнинг 18%ли эритмасини 12% гача камайтирилса, унда бу миқдор целлюлоза ксантогенати эрувчанлигини таъминлайдиган водород боғларини узиш учун етарли бўлмайди. Буни бартараф этиш учун целлюлозага ишқорли эритма билан қайта ишлов берилади.

7. Целлюлозанинг мис-аммиакли эритмасидан тола олишда қўшимча маҳсулот сифатида мис ва аммоний сулфат тузлари ҳосил бўлади, лекин ҳеч қандай заарли газ ажралмайди. Ушбу усулнинг оддийлиги ва заарсизлигига қарамасдан мис-аммиакли толалар ишлаб чиқариш кўлами пастлигича қолмоқда. Бунинг асосий сабаблари қўйидагилардан иборат. Биринчидан, ишлаб чиқариш технологик жараёнларининг мукаммал эмаслиги, тола шакллантириш тезлигининг сустлиги, ип ҳосил қиласидаган филера тешиклари сонининг вискоза тола шакллантириш учун қўлланиладиган филераникidan 5-6 марта камлиги иш унумдорлигининг пасайишига олиб келади. Хусусан технологик жараёнларининг кўп босқичлилиги, маҳсулдорлигининг камлиги мис-аммиакли толалар ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин камайтиради. Иккинчидан, тўлиқ регенерация (дастлабки хоссаларини тикланиш) қилинмаслиги натижасида мис кўп сарф бўлади. Йигириув эритмасини олишда 1 т целлюлозага 400 кг га яқин мис сарф бўлади. 30-40 йил мукаддам ишлатилган миснинг 90% регенерация қилинар эди. Бу эса 1 т толага 40 кг га яқин мис сарф бўлишини кўрсатади. Мис табиий заҳираларининг чекланганлигини инобатга олсак, бу кичик миқдор эмас. Кейинги йилларда ионалмаштиргич катронларда регенерация жараёнини такомиллаштириш туфайли мисни регенерация қилиш 99 % га, Японияда эса ҳатто 99,9% га етказилди. Демак, 1 т толага ишлатиладиган мис сарфланишининг 40 кг дан 4 кг гача, ҳатто 0,4 кг гача камайиши ишлаб чиқариш иқтисодиётининг тубдан ўзгаришига сабаб бўлади.

8. Тола олиш усулини танлашда полимернинг хусусиятларидан келиб чиқишиади. Агар полимернинг эриш (суюқланиш) ҳарорати унинг парчаланиш ғароратидан баланд бўлса, толани суюммадан олиш мумкин, агарда паст бўлса - эритмадан олинади.

Энг арzon усул – полимер суюммасидан тола олишdir, чунки суюмани ҳавосизлангириш, тозалаш, эритувчиларни регенерация қилиш керак эмас. Толанинг шаклланиш тезлиги ҳам ниҳоятда баланд (1000 - 1200 м/мин).

Агар полимер енгил учувчан эритгичда эриса толани куруқ усул ёрдамида олиш мумкин. Куруқ усулда эритманинг концентрацияси 20 - 25% ни ташкил этади. Хўл усулда

эса 7-12% ни ташкил этади.

Назорат саволлари

1. Кимёвий, синтетик ва табиий толаларнинг фарқи нимада?
2. Нитрошойи ҳосил қилиш усулини тушунтиринг.
3. Тола ҳосил қилиш асосий босқичлари ҳақида маълумот беринг.
4. Полимер эритмасидан тола олиш усулларини изоҳлаб беринг.
5. Линт деб нимага аталади?
6. Нитроцеллюлозани тез ёниши ва портлашини олдини олиш учун нима қилиш керак?
7. Целлюлоза деб нимага аталади ва ундан қандай тола олиш мумкин?
8. Ксантогенат деб нимани тушунасиз?
9. Вискоза деб нимани тушунасиз? Ундан тола олиш технологик жараёнларни изоҳлаб беринг.
10. Мис-аммиакли толалар қандай ҳосил қилинади?
11. Ацетат шойи толалари ва уларнинг ҳосил қилиш жараёнлари ҳақида маълумот беринг.
12. Пахта линтидан тола ҳосил қилиш технологияси ҳақида маълумот беринг.
13. Сунъий шойининг асл шойидан ва жун газмолларидан фарқ қилиш мумкинми?
14. Синтетик толалар олиш учун қайси шартлар бажарилиши керак?
15. Қайси ҳолатларда тола олиш қийин ёки умуман тола олинмайди?
16. Қайси ҳолатларда тола мўрт бўлади?
17. Нейлон, капрон, хлорин, нитрон ва лавсан толалари, уларнинг асосий хоссалари ва ҳосил қилиш жараёнлари ҳақида маълумот беринг.
18. Сунъий толалар ишлаб чиқариш экологик муаммолари ҳақида маълумот беринг.
19. Сувни тежаш ҳақида маълумот беринг.
20. Тола олиш усулини танлашда нималарга ахамият бериш керак?

14. Ип йигириш фабрикаларнинг технологик ва экологик муаммолари ва уларни ечиш йўллари

Охиригина йилларда ҳукуматимиз қарорларида корхоналарнинг ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, ижара усулини қўллаш, корхоналарни якка тартибда бошқариш ва шунга ўхшаган бир қатор ташкилий-иқтисодий тадбирлар ҳисобига халқ ҳўжалиги барча тармоқларининг иқтисодий қувватини ошириш кўзда тутилган. Булар ҳар бир инсоннинг эҳтиёжларини қондиришига қаратилган тадбирлар бўлиб, улар асосан янги, тезкор, ихчам, қулай ускуналарни қўллаш, хом ашёлардан ва хусусан, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан самарали фойдаланиш, меҳнатни илфор тажрибалар асосида ташкил қилиш ҳисобига бажарилади.

Маълумки, енгил саноат, шу жумладан тўқимачилик саноати халқимизнинг моддий, маънавий ва маданий эҳтиёжларини қондиришга катта хисса қўшиб келмоқда. Тўқимачилик маҳсулотларининг янги турлари яратилди, юқори сифатли газламалар, трикотаж буюмлари ва бежирим кийим - кечаклар ишлаб чиқариш янги технологик жараёнлари йўлга кўйилмоқда.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулот микдорини кўпайтириш, сифатини яхшилашнинг асосий йўналишларидан бири – хом-ашёлардан ва хусусан, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Юқори самарадорликка эришиш учун қабул қилинган машиналар ихчам ва юқори унумли бўлиб, кам меҳнат ва энергияни талаб қилишниши керак ва ип йигириш технологик жараёнлари кам чиқиндили бўлиши керак. Кам чиқинди чиқариш йўлларини топиш, ғалтак (паковка) лар сифимини ошириш, машиналарнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш, йигиришдаги узилишларни камайтириш ва ипнинг чиқишини кўпайтириш лозим. Буларнинг ҳаммаси ип йигиришнинг асосий технологик муаммолари ҳисобланади.

Маълумки, пахта толасидан ип ишлаб чиқаришда йигириш фабрикасининг барча босқичларида ярим маҳсулот узуклари ва бошка турли чиқиндилар ажралиб чиқади. Бу чиқиндиларнинг микдори йигириш тизимларига, олинадиган ипнинг йўғонлиги

(қалинлиги)га, ҳамда технологик тизим таркибиға кирған машина турларига қараб ҳар хил бўлади.

Ярим махсулот узуклари деганда саваш-тараш машиналаридан ажralиб чиқадиган холст узуклари, тараш ва пилта машиналаридан олинадиган пилта узуклари, пилик ва йигириш машинасидан чиқадиган момиқ ва толани валик ёки цилиндрга ўралганда халқачалар тушунилади. Одатда, бу узуклар ўз сортировкаларида ишлатилади, уларнинг миқдори эса 1,5 - 3,5% атрофида бўлади.

Умуман олганда, йигириш фабрикаларида 10-30% атрофида турли толали чиқиндилар ажralиб чиқади. Толанинг нархи тўқимачилик саноатида айланма фондларининг 50% дан 70% ини ташкил қиласди.

Ип таннархининг 80-90% ни тола қиймати ташкил қиласди. Шунинг учун толаларни самарали ва эхтиёткорлик билан сарфлаш нихоятда катта иқтисодий аҳамиятга эга.

Пахта тозалаш машиналаридан турли ифлосликлар ва момиқлар, яъни чиқиндилар ажralиб чиқади. Йигириш жараёнларида ажralиб чиқкан барча чиқиндилар икки турга бўлинади.

1. Қайта ишлатилмайдиган ёки кўринмайдиган чиқиндилар.

Буларга чанг, пахта толалари йўқотган намлик ва нихоятда калта момиқлар киради.

2. Қайта ишлатиладиган ёки кўринадиган чиқиндилар. Бундай чиқиндилар, ўз навбатида 2 гурухга бўлинади:

1. Йигиришга яроқли чиқиндилар. Уларнинг таркибиға ёнғокча тарандилар ва цехлардан супуриб олинган супуринди каби чиқиндилар киради. Бу толаларни махсус машиналарда тозалаб йўғон ип олишда ишлатиш мумкин.

2. Йигиришга яроқсиз чиқиндилар. Уларнинг таркибиға узунлиги 14-15мм дан кичик толалардан таркиб топган чиқиндилар, ҳар хил момиқлар, валикларга ўралган ва филтрлардан олинган жуда калта толали момиқлар киради.

Йигириш фабрикаларидан ажralиб чиқкан ҳар бир чиқиндининг ўз хоссасини сақлаб қолиш учун уларда махсус чиқинди цехлари бўлади. Уларнинг асосий вазифаларига чиқиндиларни йиғиш, ташиш, навларга ажратиб стандарт бўйича қабул қилиш, ҳисобини олиб бориш, айрим чиқиндиларни дастлабки тозалаб ва пресслаб той қилиб керакли жойларга жўнатиш киради. Чиқинди цехларида бажариладиган ишлардан бири – бу узук қайтимларни тўплаб, ўлчаб, уларни ўз сортировкаларида ишлатиш учун тайёрлашdir Кўшимча тайёрлаш шундан иборатки, ҳар хил ифлосликлардан тозаланиб, мойланган жойларни ажратиб олинади, пилта узуклари титилади, момиқ ёки халқачаларга қўшилиб кетган ип учлари ажратилади. Одатда, холст, пилта ва пилик узуклари қайси сортировкадан чиқкан бўлса, ўша сортировкага қайтадан қўшиб ишлатилади. Кўпинча бу қайтимлар олинадиган ипнинг таннархи сифатини яхшилаш учун шунча кам бўлади.

Лекин шуни ҳам назарда тутиш керакки, чиқиндилар миқдори кўрсатилган ёки тасдиқланган меъёрлардан кам бўлса, у холда олинадиган ипнинг сифати пасайиб кетиши мумкин. Яъни, энг аввало ипнинг тозалиги ёмонлашади, пишиқлиги пасаяди, нотекислиги кўпайиб, йигиришдаги узилишлар тез-тез рўй беради.

Йигириш жараёнида ажralадиган узук қайтимлар ҳажмининг кўп ёки кам бўлиши эса, толанинг навига, ишлаб чиқариш маданиятига, машиналарнинг узлуксиз ишлашига, ишчиларнинг касбий маҳоратига боғлиқ бўлади.

Йигириш машиналарида узилишлар қанча кўп бўлса, ажralадиган момиқнинг миқдори шунча кўп бўлади. Ажralиб чиқадиган момиқнинг миқдори толанинг навига ҳам боғлиқ бўлади (жадвал). Шунинг учун йигириш машиналаридаги ип узилишини камайтиришнинг аҳамияти нихоятда каттадир. Ип узилишининг миқдори эса кўргина омилларга боғлиқ бўлади. Масалан, ипнинг нотекислигини юқорилиги, технологик жараёнларнинг номукаммаллиги, йигириш машиналарида ип таранглигининг юқорилиги, йигириш машинасининг носозлиги ва бошқа омиллар ип узилишига катта таъсир кўрсатади. Агар узилишлар тез-тез рўй берса, машинанинг иш унумдорлиги пасайиб кетади. Табиийки, ажralиб чиқадиган чиқиндилар миқдори кўпайиб, олинадиган ип сифати пасаяди.

Карда йигириш системасидаги ипнинг чиқиши меъёрлари, қайтимлар ва чиқиндилар қўйидаги жадвалда берилган. Бир тонна пахта толасидан ипнинг чиқиши ва ажralиб чиқкан чиқиндилар фоизларда берилган.

Махсулотнинг турлари ва чиқиндилар	Пахта толаларининг навлари						
	Олий нав	I	II	III	IV	V	VI
Пахтадан ип чиқиши	87,5	87,40	84,79	83,21	78,04	73,04	67,89
Қайтимлар							
Холст узуклари	1,48	1,48	1,56	1,58	1,98	2,41	3,39
Пилта узуклари	0,94	0,94	0,97	0,97	1,19	1,42	1,44
Пилик узуклари	0,32	0,32	0,53	0,53	0,42	0,53	0,62
Жами	2,74	2,74	3,06	3,08	3,59	4,36	5,45
Йигириладиган чиқиндилар:	1,78	1,78	1,90	1,95	2,91	3,50	3,81
Момик	0,10	0,10	0,10	0,10	0,20	0,20	0,20
Халқачалар	1,52	1,74	1,90	2,10			
Тарашдага тарапидилар	3,10	3,23	3,80	4,30			
Савашдаги ёнғоқча ва момиклар	1,57	1,63	2,02	2,24			
Шу жумладан:							
Тозаланган ёнғоқча ва момиклар	1,21	1,21	1,57	1,73			
Тарашдаги ёнғоқча ва момиклар	0,60	0,60	0,86	0,95			
Шу жумладан:							
Тозаланган ёнғоқча ва момиклар	0,61	0,61	0,71	0,78			
Қайта чиқарилган ёнғоқча ва момиклар	0,15	0,15	0,20	0,25			
Тоза супуриндилир	0,10	0,10	0,12	1,10			
Жами	10,74	11,15	13,18	14,50	3,11	3,70	4,01
Увада чиқиндилари:							
Тарашдаги тарапидилар					2,25	2,53	3,03
Савашдаги ёнғоқча ва момиклар					5,40	6,33	8,43
Шу жумладан							
Тозаланган ёнғоқча ва момиклар					1,95	2,42	3,20
Қайта чиқарилган ёнғоқча ва момиклар					3,45	3,91	5,23
Тарашдаги ёнғоқча ва момиклар					2,46	2,54	3,62
Шу жумладан							
Тозаланган ёнғоқча ва момиклар					1,20	1,28	1,22
Қайта тозаланган ёнғоқча ва момиклар					1,20	1,26	2,40
Тоза супуриндилир					0,40	0,50	0,60
Чуваланган ип					0,20	0,25	0,30
Тозаловчи валиқдан чиқкан момиклар					0,30	0,40	0,45
Ифлос супуриндилир	0,10	0,20	0,15	0,19	0,30	0,40	0,45
Жами	0,60	0,35	0,35	0,44	19,22	21,77	28,88
Бошқа чиқиндилар:							
Филтрдаги момиклар, ифлос ва ёғлик супуриндилир	0,30	0,30	0,40	0,45	0,55	0,70	0,80
Кўринмайдиган чиқиндилар	1,0	1,0	2,0	2,40	3,40	5,0	5,0

Жами	100	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан:							
Қайтадиган чиқиндилар	2,02	2,08	2,56	2,83	4,40	4,95	7,38

Йигириш фабрикаларидан ажралиб чиққан чиқиндилар қимматбаҳо хом-ашё ҳисобланади. Шундай хом-ашёлардан бири – бу узук кайтимлар бўлиб, уларни қайта тозаламасдан ҳар қайсисини ўз сортировкаларида ишлатилади. Ундан кейингилари йигириш учун ярайдиган чиқиндилар бўлиб, уларни машиналарда тозалангандан кейин пастроқ сортировкаларда, йўғонроқ ип олиш учун ишлатилади. Бундан ташқари, йигириш фабрикаларидан чиққан чиқиндилар аппарат йигириш системасида асосий хом-ашё ҳисобланади.

Ундан олинадиган арzon ва йўғон иплар, кийим-кечак, уй жиҳозлари учун ҳар хил чиройли тўқималар олишда ишлатилади.

Охирги пайтларда жуда кўп чиқиндилар нотўқима материаллар ишлаб чиқаришда ишлатилмоқда. Баъзи бир чиқинди турлари тиббиёт эҳтиёжлари учун тоза табиий пахта олишда ҳам ишлатилмоқда. Паст навли чиқиндилар кўрпа-тўшак (матрас)лар ва металларда ишлатилади. Титилган толали материалларни пахтани ва чиқиндиларни қоплаш учун ишлатилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, охирги йилларда ишланадиган лойиҳалар ва қуриладиган ҳар бир ишлаб чиқариш корхоналари, авваламбор атроф-муҳитнинг, ҳавонинг тозалигини, ўсимлик дунёсини, ер ости сувларининг тозалигини, оқиб ўтадиган ариқ ва сой сувларининг тозалигини бузмаслиги ҳамда уларга зарар етказмаслиги керак. Шу нуқтаи назардан олганда йигириш фабрикалари жуда зарарли корхоналар туркумiga кирмайди, лекин улар экологик тоза корхоналар ҳам эмас. Йигириш фабрикаларидан чиқадиган, атроф-муҳитга таъсири қиласидиган чиқиндилардан асосийси-бу чанг аралашмаларидан тозаланмаган ҳаво ҳисобланади. Агар пахта толасини далада етиштиришда жуда кам кимёвий ўғитлар ишлатилган бўлса, пахта очилгандан кейин уни ҳеч қандай кимёвий моддалар ишлатмасдан териб олинса, у ҳолда йигириш фабрикаларидан ажралиб чиқаётган чангли ҳаво деярли зарарли бўлмайди. Лекин ҳозирги шароитда пахта етиштиришда ниҳоятда кўп кимёвий ўғитлар ишлатилмоқда, пахтани очилиши билан бирга унинг баргини тўкиш учун яна кимёвий моддалар сепилади. Шунинг учун йигириш фабрикаларидан ажралиб чиқаётган чангли ҳавони зарарсиз деб бўлмайди.

Чиқиндиларни цехлардан йиғиш ва ташиш учун энг қулай транспорт воситаси – ҳаво қувури (пневмотруба) ҳисобланади. Пневмотранспорт ёрдамида йигириш фабрикаларида титилган пахта толасини, чиқиндиларни, фабрикадан чиққан ҳар хил қайтимлар ташишда, йиғишида, уларни бир машинадан иккинчи машинага ўтказишида ишлатилади.

Пневмотранспорт таркибига қуйидаги элементлар киради:

- ҳаво тортувчи ўрта ва юқори босимли вентилятор;
- толали материалларни ташиш учун қувурлар;
- юқ тортувчи мослама;
- қабул қилувчи мослама (қопловчи машиналар, йиғувчи бункерлар, механизациялашган лабазлар);
- ҳаво билан толали материалларни ажратувчи (конденсатор);
- чангли ҳавони тозаловчи машина ёки мослама (матодан қурилган фільтрлар ёки ФТ-2 тамгали машина).

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, барча пневмотранспорт воситаларида қувур ичидаги пахта толаси билан ҳаво аралашмаси харакатланади ва керакли жойга боргандаги махсус элемент (конденсатор) ёрдамида толали материал ҳаводан ажратилади, ҳаво, чанг ва калта толалар фільтрларга тозалаш учун юборилади.

Кўпинча тозаланган ҳаво атмосферага чиқариб юборилмайди. Қисман цехга кайтарилади, яъни рециркуляция қилинади. Бунинг учун ҳаво ниҳоятда тозаланган бўлиши керак ва тозалангандан кейин ҳаводаги чанг микдори 30% дан ошмаслиги керак.

Йигириш фабрикаларидан титиш-саваш цехларида пахта толаларининг навига қараб 1,5 % дан 15% гача чиқиндилар ажралиб чиқади. Масалан, биринчи навли пахта толаларидан қарийб 2,5% ва IV навли пахта толаларидан 13,3 % гача чиқиндилар ажралиб чиқади. Пахта толаларини саваш агрегатлари билан ишлов берилганда катта микдорда чанг ва майдада

момиқлар ажралиб чиқади. Хусусан, пахта толасининг нави паст бўлса, ушбу чиқиндиларнинг, миқдори янада ошади.

Саваш машиналари билан толани ишлов берилганда ҳавонинг чангланиши $75\text{-}90 \text{ мг}/\text{м}^3$ атрофида бўлиши мумкин. Агар пахта толасини турли барабан орқали тозаланса ҳавонинг чангланиши $13 \text{ мг}/\text{м}^3$ га етиши мумкин. Агар ҳавони тозалаш учун енгли (матоли) филтрлардан қўлланилса, ҳавонинг чангланиши $0,5\text{-}1,0 \text{ мг}/\text{м}^3$ гача етказиш мумкин. Битта мана шундай филтр соатига $8000\text{-}9000 \text{ м}^3$ ҳавони тозалаш имкониятига эгадир.

Тараш цехларидаги янги тараш механизмларида чиқинди камералари мавжуд бўлиб, улардан чиқиндилар суриб олинади: Шляпа тарандиси ифлос чиқиндилар, момиқлар ва толалардан иборатdir. Қабул қилиш барабани устида чанг ва момиқлар 30%, ажратувчи барабан устида эса 45% чангли ҳаво бўлади. Юқори тезлик билан ишлайдиган, иш унумдорлиги $25\text{-}27 \text{ кг}/\text{соат}$ бўлган тараш машиналаридан минутига $18,5 \text{ м}^3$ ҳаво ажралиб чиқади. Тараш машиналари ишлатиладиган сортировканинг таркибига машиналарига, иш органларининг тезлигига, қоплама турига, ҳаво оқимларига, тараш системасига, қоплама ўткирлиги ва ишчиларнинг касб маҳоратларига қараб, 3,5 дан 8 % гача чиқиндиларни ажратиб чиқаради. Тараш машиналаридан ажралиб чиқадиган чиқиндиларнинг таркибида узунлиги 15 мм дан юқори бўлган толалар ҳам бўлади. Уларни қайта ишлатиш (йигириш) мумкин.

Йигириш фабрикаларининг барча цехларидан ажралиб чиқадиган ва пневматик транспорт ёрдамида ташиш керак бўлган чиқиндиларнинг миқдорини аниқлаш учун режаланган хом-ашё балансидан, (яъни жадвалдан) фойдаланилади. Ипнинг ва чиқиндиларнинг чиқиши миқдори танланган йигириш системалари (карда ёки қайта тараш системаси)га, аралашманинг таркибига, олинадиган ипнинг йўғонлигига ва ишлаб чиқаришдаги ташкилий ва умумий маданиятига боғлик бўлади.

Масалан, фабрикаларда суткасида ўртacha 40 тонна ип ишлаб чиқариладиган бўлса, 1 суткада ўртacha ташилиши керак бўлган чиқиндилар куйидагича бўлади:

Холст, пилта узуклари ва йигириш машиналаридан чиқсан момиқлар	3000-3100 кг;
Пилик узуклари	150 - 175 кг;
Халқачалар	50-75 кг.

Чиқиндиларни пневмотранспорт ёрдамида ташишда энг муҳим масала бу машиналар тагидаги чиқинди камерасидаги ифлосликларни йиғиб, уларни пневмоқувурларга узатишdir. Бунинг учун ишлатиладиган мосламалар 2 турга бўлинади: ажralаётган чиқиндиларни доимий равишда қувурларга тортиб олиш мосламалари ва иккинчиси вақти-вақти билан юклар очилиб, ёғилган чиқиндиларни қувурларга тортиб олиш мосламалари.

Саралаш саваш цехида ўрнатиладиган машиналардан чиқсан чиқиндиларни ташиш учун пневмотранспорт системасини тўғридан – тўғри машиналар чиқиндилари ажralаётган камераларидаги электромеханик клапанларига уланади. Бунда пневмотранспорт даврий ишлайди.

Тараш машиналаридан ажralган чиқиндиларни ташиш учун ҳам турли хил мосламалар ўрнатилади. Тараш машиналаридан ажralадиган чиқиндилар хилма-хил ва миқдор жиҳатидан ҳам анча кўпdir. Масалан, қабул барабанининг остида ёнғоқчалар ва момиқлар ажralади. Тарапнilar эса бош барабан ва ажратувчи барабанлардан ажralадилар. Бундан ташқари, тарапнilar шляпкалардан ҳам ажraлиб олинади.

Қабул барабани остидаги ёнғоқча ва момиқларни олиш учун даврий ишлайдиган автоматик система ўрнатилиб, пневмотранспортга электромеханик клапанлар ёрдамида узатилади. Шляпкалар тарапниси эса доимий ишлайдиган пневмотранспорт ёрдамида ташилади.

Пневмотранспорт системасида керакли ҳаво босимини барпо этиш учун уларга иккита вентилятор ўрнатилади. Чиқиндиларни ташиш ва йигищда ҳар хил чиқинди турларини аралаштириб юбормаслик учун чиқиндиларнинг ҳар бир турини қувурларда алоҳида узатилиб, уларни алоҳида-алоҳида узатиш керак. Бу чиқиндиларни қабул қилиш учун бир нечта лабазлар, яъни аралаштирувчи ва чиқиндиларни сақловчи катта ҳажмли машиналар ўрнатилади. Йигириш машиналаридан ажralадиган момиқни йиғиш учун йиғиш машиналарига махсус момик сургичлар ўрнатилган бўлади. Ҳар бир йигириш машиналарида

момиқ түплөвчи мосламалар ўрнатилған бўлиб, улардан момиқлар қўл билан олинниб, варонка орқали пневмоқувурларга берилади ва чиқиндилар цехига жўнатилади.

Ҳар бир цехдан ажраладиган қайтимларни ташиши учун турли хил пневмосистемалар қўлланилади. Демак, ҳар бир турдаги қайтимларни алоҳида қувурлар орқали ўз жойига – лабазларга юборилади. Кейин уларни (узук қайтимларни) пресслаб тортилади, маълум миқдори аралаштириш учун сортировка цехига берилади ва улар ўз сортировкаларида қўшилади.

Қайта тараш машиналаридан анчагина таранди ажралиб чиқади. Уларни узлуксиз ишлайдиган пневмотранспорт ёрдамида ташилади. Битта машинасидан чиқсан тарандилар маҳсус транспортёр билан пневмотранспортёр варонкасига элтиб берилади, қувурларга тушган тарандилар чиқиндилар цехида ўрнатилған маҳсус лабазда йигилади. Ҳар бир сортировка учун алоҳида пневмотранспорт воситаси қўлланилади. Шундагина ҳар хил тарандилар аралаштириб юборишдан сақланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ишлаб чиқариш бинолари ва машиналарни сиқилған ҳаво билан тозалаш қатъиян ман этилади. Ишлаб чиқариш биноларини чангдан тозалаш, маҳсус механик усулда ишлайдиган вакуумли ёки айланиб юрадиган чанг сурувчи мосламалар ёрдамида бажарилиши керак. Барча ишлаб чиқариш биноларида шамоллатиш воситалари бўлиши керак.

Иситиш ва шамоллатиш воситаларидан кучли шовқин чиқмаслиги керак, шовқин кучи 75-85 дБ (децибелл) дан ошмаслиги шарт.

Назорат саволлари

1. Ярим маҳсулот узуклари деганда нимани тушунасиз?
2. Йигириш фабрикаларида қанча толали чиқиндилар бўлиши мумкин?
3. Йигириш жараёнларида ажралиб чиқадиган чиқиндилар неча турга бўлинади?
4. Ип йигириш фабрикаларида қайси экологик муаммолар вужудга келиши мумкин?
5. Йигилиб қолган чиқиндиларнинг ишлаб чиқаришга қайтариш ва уларнинг қўлланиш соҳаларини тушунтиринг.
6. Чиқиндиларнинг миқдори толаларнинг навига боғлиқ-ми?
7. Ҳавони тозалаш учун қайси филтрлардан қўлланилади?
8. Вужудга келган экологик муаммоларни ечиш йўлларини қандай тасаввур қиласиз?

15. Чарм ва мўйна ишлаб чиқариш хом- ашёлари

Чарм ва мўйна ишлаб чиқариш хом-ашёлари гурухига асосан ҳайвонот терилари киради.

Чарм деганда, ҳайвонот терисининг дерма қисми тушунилади. Унинг толали тизимининг хоссалари (физик, физик-механик ва кимёвий хоссалари) ни керакли томонларга ўзгартириш мумкин.

Мўйна деганда, ҳайвонот терисининг остки тўқималари тушунилади. Баъзан теридан дерманинг бир қисми олинган, толали тизими эса сақланган бўлади, факат толаларнинг физик, физик-механик хоссалари, ҳамда жун қоплами мақсадга мувофиқ ўзгартирилган бўлади.

Дерма терининг асосий қатлами бўлиб, тери қатламининг 95-98% ни ташкил этади. У асосан аморф моддалардан, ҳужайрали ва толали элементлардан, яъни коллагендан таркиб топган.

Тери асосан 4 қаватдан иборат бўлади:

1. Жун қоплами.
2. Эпидермис (жун қоплами остидаги ва дерма юкорисидаги юпка қават).
3. Дерма.
4. Тери остидаги ёғли тўқималар.

Чарм ишлаб чиқаришда терининг факат дерма қисми ишлатилса, мўйна ва қўй пўстин ишлаб чиқаришда эса дерма билан эпидермис ва жун қоплами ҳам ишлатилади.

Қўлланиш соҳаларига қараб чармлар 4 синфларга бўлинади:

1. Пойафзал учун чармлар (пойафзалнинг остки ва устки қисмларига ишлатиладиган чармлар).

2. Эгар-жабдуқ учун чармлар (үй-рўзгор ва от жиҳозлариға ишлатиладиган чармлар).
3. Техник чармлар (тасмалар, машина деталлари ва бошқа техник мақсадлар учун қўлланиладиган чармлар).
4. Кийим – атторлик чармлар (кийим, қўлқоп, сумка, атторлик буюмлари учун қўлланиладиган чармлар).

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, пойафзалнинг остки қисми учун чарм ишлаб чиқаришда от, туя ва чўчқа териларидан фойдаланилади. Ушбу чармларни ишлаб чиқариш учун асосан ўсимликлардан тайёрланган ошловчи моддалар, синтетик ва анорганик ошловчи моддалар, ҳамда уларнинг аралашмалари қўлланилади. Бу чармлардан таглик, патаклар, баҳялар, нагаллар, охирчуплар ва пойафзалнинг бошқа остки қисмлари учун чарм деталлари бичилади. Одатда ушбу чармлар табиий (натурал) кўринишда ёки очик рангда ишлаб чиқилади.

Давлат андозалариға асосан, пойафзалнинг остки қисми учун ишлатиладиган чармлар, уларнинг қалинлигига қараб 5 тоифага бўлинади:

1. Қалинлиги 4,5 мм дан юқори бўлган чармлар.
2. Қалинлиги 4,1 - 4,5 мм атрофида бўлган чармлар.
3. Қалинлиги 3,6 - 4,0 мм атрофида бўлган чармлар.
4. Қалинлиги 2,6-3,5 мм атрофида бўлган чармлар.
5. Қалинлиги 2,6 мм дан кичик бўлган чармлар.

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, пойафзалнинг таглиги учун 1-3 тоифадаги чармлар ва патаклар учун 4 ва 5 тоифадаги чармлар қўлланилади.

Терининг қалинлиги чармнинг қулланиш соҳасини ва 100 м^2 чармга сарфланадиган хом-ашёни аниқлайди. Терига ишлов бериш муддати ҳам кўпинча терининг қалинлигига боғлиқ. Агар тери текис бўлса, ундан чарм бичиш қулай, исроф кам бўлади ва иқтисодий нуқтаи назардан катта фойда кўриш мумкин.

Терининг қалинлиги бўйлама йўналишда думғозадан ёқага қараб камайиши, ёки ёпчиқдан қорин қисмига қараб терининг юпқаланиши нуқсон ҳисобланади.

Терининг юзаси унинг бичиш хусусиятларини белгилайди. Юзаси 20 дм^2 дан кичик бўлган терилар чарм ишлаб чиқаришда қўлланилмайди.

Жун қоплами яхши ривожланган бўлса, дерманинг чиқими кам бўлади, чунки хом-ашё массасига жун ҳам киради. Теридағи соchlарнинг миқдори кўп бўлса, дерманинг ғуддали қатламишининг мустаҳкамлиги шунча паст бўлади. Тери остидаги тўқималарнинг қалинлиги кичик бўлса, тайёр маҳсулот чиқиши кўпайиб, чиқиндилар миқдори кам бўлади.

16. Терига ишлов бериш технологик жараёнлари

Чарм ва мўйна хом-ашёларига ишлов бериш технологик жараёнларини билмай туриб енгил саноат ишлаб чиқариш корхоналарида вужудга келадиган иқтисодий ва экологик муаммолар ҳақида маълумот бериш ниҳоятда қийин. Шунинг учун терига ишлов бериш асосий технологик жараёнларни кўриб чиқамиз.

Ҳайвонот териларини ифлосликлардан тозалашнинг энг қулай усули-ҳайвонни сўйишдан олдин ювиш ҳисобланади. Натижада катта миқдорда оқова сувлари пайдо бўлади. Тери ҳайвондан шилингандан сўнг уни турли ифлосликлар (гўшт қолдиқлари, ёғ ва бошқалар)дан тозаланади. Бундан ташқари, ҳайвонот шохлари, қулоқлари, думлари ва туёклари олиб ташланади. Яъни, суюқ чиқиндилардан ташқари қаттиқ чиқиндилар ҳам пайдо бўлади.

Ёғ ва гўшт қолдиқлари қўл ёрдамида ёки мездралаш машиналари ёрдамида теридан олиб ташланади. Натижада тоза терининг массаси 20 - 22% га камаяди, терининг сифати яхшиланиб, кейинги ишлов бериш технологик жараёнлари осонлашади, консервалашда ва консерваланган хом-ашёларни ташишга сарф бўладиган харажатлар камаяди.

Терини ёғсизлантириш учун механик усул ҳам қўлланиши мумкин. Терига сирт актив моддалар билан ишлов бериш, ишқорларнинг кучсиз эритмалари ва органик эритувчилар ёрдамида ёғсизлантирилади. Демак, терини ёғсизлантириш жараёнида турли таркиб ва физик-кимёвий хоссаларга эга бўлган суюқ чиқиндилар пайдо бўлади.

Маълумки, ҳайвонот терилари бактерия ва ферментлар таъсирида ўзгариши мумкин:

териннинг ағдарма томонида нуқсонлар пайдо бўлиб, унинг ранги ўзгаради, теридағи сочлар тўкила бошлайди, ёмон ҳидлар чиқаради ва шилимшиқ бўлиб қолади. Буларнинг барчаси териларни консервалаш заруратини талаб қиласди.

Консервалашнинг асосий мақсади – терининг бактерия ва ферментлар таъсиридан сақлашдир. Териларни музлатиш ва қуритиш усуулари ёрдамида консервалаш мумкин. Бунинг учун ош тузи қўлланилади. Ош тузи тери оқсилларига таъсир этувчи микроорганизм ва ферменгларнинг ривожланишига йўл қўймайди. Хом-ашёларга ишлов бериш учун 5% дан ошмаган ва таркибида бошқа туз чиқиндилари бўлмаган тоза туз ишлатилади. Бир маротаба ишлатилган туз, иккинчи маротабага антисептиклар кўшилиб ишлатилиши мумкин. Ош тузи аралашмасига ош тузи массасига нисбатан 1,5% натрий, фтор силикати ва 1% парахлорбензол (яъни, антисептиклар) кўшиб ишлов берилади.

Терини қуюқ туз эритмасида консервалаш усули мавжуд. Буни тузлук усули дейилади. Тери зичлиги 1,19-1,20 г/см³ атрофида бўлган ва концентрацияси 26% ни ташкил этган қуюқ туз эритмасида сақланади. Эритмага 1-2 г/л миқдорида антисептик-натрий фтор силикати солинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу консервалаш усулининг 2 та камчилиги мавжуд: биринчидан, хом-ашё оғирлигига нисбатан 50-60% туз сарфланади ва агар терини ёйиб тузланса, 40-45% туз сарф бўлади; иккинчидан, ишчи кучлари кўп сарф бўлади. Бундан ташқари, қуруқ туз эритмасида консерваланган терилар узоқ муддатларга сақланса, терида қизилча туз доғлари пайдо бўлади. Ушбу нуқсонларни олдини олиш учун консервалашда ош тузига натрий карбонати, парадихлорбензол, цинк (рух) хлориди, натрий гидросулфат ва гидросулфит, калий фосфат, барат кислота, нафталин, алюминийнинг калийли аччиқ тошлари, керосин кўшиб ишлов берилади. Ушбу технологик жараёнда ҳам катта миқдорда турли таркиб ва кимёвий хосаларга эга бўлган суюқ ва қаттиқ чиқндилар пайдо бўлади.

Терни тузлаб қуритиш усули ҳам мавжуд. Хом-ашё масасига нисбатан 20-25% ош тузи билан тузланади.

Терини пикеллаб консервалаш усулида тери кислота ва туз эритмаларида ишлов берилади. Бу усулни пикеллаш (нордонлаш) дейилади. Пикел эритмаси асосан 15-20% ош тузи билан 2% ли хлорид ёки сулфат кислота эритмасидан таркиб топган бўлади. Пикелланган тери тўқимаси хўл муҳитларда сақланса у мөгорлайди ва чирий бошлайди. Шунинг учун у хромланади.

Қуритилган хом-ашёларни ивitiш усули ҳам мавжуд. Терини сув ва сувга кўшилган электролитлар (ош тузлари, ишқор ва кислоталар) билан ишлов бериш жараёнини ивitiш дейилади. Ош тузи, ишқор гурухларни ионлаштириб, ивitiш жараёнини тезлаштиради.

Шуни ёдда тутиш керакки, ивitiш жараёни чарм ва мўйна олиш учун бошлангич жараён хисобланади. Ивitiш суви таркибида 5 г/л Na_2SO_4 ва 0,75 г/л Na_2SP_6 бўлади. Ушбу концентрациялар чарм олишда ишлатилади. Мўйна олишда эса эритиши сувида 20 г/л сулфат натрий (Na_2SO_4) кўшилади.

Ачитиш усули билан консерваланган хом-ашёларни ивitiш учун ивitiш сувида 30 г/л ош тузи ва 1,5 г/л сирка кислота солинади. Бу асосан қоракўл териларини ивitiшда ишлатилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар қандай терини ивитганда бактериялар ҳам ривожланади. Уларнинг ривожланишини олдини олиш учун антисептиклар ишлатилади. Энг яхши антисептик кремний фторли натрий хисобланади. Унинг концентрацияси 0,75 г/л дан кам бўлмаслиги керак.

Теридан жунни ажратиб олиш мақсадида калций оксиди CaO ва сулфит натрий Na_2S суспензияси ишлатилади. Аммо уларни терига суртганда жун эрийди, шунинг учун бу усул кам ишлатилади. Аммо терининг баҳтарма томонига суртилса, бу реактивлар жунга таъсир этмайди. Суспензия таркибида 35-75 г/л сулфит натрий (Na_2S) ва 140-150 г/л CaO бўлиши мумкин. Лекин шуни ҳам қайд қилиш керакки, экологик нуқтаи назардан олиб қараганда ушбу суспензияларни терига суртиш кўл ёрдамида амалга оширилади. Шунинг учун антисанитар ҳолатлар вужудга келиб меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари бир мунча қийинлашиб қолади.

Терини жунсизлантириш учун озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам ишлатилиши мумкин. Яъни, ионларни бижғитишида пайдо бўладиган кислота таъсирида олиб борилади.

Жунсизлантириш жараёни узок вақт давом этади, ифлосгарчилиги кўп ва шунинг учун бу усул кам ишлатилади.

Хом-ашё ёки хом-ашё териларни калций гидроксид суспензияси билан ишлов бериш жараёни қуллаш дейилади. Калций гидроксиди сувга яхши эримайди. Кўпинча калций гидросидига натрий сулфиди қўшилган кучли қуллаш суюқлиги қўлланилади. Агар фақат оҳакли сув ишлатилса, дерманинг ишқорда эриши (яъни, нажор) кам бўлади. Оҳакли сув билан сулфид натрий аралашмаси ишлатилса, нажор кучли бўлади. Чунки калций ионлари иккита карбоксил гурухлари билан боғланиб молекуларапо боғлар пайдо бўлади.

Ошлаш жараёни чарм саноатида энг муҳим физик-кимёвий жараён ҳисобланади. Ошлаш жараёнида терининг дерма тизимлари шаклланади, натижада тери чармга айланади.

Ошлаш жараёнида дерма куйидаги муҳим хусусиятларга эга бўлади:

1. Дерманинг иссиликка чидамлилиги ошади. Унинг куритганда хажми, калинлиги ва юзаси узгармайди (кам тортилади).

2. Тизимининг ғоваклиги ошади. Дерманинг сувда букиши камаяди. Чармнинг мустаҳкамлиги ошади, у кам деформацияланади.

3. Сувга чидамлилиги ошади. Чармни ёйилишига чидамлилиги ошади ҳоказо.

Чарм ва мўйна ишлаб чиқаришга турли хил ошловчи хусусиятига эга анорганик моддалар (III) валентли хром *Cr*, алюминий *Al* ва тўрт валентли цирконий ва титан тузлари ишлатилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, табиатда хром тузларининг (II) ва (IV) валентли бирикмалари мавжуд, аммо улар ошлаш хусусиятига эга эмас. Фақат асосли (III) валентли хром комплекс бирикмалари ошлаш хусусиятига эга.

Ошлаш жараёнида хромнинг ошловчи асосий бирикмалари эритма сифатида ишлатилади. Концентранган хром ошловчи бирикмаларининг эритмаларига хром экстрактлари деб аталади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги пайтда хром экстрактлари тайёр кукун шаклида ҳар хил асосликда ишлаб чиқарилади ва улар тери заводлари ва мўйна фабрикаларига тайёр ҳолатда келтирилади. Аммо ушбу заводлар ва фабрикаларнинг ўзида ҳам хром экстрактлари тайёрланади. Уларнинг ошлаш хусусияти тайёр хром экстрактининг кукунидан тайёрланган ошловчи бирикмаларнинг ошлаш хусусиятидан юқори. Шунинг учун хром экстрактлари ишлаб чиқариш корхоналаридағи хромли материаллардан (яъни, бихромат натрий ва калийдан ($Na_2Cr_2O_7$, $K_2Cr_2O_4$), моногромат натрий ва калийдан (Na_2CrO_4 , K_2CrO_4) хром ангидридидан (CrO_3), хромнинг калийли ва натрийли аччиқтошларидан $KCr(SO_4)_2 \cdot 14H_2O$, $Na_2Cr_2(SO_4)_4 \cdot 24H_2O$, $NaCr(SO_4)_2 \cdot 12H_2O$) ва хром чиқиндиларидан тайёрланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хромли ошловчи моддаларни тайёрлашда кимёвий реакция туфайли катта кўпиклаш ҳодисалари рўй бериб газ ажратиб чиқади. Бунинг учун вентиляция бўлиши зарур.

Бундан ташқари, юқорида қисқача қайд қилиб ўтганимиздек, чарм ва мўйна ишлаб чиқариш технологик жараёнларида заҳарли газлардан ташқари, оқова сувлари, суспензиялар ва турли таркиб ва физик-кимёвий хоссаларга эга бўлган суюқ ва қаттиқ чиқиндилар пайдо бўлади. Чунки хом-ашёларга ишлов беришнинг барча жараёнлари асосан сув, тузлар, ишқорлар ва кислоталар иштироқида кечади. Ишлов бериш жараёнида шундай тузлар ҳам ҳосил бўладики, улар сувда эрувчан эмас ва кўргина ҳолларда чўкма шаклида йиғилиб қолади. Экологик нуқтаи назардан олиб қараганда, бундай чиқиндиларни оқова сувлари таркибидан ажратиб олиш ва оқава сувларини тозалаш муаммолари келиб чиқади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, тери хом-ашёларини нордонлаш (пикеллаш) кислотали мухитларда (яъни, водород кўрсатгиши PH миқдори 5-6 оралиғида) олиб борилади. Агар суюқлик таркибидаги кислота кўп бўлса, PH камайиб кетади. Демак, оқова сувларни зарарсизлантириш учун улар маҳсус реагентлар ёрдамида нейтралланади, яъни ўзгартирилади. Оқова сувлари таркибидаги қаттиқ чиқиндилар эса бир қатор физик-кимёвий тозалаш усувлари (чўқтириш, тиндириш, филтрлаш, коагуляциялаш ва бошкалар) ёрдамида ажратиб олинади.

17. Чарм ва мўйна ишлаб чиқариш чиқиндилири ва уларни қайта ишланаш принциплари

Охирги йилларда чоп этилган маълумотларга қараганда, республикамиз нинг чарм ва мўйна ишлаб чиқариш корхоналарида йилига 1 млн дона йирик шохли мол терилари ва 1,5 млн дона кўй-кўзи терилари қайта ишланади.

Гўшт комбинатларида ва чарм хом-ашё базаларига терига бирламчи ишлов беришда чиқиндилири пайдо бўлади. Ушбу чиқиндилири 3 гурӯхларга бўлиш мумкин:

1. Теридан чиқадиган чиқиндилири (кирқимлар, қулоқ, дум лаб, ёғлар, гўшт қолдиқлари ва ҳоказолар).

2. Кератин чиқиндилири (шох, туёқ, жун).

3. Суяқ чиқиндилири (пастки қисм қолдиқлари, пешона суюклари, дум, суяқ таркибидаги ёғ қолдиқлари ва ҳоказолар).

Маълумки, тери хом-ашёларидаги ёғ микдори ниҳоятда кўп бўлади. Агар ёғ нотекис жойлашган бўлса ва унинг микдори кўпроқ бўлса, терини ишлов беришга халақит беради, чарм ва мўйнани ранглашда ҳам халақит беради. Бу ёғлар кислород билан реакцияга киришиб, оксидланиб тери мустаҳкамлигини пасайтиради. Бундан ташқари, мўйнани ишлов беришда жун ёғлар бўлса, ранглашда ҳар хил доғлар пайдо бўлади, яъни жунларнинг ёғли жойлари рангланмайди. Шунинг учун терини ёғсизлантириш катта аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, терининг баҳтарма томонида ёғлар ва гўшт қолдиқлари ҳам бўлади. Улар мездра деб аталади.

Терининг баҳтарма томонидаги ушбу ёғлар ва гўшт қолдиқларини қартишлаб тозалаш жараёнига мездралаш дейилади. Чарм заводларида тери хом-ашёларини маҳсус дискли ёки валли мездралаш машиналарида ишлов берилади. Маҳсулотнинг турига қараб 20-30% мездра хом-ашёлари ҳосил бўлиши мумкин. Шунинг учун чарм заводларида мездра қимматбаҳо чиқинди ҳисобланади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мездра терини ивтишдан олдин ёки кейин, уни қўллашдан ва жунсизлаштиришидан кейин ҳам олинади. Мездра қўл билан ҳам олиниши мумкин: терини иккитага бўлинганда хом терини қирқиши пайтида ҳам мездра олинади.

Мездра желатин ва елим олишда асосий хом-ашё ҳисобланади. Машинада қайта ишланган мездра тоза сўйилган мол терисининг массасига нисбатан 20-25% ни ташкил этади. Елимни чиқиши 8-10% ни ташкил этади.

Бундан ташқари, баъзи тери хом-ашёлари (чўчқа териси, кўй териси) да ёғ кўпроқ бўлади. Чўчқа териларида 45% куй териларида эса 35% гача ёғлар бўлади. Олинган мездранинг таркибида куп микдорда ифлос гуштлар бўлади. Уларни кайнатиб ёг олинади, қолдиқларидан эса угитлар ишлаб чиқарилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тери хом-ашёларини мездралаш қўлда бажарилса, унда мездра таркибида оз микдорда бўлса ҳам тери қирқимлари бўлади. Хом терини тозалаш пайтида унинг четки қисмлари (дум қисмлари, бош қисмидан чарм ишлаб чиқаришга яроқсиз қисмлар) кесилади. Улар юқори сифатли маҳсулотлар олиш учун катта аҳамиятга эга. Кўл билан олинган мездрадан 14-17% гача елим олиш мумкин. Елим ишлаб чиқаришда 1 кг маҳсулотга 1,0-1,5 м³ сув, желатин ишлаб чиқаришда эса 2,0-2,5 м³ сув сарфланади. Мездрадан ювиш учун оқава сувлар филтрланади ва 20⁰С да ишлатилади. Желатин олиш учун таркибида маргенец, темир ёки органик элементлар бўлмаган тоза ичимлик сув қўлланилади.

Чармни ошлашдан кейин бўяш-пардозлаш ишлари охиригача бормаган чармлардан ҳам чиқиндилири чиқади. Улар чармни тортиб чўзилганда, уни қирқсанда ҳосил бўлади. Улардан олинган елимларнинг ранги қорароқ бўлади, чунки ушбу чиқиндилири хромланган чармлардан чиқади. Бу елимлар ранг-бўёкларга тўлдирувчи сифатида қўлланилади.

Елим булонлари таркибида сув 50-80% ни, желатинда эса 70-95% ни ташкил этади.

Охирги йилларда мездрадан тиббиёт соҳасида, хусусан хирургия соҳасида ишлатиладиган кукунлар, иплар ва плёнкалар олинмоқда. Улар яхши сингдириш хусусиятига эга. Баъзан паст навли мездралардан ҳайвонот ва паррандалар учун ем ишлаб чиқарилади.

Чарм ва мўйна хом-ашёларига ва улардан чиқадиган чиқиндилирига ишлов берганда,

уларда маълум миқдорда ёғ қолади. Бундай ёғлар асосан йирик шохли ҳайвонот териларида, чўчқа ва қўй териларда кўпроқ бўлади. Бу хом-ашёларга ишлов беришдан олдин улар ёғсизлантирилади, экстракцияланади ва мездраланади. Чўчқа териларидан 30-50%, уларнинг спилкасидан 10-15% ёғ олинади. Машина ёрдамида олинган мездрадан 20-30% гача ёғ олинади. Қўй терилари мездрасидан 5% ёғ олинади. Ажратиб олинган ушбу ёғлар саноатда ниҳоятда қимматбаҳо хом-ашё ҳисобланади.

Мездрани қайта ишлаб елим ва желатин ишлаб чиқариш учун унинг вазнига нисбатан 2,0-3,5% гача ёғ ажралиб чиқади. Ушбу ёғлар елим ва желатинни қайнатиш пайтида ҳосил бўлади. Уларнинг зичлиги паст бўлгани учун, бу ёғлар елим булонларининг устида бўлади. Бу ёғлар елим билан эмулсия ҳосил қилмаслиги учун булон устидан йиғиб олинниб турилади.

Олинадиган бундай ёғларнинг ранги тиник бўлмайди, хидли бўлади. Шунинг учун уларни пресслаб гил орқали ўтказилиб тозаланади. Бунда ёғнинг ранги ва ҳиди яхшиланади.

Чиқиндилардан елим пиширишда ишлаб чиқарилган чарм елимлари сариқ рангдан жигар ранггача бўлади. Улар совун, пойафзал креми ишлаб чиқаришда қўлланилади ва терини ёғланганда мол чарбиси ўрнини босади.

Теридаги ёғ битта навда ишлаб чиқарилади. У юқори кислотали ёғлар, глицерин ва совун ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Суяқ ёги совун ишлаб чиқаришда, шам, стеарин, глицерин, типография бўёқлари, косметика (крем) маҳсулотлари, тери картони, локлар, қопламалар ва чарм ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Чарм ва мўйна ишлаб чиқаришда жуда катта микдорда жун, соч ва щетиналар ажралиб чиқади.

Баъзи мол териларидан қуруқ жун ва щетинанинг чиқиши қуидаги жадвалга келтирилган:

Хом-ашё турлари	Вазни, кг	Жун, %
Йирик шохли	14,5-19,5	2,5
Моллар териси	19,5-24,5	2,8
Бузок териси	4,0	6,5
Чўчқа териси	2,0-3,0	2,1
	3,0-3,5	2,0
	3,5-4,0	1,9
	4 дан юқори	2,1
Кўй териси	3,0	26,0
Эчки териси	3,0	15,0

Кўй жунларидан юқори сифатли қўлқоплар ва пайпоқлар ишлаб чиқарилади. Юқори сифатли жунлар саваланиб, улардан ип олинади. Шляпа ишлаб чиқаришда ёввойи мушук ва қуён жунлари қимматбаҳо хом-ашё ҳисобланади. Щетина эса, шётка ишлаб чиқариш учун керакли хом-ашёдир.

Соч чиқиндилари чарм заводларидан рангига қараб, турларга ва навлар (узун, ўрта ва калта)га қараб ажратилади. Соч жун ювиш машиналарида ювилиб барча ахлатлар (оҳак қолдиклари, эпидермик ва мезрда қолдиклари) дан ювиб ташланади. Асосан тўқимачилик саноатида ишлатиладиган оқ жунлар (кўй ва эчки жунлари) катта эътибор билан ажратиб олинади.

Чарм ишлаб чиқаришда пайдо бўладиган яна бир чиқинди – хром ва унинг бирикмалари ҳисобланади. Хром тузларининг 47% тайёр чарм маҳсулотига, 30% қайта ишлов бериш ошлаш ваннасида қолади, 20% яроқсиз чарм чиқиндиларига ва қолган 3% чармни ювиш пайтида сув билан чиқиб кетади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, уч валентли хром ўз ранги билан ажралиб туради. Унинг паст концентрациялари ҳам сув ҳавзаларини ифлослантиради.

Ошлашдан сўнг кейинги ишлов бериш жараёнларида чармдан хром қириндилари, спилка ажралиб чиқади. Кўп ҳолатларда спилкалардан астарлик сифатида қўлланилади. Спилкалар лок билан пардозлаб, уларга тасвирлар берилиб кийим-кечак ва пойафзал ишлаб

чиқаришда құлланилади.

Хром қириндиси чармни бир текисда текислаш пайтида пайдо бўлади. Тоза хром қириндилари баланд кўк рангда бўлади, таркибида 2-5% хром оксиди, 5-10% кул ва 70% сув сақлайди. Оғир чармларни текислашда 10% гача хром қириндиси олинади.

Хром қириндиларидан нафақат елим, балки ишқор ва кислотада ишлов берилган хром қириндиларига фосфат калций қўшиб пресслангандан сўнг ундан тугма ва ручкалар тайёрлаш мумкин. Хром қириндиларида 18% елим олиш мумкин.

Назорат саволлари

1. Тери чарм, мўйна ва дерма атамаларини изоҳланг.
2. Тери неча каватдан иборат ва уларни изоҳлаб беринг.
3. Чарм қўлланиш соҳаларига қараб неча гурухларга бўлинади?
4. Пойафзалининг остки қисми учун ишлатиладиган чармлар неча тоифаларга бўлинади?
5. Терига ишлов бериш технологик жараёнлари ҳақида маълумот беринг.
6. Тузлук усули деб нимага айтилади ва унинг камчиликлари нималардан иборат?
7. Терини пикеллаш деганда нимани тушунасиз?
8. Терини ивитиш усули ҳақида маълумот беринг.
9. Терини ошлаш деганда нимани тушунасиз?
10. Хром элементи ва унинг биримлари ҳақида маълумот беринг.
11. Терига ишлов бериш жараёнида вужудга келадиган экологик муаммолар ҳақида маълумот беринг.
12. Чарм ва мўйна ишлаб чиқариш чиқиндилари ва уларнинг турлари ҳақида маълумот беринг.
13. Мездра деб нимага айтилади?
14. Желатин ва елим олиш технологик жараёнларини изоҳлаб беринг.
15. Чарм ва мўйна ишлаб чиқаришнинг экологик муаммолари ва уларнинг ечиш йўлларини изоҳлаб беринг.

18. Чорвачилик ва паррандачилик комплекслари чиқиндиларини қайта ишлашнинг экологик илмий асослари

Маълумки, республикамизнинг умумий майдони $447,4$ минг км^2 бўлиб, шундан қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлар $269,2$ минг км^2 ва сугориладиган ерлар 43 минг км^2 ни ташкил этади.

Энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотларини 2010 йилгача ишлаб чиқариш кўрсатгичлари ва башпоратлари қўйидаги жадвалга келтирилган.

Махсулот турлари	1990	1995	1997	2000	2005	2010
Пахта, минг тонна	5058	3934,2	3641	4000	4000	4000
Буғдой, минг тонна	553,5	2346,9	3073	4800	5400	6000
Картошка, минг тонна	336,4	440	691,9	750	950	1000
Сабзавотлар, минг тонна	2842,5	2724,2	2384,2	2720	3200	3500
Полиз маҳсулотлари, минг тонна	1000	472	376,2	550	770	850
Мевалар, минг тонна	660,4	602,3	547,7	550	850	950
Узум, минг тонна	744,7	621	511,5	500	850	950
Чорва ва парранда (тирик вазнда), минг тонна	789,1	853	800,7	845	875	930
Сут, минг тонна	3034,2	3665,4	3406,1	3710	4155	4680
Тухум, минг тонна	2452,9	1231,8	1075,4	1390	1640	2030
Минерал ўғитлар, минг тонна	1762	943	955	1000	1556	1892

Жадвалдаги маълумотлар кўрсатадики, 2010 йилга бориб дон етиширишни 6 млн тоннага, сабзавотларни-3,5 млн т., полиз маҳсулотларини-850 минг т., гўштни-930 минг тоннага етказиш кўзга тутилган. Юқоридаги вазифаларнинг бажарилишининг энг самарали

йўлларидан бири – қишлоқ хўжалиги соҳасида чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологияларни жорий этишдир. Фақат 1990-1994 йиллар давомида йирик шохли қорамоллар миқдори 19,7% га ошган. Ҳозирги пайтда республиканинг йирик чорвачилик комплексларида йилига 19 млн м³ суюқ гўнг йиғилиб қолмоқда. Фақат Бухоро вилоятида 5,7 млн м³ суюқ гўнг чиқинди сифатида тўпланиб қоляпти.

Маълумки, чорвачилик ва паррандачилик комплексларида йиғилиб қолган гўнг ва чиқиндиларни хандакларга 1,5-2 йил давомида сақлаб, сўнгра минерал ўғит сифатида ишлатилади. Аммо ушбу муддат давомида чиқиндилар таркибидаги керакли овкатбоб компонентларнинг 60%, азотни 50% ва фосфорнинг 40% самарасиз нобуд бўлади. Бундан ташқари, гўнг таркибидаги бегона ўсимликлар уруғи йўқолмайди. Натижада ғўзани ёки сабзавот ва полиз экинзорларини ўтоқ қилиш керак бўлади. Мул-кўл ҳосил этиштириш мақсадида ҳар гектар ерга камига 140 кг азот, 120 кг калий ва 30 кг фосфорли ўғитлар сепилади. Натижада ҳар гектар ердан мўл-кўл ҳосил олишга сарфланган харажатлар қарийб 3-4 минг сўмни ташкил этаяпти.

Гўнг таркибida касаллик тарқатувчи микроорганизмлар, вируслар, оддий бир ҳужайрали жониворлар, гижжа тухумлари, бактерия ва гелминтлар мавжуд. Гўнгни хандакларга 1,5-2 йил сақлаш пайтида ҳам ушбу микроорганизм ва бактериялар ўз ҳаётини сақлайди. Бундай чиқиндилар ва гўнглар билан озиқлантирилган майдонлардан олинган озукалар ва улар билан парваришланган чорвалар инфекцион ва инвазион касалликларга учрашиши мумкин. Бундан ташқари, гелминтлар уруғи шамолнинг тезлиги 3-4 м/с га етганда 400-600 метргача кўчиши мумкин. Бунда нафақат ҳайвонот, балки ферма ёки комплекс атрофида яшовчи аҳоли кассаллик қўзгатувчи микроблар ва бактериялар билан заарланиши мумкин.

Ферма атрофидаги атмосфера ҳавоси микроорганизмлар, амиак, чанг, ва органик моддаларнинг парчаланиши жараённида ҳосил бўлган газ ва ислар билан ифлосланади. Чиқиндиларнинг парчаланиши пайтида метонал, бутанол, изобутанол, формалдегид, меркаптан ва бошқа органик бирикмалар пайдо бўлади. Анаэроб жараённида парчаланаётган органик моддалар ўзларидан жуда сассиқ газлар: амиак, сероводород, меркаптан моддалари билан ташки армосфера ҳавосини ифлослантиради. Фермадан 1 км узоқ масофада амиакнинг концентрацияси 0,5 мг/м³ га тенг бўлиб, 2-2,5 км га узоклашган сари унинг концентрацияси пасайиб 0,44 мг/м³ ни ташкил этади. Ферма ёки комплекс миқёсида органик моддаларнинг атмосфера ҳавосидаги концентрацияси 22,4 мг/м³ ни ташкил этади. Органолептик хидларни комплекс ёки фермадан узоқ масофаларда ҳам бемалол сезиш мумкин.

Табиий ифлосланган сувлар таркибида биоген моддалар мавжуд бўлади. Сувда азот минерал ва органик моддалар (NH_3 , NO_2 , NO_3) таркибида бўлади. Амонийли азот ёз пайтида кўпроқ бўлади, қиши пайтида эса сизот сувлари билан аралашганда нитрат ионлари кўпайиб кетади.

Куйидаги жадвалга Бухоро минтакасидаги сув манбаларининг таҳлил натижалари келтирилган.

Сув манбалари	Сувларнинг физик-кимёвий таркиби, %		
	NH_3	NO_2	NO_3
Водород суви	-	йўқ/1,2	йўқ/1,5
Ариқ суви	йўқ/0,5	йўқ/1,6	2,0/3,3
Зовур суви	0,5/1,4	0,3/4,8	1,2/5,2

Изоҳ: Суратда ёз пайтида, маҳражда эса қиши пайтида сув таркибидаги моддалар миқдори курсатилган.

Жадвалдаги натижалардан мәлүмки, сувларнинг физик-кимёвий таркиби таҳлил қилиш учун олинган сув манбаларига ва йил фаслларига боғлиқдир. Сув таркибидаги минерал фосфорнинг концентрацияси 5-6 мг/л, азотнинг концентрацияси 7-10 мг/л ва кислородга бўлган эҳтиёжи 7,0-75 мгО₂/л ни ташкил этади.

Чорвачилик ва паррандачилик комплексларидағи оқова сувларни зовурларга оқизилиши сувнинг санитар ҳолатини кескин ёмонлаштиради. Натижада зовур сувларининг ҳиди ёмонлашади, сувнинг кислородга булган эҳтиёжи эса 70-80 мгО₂/л гача етади. Бундай зовурларда балиқлар бўлмаслигининг боиси ҳам шундадир.

Ер ости сувлари 1,5 метрдан 15 км гача булган чукурликлarda жойлашган булиб, улар босимсиз ва босимли бўлади. Ер остидаги босимли сувларни артезиан сувлари деб аталади. XII асрда Франциянинг Арт вилояти ахолиси ер остида жойлашган чукур ер қатламлари оралиғидаги сувлардан фойдаланган ва бундай сувлар ҳозиргача фанда мазкур вилоят номи билан чукур артезиан сувлари деб номланиб келинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сизот сувлари, шунингдек артезиан сувларини ифлосланиши нитратлар миқдорига боғлиқдир. Сизот сувларида нитратлар концентрацияси 400-500 мг/л гача етади. Сизот (артезиан) сувлари ифлосланишининг олдини олишнинг бирдан-бир йўли чорва молларини қўтанларда сақлашдир. Бу эса, оқова сувларини йиғиш ва тозалаш имконини беради. Натижада нитратларнинг концентрацияси 57 мг/л дан 20 мг/л гача пасайиши мумкин.

Бизнинг минтақамизда сизот сувларининг ифлосланиш даражаси ва жадаллиги ўз хусусиятларига эга: биринчидан, қумалоқ ерларнинг сингдирувчанлиги ниҳоятда катта; иккинчидан, сизот сувларининг сатҳи ёзда 2 метрни, қишида ернинг тузлари ювилганда 70 см гача етиши мумкин; учинчидан, сувнинг йилига 0,15-0,5 метргача ерга сингиб боришини инобатга олсан, унда нитратлар, фосфатлар ва бошқа минерал ва органик моддалар бир-икки йил давомида сизот сувларига етиб бориб қўшилиши мумкин, ҳолбуки, чорвачилик комплекслари 30-50 йилдан буён ишлаб турибди.

Маълумки, ерни нафақат гўнг билан, балки минерал ўғитлар (азот, фосфор, калий) билан ҳам озиқлантирилади. Аммо ўсимликлар улардан 30-70% ни ўзлаштиради, холос. Колган қисми туз комплекслари шаклида ерда исроф бўлиб, вакт ўтиши билан сизот сувларига аралашиб кетади ва маълум даражада сувни ифлослантариради. Паррандачилик ва чорвачилик комплекслари яқинида жойлашган аҳоли пунктларида яшовчи аҳолининг тиф, дифтерия, дизентерия, сарик касалликлари ва бошқа касалликларга чалиниши кўпинча ичимлик сувининг сифатига боғлиқ бўлади. Бу касалликларни олдини олиш катта маблағлар ажратишни тақозо этади.

Табиийки, гўндаги органик бирикмаларнинг парчаланиши жараённида метан (CH₄) ажralиб чиқади ва фтор гази билан бирга озон кобигини емириувчи бирикмалар ҳосил қиласиди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалиги соҳасида ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммолар тўпланиб қолганлиги кўпчиликка маълум. Булар орасида ичимлик ва сизот сувларини ифлосланишдан муҳофазалаш, тупрокнинг шўрлик даражасини камайтириш, табиий заҳираларидан унумли фойдаланиб экологик тоза мўл-кўл маҳсулотлар етиштириш, экологик тоза ва арzon энергия ва иссиқлик манбаларини яратиш ва улардан самарали фойдаланиш, озон қобигини емирилишидан сақлаш каби муаммолар биринчи ўринда туради. Бу борада батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Минтақамизда бир йилда 8 ой қуёшли кунлар бўлиб туриши Куёш нурларидан самарали фойдаланиш имконини беради. Натижада иссиқлик энергиясидан унумли фойдаланиш, сув тайёрлаш ва микробиологик базаларни яратиш ишлари минимумга етказилади.

Дастлабки ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, чиқиндиларни узлуксиз биостимуляторлар билан метанли ачитиш мезофил режимини аврополиклар даражасида технологик жараёнларни автоматлаштириш ва механизациялаш -биогаз ва биогумус комплексини яратиш нархини 8 маротабагача ошириб юборади.

Юқоридаги муаммоларни ечиш учун, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технология институтида чорвачилик ва паррандачилик чиқиндилари метанли ачитиш технологияси яратилди. Бунда термофил усули (юқори ҳароратли усули, 50-55° С) кўлланилади.

Чиқиндиларни метанли ачитиш технологияси қўйидагилардан иборат:

- чиқиндиларни ачитиш камераси (реактор ёки реакторлар мажмуи).
- қуёш ёки электр қиздиргичлар системаси;
- қуруқ ёки хўл філтрлаш системаси;
- биомассани аралаштириш системаси;
- газни ҳайдаш системаси;
- ўлчаш назорат системаси;
- метантанка.


Ушбу технологияни саноат миқиёсида кенг жорий этиш учун қўйидаги системалар иловга қилинади:

- чиқиндиларни йиғиш ва уларни навларга ажратиш воситалари;
- чиқиндиларни аралаштиргичга юбориб, дастлабки хом-ашёни реакторларга тақсимлаш системаси;
- ачитилган биомассани тўқиши ва сақлаш системаси;
- биомассани қуритиш системаси (центррафугалаш, қуритиш, ўлчаб ўраш, сақлаш, метанол олиш учун метантанка ёки бир нечта метантака қурилмалари).

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қуритиш қурилмаси, ўраб ўлчаш ва метанол олиш қурилмалари стандарт қурилмалар бўлиб, улар сотиб олинади. Битта рамага иккита ачитиш камераси ва філтрлаш комплекси ўрнатилган бўлиб, у барбатаж (сувга буг аралаштириш) камерасидан ва қуруқ цеолит філтридан иборатдир. Ачитиш камералари аралаштиргич қурилмаси, термометрлар, юклаш ва тўқиши люкларидан иборат.

Ҳарорат тушган пайтларида биомассани қуёш энергияси ёки электр энергияси билан маълум даражада қизитиш мумкин. (1-расм).

ёнд
фи.



ҳайдалади. Биогаз цеолит філтридан алоҳида саноатни таъминланади. Қурилмада тозаланади. Қурилмада тозаланган ва тозаланмаган газларни таҳлил қилиш учун намуналар олиш жойи мавжуд. Бундан ташқари, ёз пайтларида ачитиш камерасидаги сувни қуёш иситкичлари иситилиб, керакли ҳарорат таъминланади. Марказий Осиё шароитида бир йилда 8 ой қуёшли кунлар бўлиб туриши ва ушбу арzon қуёш энергиясини қўллаш натижасида олинадиган биогазнинг таннархи бошқа минтақаларда олинган биогазларга нисбатан анча арzonга тушади. Қиши пайтларида эса, керакли ҳарорат электр иситкичлари ёки газ ёндиригичи ёрдамида таъминланади. Ишлов берилган биомасса ер тубида жойлаштирилган маҳсус идишга тўклилади. Ачитиш камерасидан ажралиб чиқадиган биогазни иссикхона (теплица) қозонига юбориш мумкин ва у ерда экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш мумкин. Биогаз олиш учун қуёш энергиясидан фойдаланиш харажатларни 30-70% га камайтиради.

Қурилманинг ишлаш принципи қўйидагилардан иборат: тоза гўнг ёки парранда чиқиндиларни ачитиш камерасига юклаб, 1:4 нисбатида сув қўшилади (80% намлик), камера зич ёпилади, керакли 50-55°C ҳарорат қизиткичлар ёрдамида таъминланади. Биомасса тез-тез аралаштирилиб турилади, ҳарорат, босим ва муҳит кислоталилиги (РН) назорат қилиб турилади. Биомассадан биогаз олиш учун ушбу технологик жараён 10-12

сутка давом этади. Олинган газнинг таркибида сероводород бўлганлиги учун у ниҳоятда хидли бўлади. Тозаланган (филтрланган) газ эса хидсиз бўлади. Тозаланган газда метаннинг миқдори 82% гача бўлиши мумкин. РН қиймати эса 7,0-7,8 атрофида бўлади. Чиқиндиларни дастлабки ачитишда CO_2 нинг миқдори 36% ни ташкил этади, кейинчалик у камайиб, метан миқдори ошади. Ажралиб чиқиши даврига қараб азотнинг миқдори 16% гача этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, биогазнинг чиқиши миқдори қўлланиладиган сувнинг табиатига боғлиқдир. Масалан, оддий водопровод сувидан қўллаганда ачитиш камерасининг ҳар 1 m^3 ҳажмидан $0,7-1,2 \text{ m}^3$ биогаз олиш мумкин. Термофил ($50-55^\circ\text{C}$) режимида дистилланган тоза сувдан қўллаганда ачитиш камерасининг ҳар 1 m^3 ҳажмидан 4 m^3 гача биогаз олиш мумкин. Юқори унумдорли органик ўғитларда фосфор, калий ва азот бирикмалари 96% гача сакланади. Озуқа потенциали бўйича 1 кг биогумус 7 кг кўмилган гўнгга ёки 3,5 кг тоза гўнгга тенгдир. 1 m^3 биогаз олиш учун такрибан 1,2 кг қуруқ биомасса керак бўлади.

Хорижий мамлакатлардаги тажрибалар шуни кўрсатадики, биогаз қайси жойда ҳосил қилинган бўлса, ўша ерда ишлатилиши керак. Чунки биогазни суюқликка айлантириш ёки уни катта босимлар остида кувурларда юбориш маҳсулот тан-нархини ошишига сабаб бўлади.

Украина газ илмий-тадқиқот институтида яратилган метанни метанолга айлантириш янги технологияси бир суткада 100 литрдан ўнлаб тоннагача метанол олиш қурилмасининг яратиш имконини беради. Бухоро ОО ва ЕСТИ да яратилган қурилма метантанкасининг ҳажми $2 \times 50 \text{ m}^3$ бўлиб, уни 150 бош қорамолга мўлжалланган фермаларда кўриш мумкин, фермани ва ферма атрофидаги аҳоли пунктини электр энергияси, иссиқлик ва сув билан таъминлаш имкониятига эга. Фермадаги чиқиндилардан 420 тонна биогумус олиш мумкин, метан миқдори 85% бўлганда 7 минг m^3 биогаз ёки 55 минг літр метанол олиш мумкин. Қурилманинг нархи 16 млн сўм бўлиб, унга сарфланган харажатлар бир йилда қопланади. Бундай комплекснинг нархи 7 млн. сўмни ташкил этади ва қурилмада сарфланган харажатлар бир йилда қопланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, биогаз қурилмаларини 500 дан 5 минг бош чорва молларига мўлжалланган фермаларда, семиртириш базаларида куриш энг самарали ҳисобланади. Чунки ҳосил бўлган биогазни ёки метанолни маҳсус автомобилларга ёки идишларга куйиш осон бўлади, ҳосил бўлган ўғитни гранулага айлантириш мумкин. Натижада кўп маблағ сарфлашга хожат қолмайди.

Даврий ишлайдиган биогаз-биогумус комплексларини 50 минг дан 500 минг паррандага мўлжалланган фермаларда, жамоа ва фермер хўжаликларида куриш мақсадга мувофиқдир. Реактор ёки реакторларнинг ҳажми $3 \times 50 \text{ m}^3$ дан $3 \times 200 \text{ m}^3$ гача бўлиши мумкин.

Олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари ва ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиқсан ҳолда қуидаги хulosалар чиқариш мумкин.

1. Чорвачилик, чўчқачилик ва паррандачилик фермаларида кундалик чиқиндиларга қайта ишлов бериш ва физиологик шароитларни яратиш йўли билан чорва моллари ва паррандаларнинг кундалик оғирлигини 40% га ошириш мумкин.

2. Биогумус билан ишлов берилган ҳар бир гектар ер сабзавот ва полиз маҳсулотлари унумдорлигини 3-4 маротаба оширади.

3. Ишлов берилган суюқ ёки яrim қуруқ гўнгдан сугориш пайтида фойдаланилганда тупроқдаги говакликлар колеменация бўлиб, тупроқ сингдирувчанлиги кескин камаяди. Сув таъсирида минерал моддаларнинг ювилиб кетиши олди олинади, тупроқ эрозияси тўхтатилиди, ўғитнинг кўп қисми ўсимликлар томонидан ўзлаштирилади.

4. Гўнг таркибидаги керакли озиқабоп моддалар (протеин, клечаткалар ва б.) тупроқнинг унумдор қатламини бойитади, чунки улар тупроқдаги микроорганизмлар учун ҳам яшаш жойи ва ҳам озуқа ролини ўйнайди. Микроорганизмлар нафақат тупроқда, балки биосферада глобал жараёнларнинг кечишига катта ҳисса қўшади.

5. Гўнг билан ишлов берилган ерлардан ўстириб олинган яшил ўсимликлар таркибида хўл протеиннинг миқдори ниҳоятда кўп (1,5-2% атрофида) бўлади. Ернинг сугорилгандан кейин азот ва оқсилли азотнинг миқдори 1,5 маротабагача ошади. Гўнг таркибидаги биоген моддалар минерал ўғитларни сарфлаш имконини яратади, тупроқнинг эрозияга учрашиши ва сизот сувларини ифлосланиши олди олинади.

6. Ишлов берилган гўнг билан ерни ўғитлаш тупроқнинг юмашига, ёқилгини сарфлашига ва ерларни хайдаш (култивация қилиш, шудгорлаш) пайтида сарфланадиган энергияларни тежашга имкон беради. Натижада агрегатларни истеъмол қуввати 2 баробар камаяди.

7. Тупроқ эрозияга учраганда сув тупроқдаги энг керакли моддаларни-гумус ва минерал ҳамда органик ўғитларни ювиб кетади. Гумус билан ўғитланган ерларнинг шурланиш даражаси кескин пасайиб, шўр ювиш ишлари камаяди.

8. Қишлоқ хўжалик соҳасида биогаз (метанол) қайта тикланувчи ёқилғи ҳисобланади. Аммо биогаз технологиясининг амалга жорий этиш бирданига иқтисодий даромад келтирмайди. Ер унумдорлигини ошириш, атроф-муҳит экологиясини яхшилаш, арzon ва етарли бўлган чорвачилик ва паррандачилик чиқиндиларига қайта ишлов бериш ҳисобига катта иқтисодий даромад кўриш мумкин.

19. Биогаз ва биогумус ишлаб чиқариш технологияси ва унинг истиқболлари

Жаҳон амалиётида чорвачилик, паррандачилик, ўй-рўзгор ва ўсимликлар чиқиндиларига ишлов бериш технологияси янги эмас. Кўпгина мамлакатлар (Голландия, Дания, Швеция, Олмония, АҚШ, Англия)даги фермер хўжаликлари биогаз, биогумус, иссиқлик энергияси ва ёқилғига бўлган ўз эҳтиёжларини гўнгларга ва чиқиндиларга кичик заводларга ишлов бериш йўли билан қондириб келмоқдалар.

Биогаз курилмаларида гўнгни метанли ачитиш унда 97 % гача азот сақлаш имконини беради, гўнгни компост тўдаси эса 40% дан 50% гача азотни сақлайди.

Қишлоқ хўжалик чиқиндиларидан биогазнинг чиқиши миқдори қуйидаги жадвалга келтирилган.

Органик моддалар	1 кг қуруқ моддадан ажралиб чиқадиган биогазнинг миқдори,%	Метан газининг миқдори,%
Ўт кўкатлар	0,63	70
Ёғоч барглари	0,21-0,29	59
Картошка палаки	0,42	60
Буғдой похоли	0,34	58
Маккажўхори пояси	0,42	53
Йирик шоҳдор қорамолларнинг қаттиқ чиқиндилари	0,2-0,3	60
Уй-рўзгор чиқиндилари	0,6	60
Оқова сувларининг қаттиқ қолдиқлари	0,57	70

Бундан ташқари, гўнгни биогаз курилмаларида ачитганда касаллик қўзғатувчи бактерия ва микроблар, ҳамда бегона ўсимликларнинг уруғи йўқ бўлади. Ажралиб чиқкан биогаздан эса турли мақсадларга ишлатиш мумкин.

Собиқ иттифоқнинг барча органик чиқиндиларни ферментациялаш пайтида ажралиб чиқадиган биогаздаги энергия потенциали йилига 33 млн тонна шартли ёқилғига teng эди.

Эслатиб ўтамиш: 250 л бензин – 1 тонна шартли ёқилғига teng.

Ҳозирги пайтда органик чиқиндиларнинг 25% қайта ишланса (буни амалга ошириш мумкин), унда қарийб 8-10 млн тонна шартли ёқилғини суюқ ёки газ шаклида ажратиб олиш мумкин. Экологик самарадорлик эса 5 йил ичida сарфланган дастлабки 7-8 млрд. рубл ҳисобига 25 млрд рублни ташкил этади.

Юкорида айтиб ўтканимиздек, агар Ўзбекистонинг йирик чорвачилик комплексларида йилига 19 млн m^3 суюқ гўнг йиғилиб қолгудек бўлса, ундан 1900 млн m^3 биогаз олиш мумкин. Бундан 5,7 млн m^3 суюқ гўнг, 570 млн m^3 биогаз ва 2,5млн тонна органик ўғитлар Бухоро вилояти улушига тўғри келади.

Ҳозирги пайтда чорвачилик ва паррандачилик комплексларидағи чиқиндиларга ишлов бериш ва улардан биогаз ҳамда биогумус олишнинг 4 та усули мавжуд:

1. Мезофил усули.

2. Термофил усули.
3. Соф биологик усули.
4. Құшма усул.

Хозирги пайтда чиқиндилар таркибига биостимулятор киргизиб, уни 15-20⁰С да мезофил усули билан ачытын технологияси кенг тарқалғандыр. Мезофил усули (паст ҳароратлы усули) нинг технологик жараёнлари узлуксиз кечады, чиқиндиларни йиғишидан бошлаб, биогаз ва биогомус олишгача бўлган барча жараёнлар автоматлаштирилган ва компьютерлаштирилғандыр. Гумус суюқ ҳолатда қўлланилиб, биогаз ҳосил қилиш анча самарали ҳисобланади.

Аммо бизнинг шароитимизда биостимуляторлар қўшиб гўнгни мезофилл усулида ачытиб биогаз ва биогомус олиш унча самарали эмас, чунки бу усул қўшимча маблағни талаб қиласди, микроорганизмларни ўстириш ва уларни сақлаб қолиш учун маҳсус лабораториялар очишни тақозо этади. Лекин мезофил усули термофил (юқори ҳароратли) усулига нисбатан арzonроқдир. Чунки термофил усули қўшимча иссиқлик энергиясини талаб қиласди, ҳолбуки, ёқилғи нархи кундан-кунга ортиб бормоқда. Саноати ривожланган мамлакатларда технологик жараёнларнинг самарали кечиши учун қўлланиладиган сувнинг сифати улар учун қўшимча муаммоларни туғдирмайди.

Агар Марказий Осиёning қуруқ минтақаси, табиий иқлими, суви, тупроқ хусусиятларини инобатга олсак, чиқиндиларни қайта ишлаш муаммоларни Оврупадаги технологиялар ва воситаларни такомиллаштирасдан, сув билан таъминланмасдан ва қўшимча микробиологик таъминоти хизматларини йўлга қўймасдан ечиб бўлмайди. Агар ушбу чора-тадбирларни амалга ошироқчи бўлсақ, унда фақатгина битта комплекснинг нархи 2,5-3 баробарга ошиб кетади.

Назорат саволлари

1. Чорвачилик ва паррандачилик комплекслари чиқиндилари ва уларнинг захиралари ҳақида маълумот беринг.
2. Ушбу соҳаларда вужудга келган экологик муаммолар нималардан иборат?
3. Артезиан сув деб нимага айтилади?
4. Сизот (артезиан) сувларининг ифлосланиши нималарга боғлиқ?
5. Биогаз ва биогомус ишлаб чиқариш технологияси ва уларнинг экологик аҳамияти ҳақида маълумот беринг.
6. Биогаз ва биогомус ишлаб чиқариш усувлари ҳақида мутьумот беринг.
7. Термофил усулининг афзалликлари нималардан иборат?
8. Биогаз ва биогомус ишлаб чиқариш технологиясини истиқболлари нималардан иборат?
9. Даврий ишлайдиган биогаз – биогомус комплексларини куриш имкониятлари ва ундан кўзланган иқтисодий ва экологик мақсадлар ҳақида маълумот беринг.
10. Метан газидан метанол олиш технологиясининг афзалликлари нималардан иборат?

20. Экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг самарали йўллари

Маълумки, ҳозирги пайтда республикамизнинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, аҳолини экологик тоза озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари билан таъминлаш ўз ечимини кутаётган муаммолардан ҳисобланади. Бунинг учун илмий тадқиқот ишлари натижаларини амалда кенгроқ жорий этиш, ўсимликларни тез ва муентазам ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, тупроқ тизимини яхшилаш каби муаммолар кўндаланг бўлиб турибди.

Экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотлар ишлаб чиқариш нафақат агротехника қоидаларига амал қилиш, минерал ва органик ўғитларни кўпроқ қўллашга, балки тупроқнинг минерологик таркиби ва ғоваклигига боғлиқдир. Тупроқнинг ғоваклиги қанча юқори бўлса, унинг фильтрлаш қобилияти шунча паст бўлади ва бундай тупроқни соғлом деб бўлмайди. Масалан, қумнинг ғоваклиги 40% , туфнинг ғоваклиги 46,6%, торники эса 82% ни ташкил

этади.

Тупрок доначалари йирикроқ бўлса унинг ғоваклиги ҳам шунча юкори бўлади. Энг катта ғоваклар тошлоқи тупроқларда ва энг кичик ғоваклар лой тупроқда бўлади. Агар тупрок ғоваклиги 60-65% ни ташкил этса ундан тупроқларда ўз-ўзини тозалаш жараёнлари учун қулай шароит вужудга келади. Юкори ғовакликка эга бўлмаган тупроқда ўз-ўзини тозалаш жараёни ёмонлашади ва уларни соғлом тупроқ деб бўлмайди. Йирик донали ва қуруқ тупроқлар соғлом бўлади ва улардаги ўз-ўзини тозалаш жараёнлари яхши кечади. Намлиги юкори ва шамоллайдиган тупроқлар соғлом бўлмайди, уларда ўз-ўзини тозалаш жараёнлари ёмон кечади. Буюк бобокалонимиз Абу Али Ибн Сино ўз замонасида бундай тупроқларни “касал тупроқ” деб атаган эди. Унинг фикрича, бундай тупроқли майдонларда уй-жойлар қуриш мумкин эмас. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ўртача шағал 7% сув ушлайди, йирик қум 23%, ўртача қум 47%, майда қум эса 65% сув ушлаши мумкин,

Туф – бу вулқонлар натижасида пайдо бўлган жигарранг тоф жинси бўлиб, унинг таркибида қўйидаги бирикмалар мавжуд SiO_2 -65,1% Al_2O_3 -19,9%, $\text{K}_2\text{O} + \text{Na}_2\text{O}$ -7,9%, Fe_2O_3 -4,2% , CaO -3,1 %, MgO -1,4%, TiO_2 - 0,6%. Туфнинг зичлиги 2, 57 г/см³, ғоваклиги 46,6 % (ҳажм бўйича) ва ҳажмий массаси 840 кг/м³ га tengdir.

Маълумки, туф тошларидан қурилиш материали сифатида иншоотларни безаш мақсадида кенг қўлланилади. Аммо туфга ишлов бериш (кесиш, шакл бериш, текислаш) жараёнида катта ҳажмда синик парчалар, кукунлар ва бошқа чиқиндилар пайдо бўлади. Ушбу чиқиндиларни тупроқ унимдорлигини ошириш мақсадида ишлатиш мумкин.

Перлит ҳам туфга ўхшаган табиий минерал бўлиб, унинг таркибида SiO_2 -72%, Al_2O_3 -13 % ва нисбатан кам микдорда Fe_2O_3 , FeO , P_2O_5 , MnO , Na_2O , K_2O , CaO , MgO каби бирикмалар мавжуд. Перлитни 1180 К (907°C)да қиздирилганда у шишиб, ғовак материалга айланиб қолади. Перлитнинг ҳажмий массаси 250 кг/м³, заррачаларининг ўлчами 0,5 см, уларнинг солишиштирма юзаси 3-7 м²/г атрофида бўлади. Бундай енгил материалларнинг заррачалари ғовак ва ҳаво билан тўлдирилган бўлади.

Маълумки саноат корхоналарида кўмирни ёки маъданлардан металлни эритиб олгандан кейин катта ҳажмларда тошқоллар, куйқум ва кукунлар пайдо бўлади. Масалан, қизил куйқумнинг таркибида Fe_2O_3 (39-44%), Al_2O_3 (17-19%) SiO_2 (5-11%), CaO (7,6-9,5%) TiO_2 (4,4-5,6%) Na_2O (6,2-6,9%), V_2O_5 (0,2-0,3 %), P_2O_5 (0,2-0,3 %) ва нисбатан кам микдорда MgO , Cr_2O_3 , FeO ва бошқа бирикмалар мавжуд.

Металлургия саноатининг чиқиндилари (тошқоллар, куйқум ва кукунлар), шунингдек туф ва перлит таркибидаги мавжуд бўлган фосфор, калий ва бошқа микроэлементлар ўсимликлар учун энг керакли озуқа бўла олади. Масалан, Ереван тошлар ва силикатлар илмий тадқиқот институти олимлари хар бир маккажўхори уругини 50 г тошқоллар билан аралаштирилган тупроқка экиб, ҳосилдорликни 35% га кўтаришга эришганлар. Маккажўхори экилган қаторларга 3 см қалинликка тошқол сепиб, биринчи майдондан 60%, иккинчисидан 170% ва учинчи ер майдонидан 230% ҳосил олишга эришганлар. Демак, тупроқнинг дастлабки тизими ва таркиби қанча ёмон бўлса, унда озуқабоп ўғитлар шунча кам, янги усулнинг самарадорлиги эса шунча юкори бўлади. Ушбу усул ёрдамида помидордан 2 маротаба ва узумдан 1,5 маратаба кўп ҳосил олишга эришганлар.

Тошлардаги ғовакликлар ва капиллярлар намлик, сув ва минерал ўғитларни сақловчи резервуар (идиш)лар вазифасини ўтайди. Ўсимлик томирлари эса ушбу резервуарлардан керакли сув ва минерал ўғитларни шимиб олади. Натижада экинзорларни ўғитлантириш ва тез-тез сугориб туришга ҳожат қолмайди. Агар республикамиз ва, хусусан, вилоятимиз иқлим шароити ва тупроқнинг шўрланиш даражасининг юқорилигини инобатга олсан, юқоридаги таклиф этилган усулнинг самарадорлигига шак-шубҳа қолмайди.

Ҳозирги пайтда кўпгина хорижий мамлакатлар (Булғория, Буюк Британия, Франция, АҚШ) да тупроқдаги намликни саклаш, тупроқ тизимини яхшилаш, каткалоқни олдини олиш, тупроқ эрозиясига қарши кураш, ернинг шўрини ювиш, кўчма қумлар ҳаракатини тўхтатиш каби муаммоларни ечиш мақсадида эрувчан полимерлардан кенг қўлланиб келинмоқда. Ушбу муаммолар бизнинг монтакамиз худудида ҳам долзарблигича қолганлигини инобатга олиб, уларга батафсилоқ тўхталиб ўтамиз.

III - БОБ. СУВДА ЭРУВЧАН ПОЛИМЕРЛАРНИНГ ҚҮЛЛАНИШ СОҲАЛАРИ


1. Сувда эрувчан полимерлар, уларнинг хоссалари ва қўлланиш соҳалари

Саноатда сувда эрувчан полимерлар ишлаб чиқариш учун молекулалари реакцион фаол функционал гурухларга эга бўлган полимерлар (полиамиллар, поликетонлар, полиалдегидлар, поливинил сулфохlorид, поливинил сулфофтфорид, полиакрилонитрил ва бошқалар) хом-ашё сифатида қўлланилади. Масалан, сувда яхши эрийдиган полимерлар – полиакриленоксим, полиакрелеин, поливиниламин поливинилфталимиддан, поли – N – винилкарбонатдан ёки поливинил сукцинимиддан олинади.

Сувда эрувчан полимерлар молекулалари занжирида сулфогурухлар, гидроксил, карбоксил ва амид гурухлари мавжуд бўлиб, улар сувга нисбатан фаол ва сув билан қўшиладиган функционал гурухларга эгалар.

Сув таъсирида мана шу функционал гурухлар ионларга, яъни мусбат ва манфий зарядланган атом ёки атомлар гурухларига парчаланади. Полимернинг сувли эритмаси маълум қовушқоқликка эга бўлиб, электр ўтказувчан бўлади. Шунинг учун сувда эрийдиган полимерлар полиэлектролитлар деб аталади.


Акрил кислотасига аммиак (NH_3) ёки аммиак газининг калций оксида суспензияси аралашмаси билан таъсир эттириб, ҳосил бўлган аралашмани водород пероксид ёрдамида полимерлаб ПАА – 1 ва Са - ПАА маркали сувда эрувчан полимерлар қукун шаклида ҳосил қилинади:



Полиакрилонитрилни 50% ли H_2SO_4 билан қиздирилса аввал сувда эримайдиган полиакрилонитрил оқ қукун шаклида ҳосил бўлиб, у сувда эрийдиган полиакрил кислотага ўтади.



Полиакрилонитрилни ишқор билан ишлов берилиб гидролизланган ва сувда яхши эрийдиган полиакрилонитрил олинади.



Полимер К-4

Хозирги пайтда полиакрилонитрилни ишқор ёки ишқорий тузлар (натрий силикат ёки натрий фосфат) билан “юмшоқ” муҳитда ишланиши натижасида К-4 К-6, К-7 маркали бир қатор сувга эрувчан полимерлар синтез қилинган. Сувга эрувчан К-4 маркали полимер полиакрилонитрилдан олинади, қолган полимерлар ацетилен газидан синтез қилинади.

Ацетилен гази эса метандан, яъни табиий газдан олинади. Демак, сувга эрувчан К-4 маркали полимерни табиий газдан олса бўлади. Охириг йилларда бундай полимерлар Навоий кимё комбинатида ва Чирчик электрокимё комбинатида полиакрилонитрилдан ишлаб чиқарилмоқда.

Сувда эрувчан полимерлардан халқ хўжалигида фойдаланиш ва экологик муаммоларни ечишда уларнинг эритмаларидағи тизим турларини ва тизимланиш даражасини билиш керак бўлади. Агар эритмада устмолекуляр тузилмалар (масалан, сферолитлар, ламелалар, глобулалар, пачкалар, ленталар) купроқ бўлса, бир мақсад учун, бордию, ивик фазовий тизимга эга бўлса, бошқа мақсад учун ишлатилади. Масалан, бир чеҳлак лойқа сувни тиндириш керак бўлса, унда биринчи типдаги тизимдан, лойқа турғунлигини орттириш учун эса иккинчи тизимга эга бўлган полимер эритмаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Келтирилган мисолимизда сувни тиндириш дисперс системаларда тизим ҳосил қилиш ёки коагуляциялаш дейилади. Сувни тиндиришга қарши курашиш эса дисперс системасини барқарорлаштириш деб аталади. Барқарорлаштириш жараёнидан нефт ва газ кидирив ишларида, ерни бурғилашда, гил лойларини тайёрлашда фойдаланилади. Дисперс системаларни тизимланишдан тупроқ унимдорлигини оширишда, сувни тозалашда, данадор ўғитлар олишда кенг фойдаланилади.

Суюлтирилган полимер эритмаларини тупроқ устига сепилганда улар ўзаро бирикиб поликомплекс – тупроқ қобигини ҳосил қиласди. Бу қатлам тупроқни шамол ва сув эрозиясидан сақлайди, етарли намлик даражасини таъминлайди, тупроқ таркибини яхшилайди, катқалоқнинг олдини олади, уруғларнинг униб чиқиши ва кейинги ривожланиши учун қулай шарт-шароит донадор тупроқ унимдорлигини оширишга сабаб бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, агар поликомплекслар табиатан кучли поликомплекслардан олинса (ёки полимернинг сувдаги концентрацияси кўпроқ бўлса), уларнинг боғловчилик хоссалари кучаяди, туз ва қум заррачаларини шамол таъсирида учеб кетишдан сақлайди, яъни уларни тупроқ ва қумни қоплаб оловчи материал сифатида қўлланиши мумкин. Табиатан кучсиз полиэлектролитлардан олинган поликомплекслар эса тупроқда унумдор тизим ҳосил қиласди.

Табиий моддалардан ёки таъсир муддати узайтирилган ўғит ўрнини босадиган синтетик материаллардан олинган МТ-1, МТ-2, МТ-3, МТ-4 маркали полекомплекслар парчаланганда улар тупроққа озука вазифасини ўтайди.

Республикамиизда ишлаб чиқариладиган, таркибида азот сақланган олигомерлардан ва полимерлардан олинган ушбу поликомплексларни пахтачиликда қўллаш чигитни ўсиши учун қулай шарт-шароитлар яратади, ҳар гектар ердан 4-6 центнер кўпроқ ҳосил олишга имкон беради ва қўпгина экологик муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради.

Сувда эрувчан полимерларни пахтачилиқда қўллаш бошқа усувларга нисбатан қўйидаги афзалликларга эга:

1. Бўз тупроқнинг сувдаги турғунлиги – 5-8% дан 85-95% гача ортишига имкон беради.
2. Тупроқнинг таркиби яхшиланиб, унинг устки қатлами (0-10 см) да ҳарорат 1-2°C гача ортиши мумкин.
3. Ҳосил бўлган тупроқ – полимер пленка (қобик) тупроқдаги намликнинг буғланишига йўл қўймайди.
4. Бундай қатлам кундузи тупроқни Қуёш нурлари таъсиридан қизиб кетиши ва кечаси инфроқизил нур чиқариш ҳисобига совушини камайтириб, суткали тупроқ ўртacha ўзгаришини бир хил сақлашга имкон беради.

Поликомплекс ёки полиэлектролитлар эритмаларини сепиш учун оддий тракторнинг орка рамасига 2 та бак ўрнатилади. Эритмани тупроқ устига сепиш учун гербицид эритмаларини сепадиган мосламани такомиллаштириш керак бўлади.

Тупроқ устида ҳосил бўлган қатламнинг яна бир афзаллиги ўндан иборатки, маълум бир муддатдан сўнг Қуёш нурлари таъсирида ўз-ўзидан парчаланиб, тупроқнинг технологик хоссаларини яхшилайди ва таъсир муддати узайтирилган ўғит вазифасини бажаради. Бундан ташқари, бу қатлам чигит унувчанлигини 5-10% га оширади ва уруғни камроқ сарфлашга имкон беради. Поликомплекс тупроқ остида экилган чигит ниҳоллари 3-5 кун олдин униб чиқади, кўсаклар очилиши 5-8% гача тезлашади ва ҳосилдорлик биринчи теримдаёқ ҳар

гектар ердан 4-5 центнерга ортади. Энг муҳими, тупроқ экологиясига таъсир қилмайди, суғориш ишлари яхшиланиб ўсимликлар ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш имконини беради. Охирги йилларда чоп этилган маълумотларга қараганда, тупроқ тизимини сувда эрувчан полимерлар ёрдамида яхшилаш натижасида пахта ҳосилдорлиги 20-33 % га, картошка ҳосили 2 маротаба ортган. Бир маротаба яратилган сунъий тизим тупроқ унимдорлигини 4 йил давомида сақлай олади.

Маълумки Ўзбекистон тупроқлари катқалоқ яратиш хусусиятига эга. Сувда эрувчан полимерлар ёрдамида ҳосил қилинган тупроқ заррачалари сувга нисбатан турғун бўлади ва катқалок ҳосил бўлмайди. Улар сув таъсирида дисперсланмайди (майдаланмайди), чунки сувда эрийдиган полимер тупроқ заррачалари устида куриб, сувда эримайдиган ҳолатга ўтади. Оддий елим ҳам қуригандан кейин елимлаш қобилиятини яна қайтадан тиклай олмайди-ку! Бундан нотўғри хulosса, яъни бундай полимерлар ёрдамида ишланган ер сувни кам шимади, деган хulosса чиқармаслик керак. Аксинча, тупроқда сунъий тизим ҳосил қилинса, ернинг сувга бўлган талаби ортиб, суғорилгандан кейин ерда намлик узокроқ сақланади. Полимер билан ишланган тупроқ оддий тупроққа нисбатан сувни кўпроқ ютиб олиб, кўпроқ бўкади, чунки полимер қатламининг сувга нисбатан талаби юқори бўлади. Натижада сунъий тизимли тупроқ заррачалари сувга нисбатан турғун бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, сув шимган полимер плёнкаси намлини қайта чиқариш ва яна қайтадан сув шимиб олиш қобилиятига эга. Шунинг учун ҳосил бўлган тупроқнинг сунъий тизими 3-5 йил давомида сақланиши мумкин. Фақат сувдан тўйингандан кейин полимер плёнкаси тупроқ заррачаларини ушлаб қолиш қобилиятини йўқотиши мумкин. Натижада плёнка сув таъсирида парчаланиб (эриб) тупроқ заррачалари майдаланади (дисперсланади).

Бундан ташқари, сувда эрувчан полимерлар тупроқ намлигини тежаш имконини беради.

Маълумки, тупроқда найча (капиллярлар), бўшлиқлар, ғоваклар мавжуд. Тупроқ доначалари йириклишса улар орасидаги бўшлиқлар миқдори ортади. Агар тупроқда К-4 тамғали полимернинг миқдори 0,03% ни ташкил этса, тупроқнинг ғоваклиги 30% га ортади. Бу тупроқда ҳаво миқдорини оширса, иккинчидан сув йўллари кенгайиб унинг капиллярда оқиши қийинлашади. Демак, тизимланган тупроқда нам кўпроқ сақланади. Лекин, маълумки, намлик нафақат ернинг устки қатламида, балки остки қатламида ҳам сингиб кетади. Ерга шимилган сингиб кетган намлик диаметри ниҳоятда кичик ваузун капиллярлар орқали юқорига, ер устида кўтарилади. Тизимланган қатламда эса найчалар қирқилади, яъни суюқликнинг кўтарилиши тўхтайди. Демак, полимер билан ишланган ерда намлик кўпроқ бўлади.

Маълумотларга қараганда, 25 см қалинликдаги тупроқни сувда эрийдиган полимерлар билан ишлагандан кўра, ернинг 3-5 см қалинликдаги тупроқ ишланса мақсадга мувофиқдир. Масалан, 1 гектар пахта ерини суғориш учун 6 минг m^3 сув керак бўлсин. Агар 5 см қалинликдаги тупроқни тупроқ оғирлигининг юздан бирига тенг миқдорида К-4 тамғали полимер ёки мингдан 5 қисми миқдорида полиакриламид билан ишланса, намлик 1 гектар ерда 70 m^3 дан 120 m^3 гача сақланади. Бошқача қилиб айтганда, 1 гектар ерга 33 кг дан 70 кг гача К-4 ёки полиакриламид полимерлари берилса, йил давомида 1 гектар ердан 600 m^3 дан 1000 m^3 гача сув тежалган бўлади. Демак, минг гектар ер полимерлар билан ишланса, салкам 1 млн m^3 сувни тежаш мумкин.

Сувда эрувчан полимерлардан тупроқ эрозиясига қарши курашда ҳам қўллаш мумкин.

Маълумки, дехқончиликка катта зарап етказадиган омиллардан бири –тупроқ эрозиясидир. Ҳозирги пайтда, маълумотларга қараганда, МДХ мамлакатларида йилига 500 млн тонна тупроқни сув ювиб, шамол учириб кетади. Ушбу тупроқ таркибида 1,2 млн тонна азот, 590 минг тоннага яқин фосфор, қарийб 12 млн тоннага яқин калий беҳуда нобуд бўлади. Эрозия туфайли йилига ерга 50-60 млрд m^3 га яқин сув етишмай қолмоқда. Ҳозирги пайтда тупроғи ювилган ерлар майдони АҚШда 400 млн гектарни, Россияда 100 млн гектарни ташкил этади. Республикамиз ҳудудида эса бир неча ўнлаб гектар ерлар шамол ва сув эрозиясига учраганлиги матбуотдан маълум.

Эрозиянинг олдини олиш йулларидан бири – тупроқ тизимини яхшилашдир. Кўпгина ҳолатларда сув ер устидаги тупроқни ювиб кетиши ва ўсимлик илдизлари очилиб қолишига

гувоҳ бўлганмиз. Агар тупроқ сунъий тизим ҳосил қилувчи сувда эрувчан полимерлар (масалан, К-4 тамғали полимер билан) ишлов берилса, тупроқ ювилишини олдини олади, яъни тупроқ эрозияга учрамайди.

Сувда эрувчан полимерларнинг шўрини ювишда ҳам қўллаш мумкин.

Маълумки, шўрхок ерлар Бухоро, Хоразм, Қоракалпоғистон Автоном Республикасида, Мирзачўлда, Фаргона водийсида ва бир қатор туманларда учраб туради. Бундай ерларда чигит сийрак униб чиқади, баъзан у нобуд бўлади, ўсимликлар яхши ўсмайди ва уларнинг ривожланиши секинлашади, пахтанинг пишиб етилиши кечикади, яъни кузги ишлар узоққа чўзилиб кетади. Экологик нуқтаи назардан олиб қараганда, шўрхок ерлардан чанг тузонлар кўтарилиб атроф-мухитни ифлослантиради.

Муаммонинг 2 та ечилиш усули мавжуд: - ернинг шўрини ювишдан олдин тупроқда тизимли доначалар миқдорини ошириш;

Маълумотларга қараганда, ҳар гектар кам шўрланган ерга $1500\text{-}2500 \text{ м}^3$ сув, ўртacha шўрланган ерга $2500\text{-}4000 \text{ м}^3$, юқори шўрланган ерларга эса $3500\text{-}5000 \text{ м}^3$ сув сарфланадиган бўлса, сувга эрувчан полимерлар билан сунъий тизим ҳосил қилиб ери ювилганда юқоридаги келтирилган сув миқдорлари 2-3 баробар камаяди. Яъни, кам шўрланган ерларда $1500\text{-}2500 \text{ м}^3$ сув тежалади. Бундан ташқари, канал ва зовурларда сизот сувларини камайтиради ва уларни ўз вақтида тозалаш ишларини амалга оширишга катта ёрдам беради.

Сувда эрувчан полимерларнинг кўчма қумлар ҳаракатини тўхтатишда ҳам қўллаш мумкин.

Маълумотларга қараганда, МДХ мамлакатларида чўл ва саҳролар 350 млн гектарни ташкил этади. Бу Ҳиндистондек буюк мамлакатнинг бутун территориясига тенгdir. МДХ мамлакатларининг жанубий қисмларида чўл ва саҳролардан иборат 220 млн гектар ер бўлиб, шундан 150 млн гектари Қозоғистонда, 40 млн гектари Туркманистонда ва 30 млн гектари Ўзбекистон худудида жойлашгандир. Бошқача қилиб айтганда, Қозоғистон ерларининг 55%, Туркманистон ерларининг 80 % ни ва Ўзбекистон ерларининг 70% ига яқинини чўл ва саҳролар ташкил этади. Мана шу чўллар ва саҳролар орасида қумли саҳролар ва кўчма қумли саҳролар мавжудки, улардан фойдаланиш йилдан йилга камайиб бормоқда. Чунки шамол таъсирида вужудга келадиган қум ҳаракати табиий оғатлардан бир тури бўлиб қолмоқда. Шамол таъсирида ҳаракатга келган кўчма қумлар боғ-роғларимизни, унумдор ерларимизни, қишлоқ ва ҳатто шаҳарларимизни босиб, ўйларни қум остида қолдириб, юқори кучланишли электр линияларини ишдан чиқармоқда.

Чўл ва саҳролардан унумли фойдаланиш ва, хусусан, кўчма қумлар ҳаракатининг олдини олиш ҳам минтақамизда ўз ечимини кутаётган ҳам иқтисодий ва ҳам экологик муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммоларнинг ечими қуйидагилардан иборат:

- бундай ерларда ўқ илдизли дарахтзорлар (саксовул, арча ва бошқалар) ни бунёд этиш;
- чорвачиликни ривожлантириш учун озуқабоп ерларни ўзлаштириб, ўсимликлар дунёсини вужудга келтириш;
- сувда эрувчан полимерлар ёрдамида қум заррачаларини йириклиштириш;

Ўтлоқзор ерларни барпо этиш қумдан тупроқ ҳосил қилиш демакдир, илдиз қум доначаларидан тупроқ ҳосил қилиш жараёнларини кучайтиради.

Сувда эрийдиган полимерларни 100 литр сувга 5-15 кг тупроқ ёки бентонит солинган лойқа билан бирга қум сатҳига сочилса, катқалоқ ҳосил бўлиб, қумнинг ҳаракатини тўхтатади, николларнинг униб чиқишига салбий таъсир этмайди. Катқалоқнинг пишиқлиги йил давомида сақланади.

Маълумотларга қараганда, катқалоқ пишиқлиги ёз ойларида юқори бўлиб, қиши ойларида, хусусан ёмғирдан кейинги пайтларда тахминан 50% га пасаяди. Энг муҳими шундаки, ёз ойларида ҳам катқалоқ остида намлик сақланади, бу эса ўсимликлар учун жуда керакли. Қиши пайтида эса, ҳарорат катқалоқ остида унинг сатҳига нисбатан юқори бўлади. Бу ўсимлик илдизларини қиши ойларида музламаслигини таъминлайди.

Сувда эрувчан полимерларнинг донадор ўғитлар олишда ҳам қўллаш мумкин.

Халқимиз орасида “ерга берсанг, елга берасан!” деган ҳикматли мақол мавжуд. Дехқонларимиз ерга маҳаллий ва минерал ўғитлар солиб юқори ҳосилдорликка эришиб келмоқдалар. Масалан, 2000 йилда Фарғона вилоятида ҳар 1 кг ерга солинган азот хисобига 7,5 кг, Хоразм вилоятида эса 11 кг қўшимча пахта ҳосили олинганилиги матбуотдан маълум.

Одатда ўғитлар сугориши олдидан ерга солинади. Бунинг учун улар майдаланган бўлиши керак. Аммо азотли ўғитларнинг кўпчилиги (аммиакли селитра, натрийли селитра, калцийли селитра) сувга уч, яъни улар гигроскопик (намланиш) хусусиятига эга. Улар ҳаво намини ютиб қолиши мумкин. Уларни майдалаш пайтида эса заҳарли чанглар пайдо бўлади. Чунки аммиакли селитранинг кунжара билан аралашмаси порохдир. Демак, ўғит қолмаслиги учун уни намликдан сақлаш керак. Бунинг учун намни ўтказмайдиган ерга битум билан шимдирилган қофоз қоплардан ёки поливинилхлорид, полипропилен, полиэтилен каби полимерлардан тайёрланган қоплардан фойдаланилади. Бундан ташқари, аммиакли селитра ишлаб чиқаришда 1-2% фосфор ангидриди ҳисобига фосфоритларнинг нитрат кислотадаги эритмаси кўшиб донадор РФМ маркали ўғит ишлаб чиқарилмоқда.

Ўғитларни донадор килиш учун сувда эрувчан полимерлардан фойдаланилади. Гикроскопик хусусиятига эга бўлган аммонийли селитра, калцийли селитра сувда эрийдиган полимер эритмалари билан аралаштирилса, донадор ўғитлар ҳосил бўлади.

2. Сувда эрувчан полимерларнинг рангли металлар ишлаб чиқаришда қўлланилиши

Казилма маъданлардан рангли металлар (руҳ, алюминий, мис, қалай ва бошқалар)нинг ажратиб олиш учун маъданни металлга нисбатан бойитиш лозим. Техника соҳасида бу ишларни бойитиш ва флотация жараёнлари асосида олиб борилади. Металлга нисбатан бойитилган маъдандан металлни ажратиб олиш учун маъдан таркибидаги металлни сувда эрувчан тузга айлантириш керак. Сўнг ўша туздан электр токи ўтказилади ёки кимёвий реакциялар ёрдамида металл ажратиб олинади. Демак, маъдан таркибидан металлни ажратиб олиш бир неча босқичлардан иборат бўлиб, баъзи-бир босқичларда сувда эрувчан полимерлардан фойдаланиш мумкин. Бу усуллардан бири-флотация усулидир.

Флотация ҳар хил маъданларни саралаш усули бўлиб, кимёвий нуктаи назардан олиб қараганда мураккаб жараёндир. Сараланиши лозим бўлган маъдан лойқасига фаол функционал гурухларга эга бўлган ютиловчи моддалар сирт фаол моддалар ва газ пуфакчаларига турғунлик берувчи моддалар қўшилади. Сирт фаол модда ўзининг фаол функционал гурухлари билан маъдан сиртига ютилади. Молекуланинг қолган қисми эса ҳаво пуфакчасига турғунлик берувчи модда билан қўшилади. Натижада маъдан ҳаво шарида осилиб олади. Ҳаво сувга нисбатан енгил бўлганлиги сабабли ($\rho_{\text{ҳаво}}=1 \text{ г/см}^3$, $\rho_{\text{H}_2\text{O}}=10^3 \text{ кг/м}^3$), ҳаво пуфакчалари ва уларга осилган маъдан заррачалари юқорига кўтарилади. Натижада сув сатҳида маъдан қавати ҳосил бўлади ва улар ажратиб олинади.

Маъданларни саралаш самарадорлигини ошириш учун сирт-фаол моддалар сифатида сувга эрувчан полимерлардан фойдаланиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, металлни маъдандан ажратиб олишда сувда эрувчан полимерлардан фойдаланиш мумкин бўлган босқич - бу маъдан таркибидаги металлни сувда эрийдиган туз шаклига ўтказиш ва шу эритмани бошқа қуйқалардан тозалаш жараёнидир. Масалан, алюминий металлини олишда боксит, каолин, нефилин каби минераллар таркибидаги сувда эримайдиган алюминийни сувда эрувчан туз ҳолатига ўтказилади. Бунинг учун минерал кислота ва ишқор эритмалари билан ишланади ёки минерални бирорта туз билан қўшиб, қиздирилиб сунг сувда эритилади. Ҳосил булган аралашмани техникада қуйкум (шлам) дейилади. Юқоридаги ҳар учала усулда тайёрланган қуйкумдан алюминийга бой кисмини бошқа қуйқалардан ажратиб олинади. Бунинг учун филтрация жараёнидан фойдаланилади. Демак, оддий килиб айтганда, эритма қуйқадан филтрланиб (сузиб) олинади. Аммо бу жараён ниҳоятда секин кечади. Филтрлашни тезлаштириш учун қуйқада заррачаларини йириклиштирувчи моддалар кушилади. Йириклиштирувчи модда сифатида крахмал ва кора бугдой унидан фойдаланиб келинади.

Сувга эрувчан К-4 ва К-8 маркали полимерлар унга нисбатан кўпроқ сарфланади. Аммо ун ва К-4 маркали сувга эрувчан полимер бир хил миқдорда аралаштирилганда қуйкум тиниш даражасининг ортиши, яъни самарадорлик юқори бўлади.

Қуйидаги жадвалда алюминий куйқумларини тиндириш учун қўлланилган маҳсулотлар ва уларнинг миқдори, куйқумнинг тиниш тезлиги ва тиниш даражасининг неча марта ортганлиги келтирилган.

Алюминий олиш учун куйқум ни тиндириш натижалари

Куйқумнинг тиндиригичлари (кўшилмалар)	1 тонна куйқумни тўла тиндириш учун сарфланган кўшилманинг миқдори, г	Куйқумнинг тиниш тез, мин		Куйқум тиниш даражасининг неча маротаба ортганлиги
		Кўшилмасиз	Кўшилма ёрдамида	
Ун	1200	1,5	6,0	4,0
Сепаран	120	1,5	6,3	4,2
2610	1200	1,5	6,0	4,0
K-4	8000	1,5	6,7	4,4
K-8	2000	1,5	4,8	3,2
Ун ва K-4 аралашмаси	500 : 500	1,5	6,5	4,3

Ушбу жадвалдан хулоса шуки, энг яхши натижага сувга эрувчан 2610 маркали сепаран полимери ёрдамида эришилди. Сепаран унга нисбатан 10 маротаба кам сарфланганда ун ёрдамида эришилган натижаларга эришиш мумкин. Демак, бу унни тежаб қолиш имконини беради.

3. Сувда эрувчан полимерларнинг табиий минерал сорбентлар кувватини оширишда қўлланилиши

Маълумки, табиат иномларидан бири – нометалл қазилмалар орасида кенг тарқалган минерал сорбент (ютиловчи)лар ҳисобланади. Табиий минерал сорбентлар гуруҳига бентонит (гилмоя)лар, опоқа ва бошқалар киради.

Сорбентлар қаттиқ моддалар бўлиб, ўз сатҳига атроф-муҳитдан газларни ёки эритмадаги эриган моддаларни сингдириб оловччи, ютувчи моддалардир.

Республикамиз табиий минерал сорбентларга бой бўлиб, улар саноат ишлаб чиқариш корхоналарида кенг қўлланилади. Сорбентлар нефт мойларини, ўсимлик ёғларини тозалашда, дори тайёрлашда, парфюмерия маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, вино, пива ишлаб чиқаришда, корхоналар ҳавосини тозалашда, газлар таркибидаги намликини шимиб олишда ва бошқа максадларда кенг ишлатилади.

Табиий минерал сорбентлар Тошкент яқинидаги Дарвоза ва Калас опоқа ва гиллари, Бухоро яқинидаги Азқамар гилмоялари, Навоий шахри атрофидаги Кармана опоқалари, Самарқанддаги Чўпонота опоқа ва гиллари, Фарғона водийсида Шўрсув, Олтиариқ, Чимён гил конлари мавжуд. Бундан ташқари, табиий минерал сорбентлар Дехқонободда, Шакарли оstonада, Қаровулбозорда, Устюрт да ва марказий Қизилқумда ҳам топилган.

Сорбентлардан куллаш учун қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

1. Сорбентнинг ютиш қобилияти катта бўлсин, яъни сорбентдан камроқ сарфланиб, кўпроқ ютиш натижаларига эришиш.

2. Сорбент танлаб ютиш қобилиятига эга бўлсин, яъни аралашмадан ютилиши лозим бўлган моддадан бошқаси сорбентда ютилмасин.

3. Сорбентдан ютилган моддани ажратиб олиш осон бўлсин.

4. Сорбентдан ютилган модда ажратиб олингач, у ўзининг ютиш қобилиятини яна қайтадан тиклай олсин. Буни техникада сорбентнинг регенерацияланиши дейилади. Демак, сорбентнинг регенерациланиш қобилияти катта бўлиши керак.

Халқимиз қадим замонлардан бери сорбентлардан кенг қўлланиб келган. Масалан, узумдан шинни пиширишда, шохтут ва узум шарбатларини тиндиришда, гилам тўкишда эса жунларни ёғдан тозалашда сорбентлардан (асосан гилмоядан) фойдаланиб келганлар.

Сорбентларни ишлатишнинг 2 та усули мавжуд:

1. Сорбентлар майдаланиб кукун шаклига келтирилади ва тозаланиши лозим бўлган узум шарбатига, қора мойга ёки пахта мойига аралаштирилади. Вакт ўтиши билан сорбент заррачалари аралашма таркибидаги маҳсулот сифатини бузувчи керакмас моддаларни шимиб олади ва идиш тагига чўкади. Куйқадан суюқ модда филтрлаб (сузиб) олинади. Сорбентларни бу усулда қўлланишига “статик шароитда сорбентларнинг ишлатилиши” дейилади. Бу усулда тозалаш самарадорлиги сорбент заррачаларининг ўлчамига боғлиқ. Сорбент заррачалари қанча кичик бўлса, унинг тозалаш қобилияти шунча юқори бўлади.

2. Сорбентларни иккинчи қўллаш усули “динамик шароитда сорбентларнинг ишлатилиши” дейилади. Бу усулга кўра, икки томони очик қувурсимон идишга сорбент солинади. Идишнинг бир томонидан (масалан, пастдан юқорига қараб ёки аксинча) тозаланиши лозим бўлган аралашма (масалан, намланган газ) ўтказилади. Ўтиб кетаётган аралашма оқими сорбент қаватида тозаланади, суюқ аралашма бўлса, керакмас моддалардан тозаланади, газ эса намдан тозаланиб, қуруқ ҳолатига ўтади.

Бу усулда сорбент йирик донадор бўлиши керак. Бундай оқимга қарши аэродинамик қаршилик катта бўлади ва сорбент оқим билан бирга чиқиб кетмайди. Сорбент доналари оқимга қаршилик кўрсатишда майдаланиб, уваланиб кетмаслиги керак, яъни уларнинг мустаҳкамлиги юқори бўлиши керак.

Табиий сорбентлар динамик усулда фаоллашади, яъни уларнинг фаоллиги ошади. Шунинг учун иккинчи усулни “сорбентларни фаоллаш” усули дейилади.

Маълумотларга қараганда, гилмоя ва шу каби табиий минерал сорбентларни сувда эрувчан полимерлар (К-4, ПАА-1 К-4, ПАА-1) билан ишланса сорбентларнинг ютувчанлиги ортиб, танлаб ютиш қобилияtlари яхшиланади. Масалан, Калас гилмояларига қаттиқ модда оғирлигининг уч юздан бир улушига К-4 полимери қўшилгандан кейин табиий сорбентнинг чумоли сирка ва лимон кислоталарига нисбатан ютувчанлиги қарийб 300% га, карбамид ва метиламин каби органик асосларига нисбатан 1,5 баробар ортган, органик спиртлар (бутил, поливинил спиртлари) га нисбатан эса ўзгармай қолади.

Бошқача қилиб айтганда, табиий сорбентни К-4 полимери билан модификация қилингандан кейин, унинг органик кислоталарни спиртларга нисбатан танлаб ютиш қобилияти уч баробар яхшиланади. Яъни, аралашмада кислота ва спирт бўлса, кислота ютилиб, спирт қолади, кислота билан спирт аралашмасидан сорбентда спиртнинг ютилиши учун спирт микдори кислота микдорига нисбатан энг камида 33% га кўпроқ бўлиши керак.

Сувда эрувчан полимерлар билан модификация қилинган табиий сорбентлардан донадор оқловчилар тайёрлаш мумкин. Бунинг учун модификация қилинган сорбентдан қуюқ бутқа тайёрланиб, гўшт майдалагичдан ўтказилади, яъни “макарон” олинади. Олинган узун-узун “макаронларни” 3-4 мм қилиб кесилади ва уларни 150°C да қуритилади. Шу усул билан тайёрланган сорбентлар модификация қилинган донадор сорбентларга нисбатан нам ютиш қобилияти 20% га, пишиқлиги эса 30 баробарга ортади. Бу катта ютуқ, чунки бу билан табиий газлардаги намни қаттиқ сорбентлар ёрдамида тозалаш имконияти вужудга келади.

Маълумки, табиий газ таркибида сув томчилари бўлади. Демак, газ қуритилмаса, унинг ёниши қийинлашади, газ қувурларида сув йиғилиб қолади, натижада қувур коррозияга учрайди. Бу катта иқтисодий талофатдир. Масалан, 5 м³ газда 1мм³ сув бўлса ва бир кунда 10 млн м³ газ қазиб олинса, у ҳолда 200 литр сув йиғилади демакдир.

Бунча сувни ютиш учун қанча сорбент керак?

Фараз қилайлик, ютиш қобилияти энг яхши сорбентнинг 1 грамм и 25 миллимол грамм сув ютсин. Бунда 200 л сувни ютиш учун 500 кг модификация қилинган сорбент керак. Шунча модификация қилинган сорбентни олиш учун эса соф оғирликда 5 кг К-4 тамғали сувга эрувчан полимер сарфланади, холос.

Юқоридаги фактлардан кунига 500 кг модификация қилинган сорбент лозим экан, эскисини йўқотиб янгисини олиш керак деган хулоса чиқармаслик керак. Чунки модификацияланган сорбентларнинг пишиқлиги, юқорида айтиб ўтганимиздек, ортади. Бу эса сорбентларни қайта ишлаш демакдир. Бунинг учун ишлатилган сорбент қавати орқали 125-150°C гача қиздирилган ҳаво ўтказилса, иссиқ ҳаво сорбентда ютилган сувни (намни) ўзи билан олиб кетади, сорбент қурийди, ўзининг иш қобилиятини қайта тиклайди, яъни у регенерацияланади.

Табиий сорбент ёрдамида газ қуритилса, у намни ютиб лойқаланиб қолади ва уни

кейинчалик регенерация қилиб бўлмайди, яъни дастлабки хоссаларини тиклаб бўлмайди. Сувда эрувчан полимерлар билан модификацияланган сорбентлар эса, аксинча кўп намни ютса ҳам, лойқаланмайди, сорбент қаватидан иссиқ ҳаво (қуритувчи) ўтаверади ва модификацияланган сорбент осон регенерацияланади.

Сорбентнинг нам ютиши ва уни регенерациялашнинг бир цикли деб қарасак, табиий сорбент учун цикллар сони 2-5 дан ортмагани ҳолда сувга эрувчан К-4 тамфали полимери билан модификацияланган сорбентларда цикллар сони 30 дан ошади.

4. Сувда эрувчан полимерларнинг ерни пармалашда қўлланилиши

Маълумки, нефт ва газ хом- ашёлари ер қаъридан қудук пармалаш йўли билан қазиб олинади. Қудукларнинг чуқурлиги 5 метрдан ошиши ҳам мумкин. Ерни пармалаш сирлари қўйидагилардан иборат:

Бири иккинчисига бемалол кирадиган 2 та қувур бўлиб, ингичка қувурнинг пастки учига парма ўрнатилган бўлади. Қувур ўз ўқи атрофида айлана бошлайди, парма эса ер қатламини қирқиб атрофида қириндини чиқаради. Бунинг учун ингичка қувур ичидан суюқлик юборилади. Ушбу суюқликнинг асосий вазифаси — ингичка ва йўғон қувурлар оралиғидаги қириндиларни ўзи билан бирга юқорига олиб чиқишдан иборатдир.

Суюқлик қириндиларни ўзи билан илаштириб олиб чиқиши учун унинг солиштирма оғирлиги қириндиларнинг солиштирма оғирлигига мумкин қадар teng бўлиши керак. Одатда қириндилар тоғ жинсларидан тарқиб топганлиги учун уларнинг солиштирма оғирлиги 2 дан юқори бўлади. Яъни, уларнинг 1m^3 оғирлиги 2 тоннадан юқори бўлади. (Эслатиб ўтамиз: 1 m^3 сувнинг массаси 1 тоннага tengдир). Демак, ингичка қувур орқали узатиладиган суюқликнинг солиштирма оғирлиги ҳам катта бўлиши керак. Бундай суюқликларни пармалаш эритмалари деб аталади. Улар гилмоя, палигорскит, вермикулит каби минераллардан тайёрланади.

Шуни эътиборга олиш керакки, гилмоя ва шунга ўхшаш тайёрланган пармалаш эритмалари лойқа сувга ўхшаб кетади.

Одатда лойқа сув заррачаларини эритмада ўзаро боғланган ҳолда олишга интиладилар. Лекин гарчи пармалаш эритмасининг солиштирма оғирлиги 2 га teng ва ундан ортиқ бўлмаса ҳам, эритма заррачалари ўзаро боғланганлиги туфайли ўzlаридан анча оғир тоғ жинсларини илаштириб юқорига олиб чиқиш қобилиятига эга бўлади.

Пармалаш эритмаси заррачаларини ўзаро боғлашнинг иккинчи моҳияти шундан иборатки, заррачалар эритма таркиби турғун (барқарор) бўлади. Улар туз ва ҳарорат таъсирида чўқмайди ва эритманинг таркиби бузилмайди. Ер қатламидаги тузларнинг қалинлиги 300 м дан 500 м гача етиши мумкин. Қудукнинг чуқурлиги ошган сари ҳарорат ҳам ортиб боради. Ҳар бир 33-35 метр чуқурликда ернинг ҳарорати 1°C га ошиб боради. Агар ер сатҳида ҳарорат 20°C бўлса, 5 минг метр чуқурликда ҳарорат 175°C ни ташкил этади.

Пармалаш эритмаси заррачаларининг ўзаро боғлаш учун сувда эрувчан полимерлардан фойдаланилади. Бундай полимердаги фаол функционал гуруҳлар лойқа заррачалари билан физикавий ёки кимёвий боғланади, макромолекулалар эса заррачалар орасида алоқа (боғ) вазифасини ўтайди. Пармалаш эритмасининг заррачалари полимер билан қанчалик кўп ўралган бўлса, яъни полимердан қанчалик қалин тўн кийган бўлса, заррачаларнинг турғуналиги шунча ортади. Ҳозирги пайтда пармалаш эритмасига турғунлик берувчи бир қатор табиий, синтетик ва сунъий сувда эрувчан полимерлар (ССБ, КМЦ сепаран, крилиум, поликапроамид, ГПАН, К-4, К-6 ва x) мавжуд. Уларнинг ичida К-4 кўпроқ ишлатилади.

Назорат саволлари

1. Сувда эрувчан полимерларни ҳосил қилиниши.
2. Сувда эрувчан полимерлар гуруҳига қайси полимерлар киради?
3. Сувда эрувчан полимерлар қайси соҳаларда ишлатилади?
4. Сувда эрувчан полимерларнинг тупроқ тизимини ва унимдорлигини оширишда ҳамда қатқалоққа қарши курашда қўлланилиши қандай амалга оширилади?
5. Сувда эрувчан полимерларнинг тупроқ намини тежашда, тупроқ эрозиясига қарши курашда ва ернинг шўрини ювишда қўлланилиши қандай амалга оширилади?
6. Сувда эрувчан полимерларнинг кўчма қум харакатини тўхтатишда донадор ўғитлар

олишда, рангли металларни ишлаб чиқаришда қўлланиш сабабларини тушунтиринг

7. Сувда эрувчан полимерларнинг табиий минерал сорбентлар қувватини оширишда, ерни пармалашда, бурғилаш эритмаси сифатида қўлланишига сабаб нима?

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев З. Экологические отношения и экологическое сознание. Т.: Фан, 1990.
2. Дедю И.И. Экологический энциклопедический словарь. Кишинёв.: Гл.ред. Молдавской сов. энциклопедии, 1989, 406 с.
3. Милanova Е.В., Рябчиков А.И. Использование природных ресурсов и охрана природы. М.: Высшая школа, 1986.
4. Пирогов Н.Л., Сушон С.П., Завалко А.Г. Вторичные ресурсы: Эффективность, опыт, перспективы. М.: Экономика, 1987.
5. Цыганков А.П., Сенин В.Н. Циклические процессы в химической технологии. Основы безотходных производств. М.: Химия, 1988.
6. Ласкорин Б.Н., Барский А.Д., Персин В.З. Безотходная технология переработки минерального сырья. М.: Недра, 1984.
7. Ласкорин Б.Н., Громов Б.В., Цыганков А.П., Сенин В.Н. Безотходная технология в промышленности. М.: Стройиздат, 1986.
8. Ишмухамедов А. Малоотходная технология и окружающая среда. Т. Мехнат, 1988.
9. Гетов Л.В. Сычева. А.В. Охрана природы. М.Стройиздат, 1989.
10. Певзнер М.Е. Костовецкий В.П. Экология горного производства. М.Недра, 1990
11. Панов Г.Е. Петряшин Л.Ф., Лысяный Г.Н. Охрана окружающей среды на предприятиях нефтяной и газовой промышленности. М.Недра, 1986.
12. Белов П.С., Голубева И.А.,Низова С.А. Экология производства химических продуктов и углеводородов нефти и газа. М. Химия, 1991.
13. Яковлев В.С. Хранение нефтепродуктов. Проблемы защиты окружающей среды. М.Химия, 1987.
14. Пугачев Е.А. Методы и средства защиты окружающей природной среды в легкой промышленности. М.Легкая промышленность и бытовое обслуживание, 1988.
15. Кудратов А. Охрана окружающей среды на предприятиях хлопкоочистительной и шелковой промышленности. Т. Ўқитувчи, 1995.
16. Азимов Б.А. Пахта йигириш фабрикаларини лойихалаш. Т. Ўзбекистон, 1995.
17. Переработка отходов кожевенной промышленности. Пер. с чешского Р.С.Тимченко, О.И.Тимченко. М.Легкая индустрия, 1976.
18. Адрианова Г.П. и др. Химия и физика высокомолекулярных соединений в производстве искусственной кожи, кожи и меха. М.Легпромбытиздат. 1987.
19. Костылев А.Ф. КаспарянцС.А. Шкутов Ю.Г. Товароведение и технология первичной обработки кожевенного сырья. М., Лег промбытиздат, 1988.
20. Страхов И.П. Химия и технология кожи и меха. М. Легпромбытиздат. 1985.
21. Сухарева Л.А. Кипнис Ю.Б. Защитные полимерные покрытия в производстве искусственной кожи. М.Химия, 1989.
22. Бойдукин Ю.А. Использование отходов сельского хозяйства для получения энергии. М. 1981.
23. Кораблев А.Д. Экономия энергоресурсов в сельском хозяйстве. М. Агропромиздат, 1988.
24. Калинчев Э.Л. Саковцева М.Б. Свойства и переработка термопластов. М.Химия, 1983.
25. Аскarov М. Ёриев О, Ёдгоров Н. Полимерлар физикаси ва химияси. Т.Уқитувчи, 1993.
26. Шефтель В.О. Полимерные материалы (токсические свойства). Справочник. Л.Химия, 1982.
27. Беспамятнов Г.П. Кротов Ю.А. Предельно допустимые концентрации химических веществ в окружающей среде. Справочник. Л.Химия, 1985.
28. Царьков Г.А. Защита от коррозии оборудования в производстве химических волокон. М.Химия, 1988.
29. Говарикер В.Р. Виеванатхан Н.В. Шридхар Дж. Полимеры. М.Наука, 1990, 396с.

30. Корицкий Ю.В. Применение полимеров для изоляции электрических машин и аппаратов. Успехи химии и технологии полимеров. Под.ред. З.А.Роговина. М.Химия, 1970 г, с.165-170.
31. Фатоев И.И., Назаров Д., Ситамов С. Влияние многократной переработки на свойства высоконаполненного ПЭВП.- Пластмассы, 1991, №7, с. 40-41.
32. Ситамов С., Назаров Д., Фатоев И.И. Применение полистирольных пластиков в отраслях, производящих продукты питания.- Пластмассы, 1991, №7, с. 55-56
33. Назаров Д., Фатоев И.И., Марупов Р. Эффективный способ предотвращения загрязнения окружающей среды. Тезисы докладов научно-теоретической конференции «Экология и культура». Куляб. Кулябский гос. пед. Институт им. А.Рудаки, 13-16 мая. 1992. с.67-68.
34. Фатоев И.И., Ситамов С.С. Работоспособность полимерных композиционных материалов, применяемых в отраслях, производящих продукты питания.- Тезисы докладов Республиканской научно-технической конференции «Научно-практические основы переработки сельхозсырья». Бухара. Бух ТИП и ЛП, 26-28 октября 1996, с. 71-74
35. Фатоев И.И. Тулдирилган полимер материалари ва уларнинг электротехникада кулланиш муаммолари.- Профессор-укитувчиларнинг илмий маколалар туплами. Бухоро. БухОО ва ЕСТИ, 1999, 3-сон, 44-46 б
36. Фатоев И.И. Долговечность наполненных полимерных материалов, применяемых в отраслях, производящих продукты питания.- «Жараён-2000» Республика илмий-амалий конференцияси. Илмий маколалар туплами. Бухоро. БухОО ва ЕСТИ, 26-27 май 2000, 155-158 б.
37. Фатоев И.И. Некоторые проблемы промышленной экологии и получения полимерных композиционных материалов.- «Тукимачилик ва енгил саноат янги технологиялари ва материаллари» мавзусидаги Халкар илмий-амалий анжумани. Илмий маколалар туплами. Бухоро. БухОО ва ЕСТИ, 10-12 сентябрь, 2001, 54-58 б.
38. Фатоев И.И., Мавлонов Б.А. Разработка композиций на основе вторичных полимерных материалов.- Материалы Международной научно-практической конференции «Текстиль 2002. Инновация и эффективность научноёмких технологий». Ташкент. ТИТ и ЛП, октябрь 2002, с.114-145
39. МавлоновБ.А. Фатоев И.И., Бахриддинова Н.М. Экологические проблемы применения полимерных композиционных материалов в пищевой промышленности- Вестник Белгородского госуд.техн. университета им. В.Г.Шухова, 2004, №8, с.96
40. Фатоев И.И., Муродова Н.Н., Савриев Ш.М. Полимер композицион материаллардан озиқ-овкат саноатида куллашнинг экологик муаммолари ва уларнинг ечиш йуллари.- «Замонавий илм-фан ва технологияларнинг енг муҳим муаммолари» Республика илмий-амалий конференцияси. Маколалар туплами. Жиззах. ЖПИ, 14-15 май 2004, 111-116 бет
41. Фатоев И.И., Файзиев А.Ф. Савриев Ш.М. «Саноат экологияси» фанини укитишдаги баъзи муаммолар ва уларнинг ечми хакидаги баъзи муаммолар ва уларнинг ечими хакидаги мулоҳазалар.- «Таълим жараёнида экология фани укитилишининг долзарб муаммолари» Илмий-амалий конференция материаллари. Бухоро БухОО ва ЕСТИ, 24-25 ноябр 2004, 31-32, 127-130, 166-169 б.
42. Беков У.С., Фатоев И.И., Мавлонов Б.А. Экологические проблемы применения композиционных материалов в пищевой промышленности.- «Ижодкор ёшлар ва фан ва техника тараккаёти» Республика илмий-амалий анжумани. Илмий маколалар туплами. Бухоро. БухДУ, 2004, II кисм, 64-65 б.
43. Фатов И.И.,Бахриддинова Н., Хамидов Ё. Некоторые особенности применения полимерных упаковочных материалов в пищевой промышленности.- Научной вестник Бухарского госуниверситети, 2004, №4, с.79-82.
- 44.Фатоев И.И. Экология. Маъruzалар матни. Бухоро. «Техно-тасвир» босмахонаси, 2004, 140 б

Босишга рухсут этилди 26.01.06. «Зиё – ризограф» ишлаб чикариш корхонасида чоп этилди. Адади 100 нусха. Босма табоги 10,5. Бухоро шахри, М.Икбол кучаси 11 уй.